Дастлабки жангда мухториятнинг тахминан 1000 нафар кишидан иборат миллий кўшинидан ташқари қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашди. Асосан болта, чўкич, кетмон, ўроқ, таёқ кўтарган халойиқнинг сони 10 000 нафар кишига етди. Шунга қарамай, куролсиз бу кишилар қизил гвардиячилар Қўқон шаҳрига қилган хужумини уч кун давомида мардонавор қайтардилар. Шу орада мухториятчилар сафида парокандалик юз берди, юкорида айтиб ўтилганидек, 18 февралда уламочиларнинг тазйиқи билан Мустафо Чўқай истеъфога чиқди ва баъзи вазирлар сингари Қўқонни тарк этди. Айрим вазирлар жанглarda ҳалок бўлди ёки душман қўлига тушиб қолди. Мустафо Чўқайнинг кейинчалик ёзишича, “Бу пайтда ҳукумат аъзоларидан Миродил [Миродил Мирзааҳмедов], Абдурахмон Ўрозий [Абдурахмонбек Ўразаев], Ҳидоятбек Юрғули [Ҳидоятбек Юрали Агаев] ҳамда мен [Мустафо Чўқайнинг ўзи кўзда тутилмоқда – Қ.Р.] Қўқонда эдик... Носирхон Тўра Наманганда, Ҳарцфельд [Соломон Герцфельд] Самарқандда, Убайдулло Хўжа [Убайдулла Хўжаев] Ашхобод – Самарқанд йўлида, Обиджон [Обиджон Маҳмудов] Бухорода, Шоаҳмадбек [Ислом Султон Шоаҳмедов] эса Қўқон кўрғони ичида экан, большевиклар қўлига тушиб қолган эдилар”⁷¹.

Большевиклар ва совет ҳокимияти бу билан чекланмасдан мухторият ҳукуматини тугатиш учун кўшимча ҳарбий кучларни бу ерга жўнатди. 1918 йил 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е. Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлик ва артиллерия қисмларидан иборат 11та эшелондан иборат кўшин етиб келди. Умумий қўмондонлик К.Осипов зиммасига

⁷⁰ Аъзамхўжаев С., Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 8. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б. 650 – 651.

⁷¹ Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). –Тошкент: Фафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. –Б. 49.

юкланди. 19 февралдан бошлаб 3 кун давомида большевикларнинг ҳарбий кучлари шаҳар устига тўплардан ёндирувчи снарядлар ёғдиришди. Шаҳар бутунлай вайрон бўлди ва ўт-олов ичида қолди. Қўқоннинг ўзида 3 кун давомида 10 000 нафардан зиёд киши ўлдирилди⁷².

“Улуғ Туркистон” газетаси чуқур қайғу билан хабар берганидек, “20 (7) февраль куни Хўқанд (Қўқон) тарихининг энг даҳшатли куни эди. Бунда арманилар айрича фаолият кўрсатганлар...” Газетадаги ушбу мақола “Хўқанд - ҳозир ўликлар шаҳри” деган даҳшатли ибора билан тугайди⁷³. Ниҳоят, 1918 йил 22 февралда Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган “тинчлик шартномаси” имзоланди. Ушбу шартноманинг иккинчи моддасида “Аҳоли ўлка Халқ Комиссарлари Совети ҳокимияти ва барча маҳаллий совет ташкилотларини тан олади”, деб ёзилган эди. Ҳа, ўққа тутилган, ўлдирилган, таланган ва таҳқир этилган қўқонликларнинг тирик қолган қисми совет ҳокимиятини расмий равишда тан олишга мажбур бўлди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун умр кўрган бўлса ҳам, у эркесвар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этди. Бу ҳукуматнинг зўрлик билан ағдарилиши туркистонликлар томонидан совет Россиясининг Туркистонга нисбатан тажовузкор режалари мавжудлигининг яна бир далили сифатида қабул қилинди. Туркистонликлар тинч йўл (парламент) билан миллий давлатчиликни қайта тиклаш мумкин эмаслигини тушуниб, 1918 йил февраль ойининг охирида қўлларига қурол олган ҳолатда Туркистонда совет режими ва большевикларга қарши қуролли ҳаракатни бошлаб юбордилар. Совет даврида “босмачилик” ҳаракати деб қораланган туркистонликларнинг мазкур миллий озодлик кураши тарихга истиқлолчилик ҳаракати сифатида кирди.

1918 йил 30 апрелда Туркистон ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг V съездида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет

⁷² Раджабов К.К. Истиқлолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918 – 1924 гг.). Автореферат дисс... канд.ист.наук. – Ташкент, 1995. –С. 21 -22; Он же. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918 – 1924 гг.). Автореферат дисс... докт.ист.наук. – Ташкент, 2005. –С. 39.

⁷³ Хўқанд фожиаси // “Улуғ Туркистон”, 1918 йил 8 март.

Социалистик Республикаси (баъзи манбаларда Туркистон Совет Республикаси) тузилганлиги эълон қилинди⁷⁴. Совет ҳокимияти Туркистонда яшовчи маҳаллий халқларга гўёки совет автономияси бошқарувидаги “миллий давлатчилик” ва “мухторият”ни берди. Шу муносабат билан 1918 йил май ойининг бошларида амнистия эълон қилиниб, Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларидан тирик қолган айримлари камокхонадан чиқарилди ҳамда вақтинчалик авф этилди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти ҳамда кейинги тақдири тўғрисида энди батафсил тўхталиб ўтамиз. Мухторият ҳукуматининг биринчи таркибига сайланган 8 нафар киши ҳақида қисқача маълумотлар куйидагича:

Муҳаммаджон Тинишбоев – давлат ва жамоат арбоби, тарихчи олим. 1879 йил 12 майда Еттисув вилояти Лепсинск уезди Садир волостининг Эчкиолмас тоғи этагида туғилган. Миллати – қозок. У 1889 – 1900 йилларда Верний эркалар гимназияси, 1900 – 1906 йилларда Санкт-Петербург Императорлик институти – Александр I номидаги темир йўл транспорти инженерлар институтида ўқиди. 1907 йили II қақирқ Россия Давлат думаси депутати қилиб сайланди. 1917 йил апрелда тузилган Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети аъзоси. Айни пайтда Муваққат ҳукуматнинг Еттисув вилояти комиссари⁷⁵. Қўконда Туркистон Мухторияти ҳукумати 1917 йил 27 ноябрда ташкил топгач, ҳукуматнинг Бош вазири (1917 йил ноябрь – декабрь) ва ички ишлар вазири (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль). 1917 йил 5 – 13 декабрда Оренбургда ўтказилган II Бутунқозок съездида қатнашди. Бу съездда Алихон Букейхонов (1866 – 1937) бошчилигида Алаш автономияси [Алаш Ўрда ҳукумати] ташкил топди. У Алаш Ўрда ҳукуматида ички ишлар вазири (1917 йил декабрь – 1920 йил март) ва кейинчалик Бош вазир ўринбосари лавозимларида ишлади.

М. Тинишбоев кейинчалик Туркистон АССР ва Қозоғистон АССРда турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Туркий халқлар тарихи ва этнографиясига оид турли асарлар ёзган ҳамда улар рус тилида Тошкентда нашр қилинган.

⁷⁴ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917 – 1924 йиллар). –Тошкент: “Университет”, 2002. –Б. 47 – 48.

⁷⁵ Марат Ескендирули (Эбдешев). Министры «Алаш Орды» (қозок ва рус т.). – Алматы, 2008. –С. 75 – 77.

Совет ҳокимияти томонидан М. Тинишбоев биринчи марта 1930 йил 3 августда қамоққа олинди ва беш йилга РСФСРнинг Марказий қоратупроқ ҳудуди (ҳозирги Воронеж области)га сургун қилинди (1930 – 1935). Кейинчалик Тошкентда НКВД томонидан 1937 йил 21 ноябрда қайта қамоққа олинди ҳамда Тошкент турмасида 1938 йил 20 апрелда отиб ташланди⁷⁶.

М. Тинишбоевнинг танланган асарлари Алматида нашр этилди. СССР тарқалгач, Қозоғистонда унинг хотираси шарафига кўплаб ҳайкаллари ўрнатилди.

Ислом Султон Шоаҳмедов – мусулмон жамоат ва сиёсат арбоби. 1882 йил 21 ноябрда Оренбургда туғилган. Миллати – татар. Оренбург эркаклар гимназиясини тугатгач (1905), Санкт-Петербург университетининг аввал шарқшунослик, сўнгра юридик факультетида ўқийди (1905 – 1909). Петроградда 1917 йил ёзда ташкил қилинган Бутунроссия мусулмонлари Шўроси Ижроия Комитети аъзоси.

И. Шоаҳмедов 1917 йил кузида Тошкентга келиб, Туркистондаги мухториятчилик ҳаракатида фаол қатнашди. “Туркестанский край” (Тошкент, 1917) газетаси муҳаррири ва ношири. Туркистон мусулмонлари Марказий Шўроси аъзоси. Туркистон Мухторияти ҳукуматида Бош вазир ўринбосари, кейинчалик молия вазири бўлди. Туркистон Мухторияти Конституцияси лойиҳаси муаллифи. Мухторият ҳукумати тугатилган пайтда Қўқон кўрғони ичида большевиклар томонидан қўлга олинган (1918 йил февраль). “Улуғ Туркистон” газетасида 1918 йил баҳорида ёзилишича, у қамоқхонада қийноқлар натижасида ақлдан озган ва турма лазаретига кўчирилган. Кейинчалик қамоқдан чиққан. Айрим маълумотларга қараганда 1920 йили Ҳиндистонга жўнаб кетган, бироқ орадан кўп ўтмай касалланган ва юртига қариндошлари хузурига қайтган⁷⁷. У тахминан 1921 йилда вафот этган.

Мустафо Чўкай – таниқли давлат ва жамоат арбоби ҳамда Туркистон халқлари мустақиллиги учун изчил курашчи. 1890 йил

⁷⁶ Ражабов Қ. Тинишбоев Мухаммадjon //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 8. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б. 439.

⁷⁷ Шагиахметов Шахислам (Ислом) Шагисултонович //Ислам в Санкт-Петербурге. Энциклопедический словарь. –Москва-Нижний Новгород: «Медина», 2009. –С. 301 – 302.

25 декабрда Сирдарё области Перовск уезди Жопек волостидаги Авлиётарангил овулида (баъзи манбаларда Наршоки кишлоғида) туғилган⁷⁸. Отаси Чўқайбей Тўрғай додхоҳ ўғли бўлис (волость) бошлиғи, қозокларнинг қипчоқ уруғи аслзодаларидан бўлган, онасининг аждодлари Хива хонларига бориб тақалган. Миллати – қозоқ.

Мустафо Чўқай бошланғич маълумотни Оқмачитда олгач, Тошкентдаги эркалар гимназиясида ўқиди (1902 – 1910). Санкт-Петербург университетининг юридик факультетини тугатган (1914). Айнан ушбу ўқув юртларини 1899 ва 1904 йилларда кейинчалик Россиядаги Муваққат ҳукуматнинг Бош вазири бўлган Александр Керенский (1881 – 1970) ҳам тугатган эди. Мустафо Чўқай 1916 – 1917 йилларда Россия IV Давлат думасининг мусулмонлар фракциясида котиб ва таржимон бўлиб ишлайди. Туркистонда 1916 йили кўтарилган кўзғолон шафқатсиз бостирилгандан кейин Давлат думасининг А. Керенский бошчилик қилган махсус комиссияси таркибида ўша йили август ойида Туркистон ўлкасида, жумладан, Жиззахда бўлиб вайронага айланган шаҳар харобаларини кўрган.

1917 йил апрелда Мустафо Чўқай Петрограддан Тошкентга қайтди ва Туркистондаги сиёсий жараёнлар марказида турди. У Тошкентда 1917 йил баҳоридан бошлаб “Бирлик туғи” ва “Свободный Туркестан” газеталарини чоп эта бошлади. 1917 йил 16 – 23 апрелда Тошкентда ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг I қурултойида Мустафо Чўқай раислигида Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси [Краймуссовет], яъни Миллий Марказ ташкил қилинди. Оренбургда 21 – 28 июлда ўтган Бутункирғиз [Бутунқозоқ] I съездида фаол қатнашди. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети аъзоси (1917 йил августдан). Тошкентда большевиклар томонидан зўравонлик билан ҳокимият босиб олингач, Мустафо Чўқай бошчилигидаги Миллий Марказ ноябрь ойи бошларида Қўқонга кўчиб борди.

1917 йил 27 ноябрда Қўқон шаҳрида ташкил қилинган Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташқи ишлар вазири (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль), кейинчалик Бош вазир (1917 йил декабрдан). Айни пайтда Оренбургда 1917 йил 5 – 13 декабрда бўлиб ўтган Бутунқозоқ II съездида қатнашди ҳамда Алаш Ўрда ҳукуматида ҳам ташқи ишлар вазири лавозимига сайланди.

⁷⁸ Садыкова Б. Мустафа Чоқай. –Алматы: «Алаш», 2004. –С. 231.

Мухторият ҳукумати большевикларнинг ҳарбий кучлари томонидан тугатилгач, 1918 йил февраль охирида Қўқондан чиқиб кетди ҳамда яширин равишда март ойида Тошкентга келди ва бу ерда 2 ой яшади. У 1918 йил 16 апрелда эски таниши актриса Мария Яковлевна Горина (1888 – 1969) билан Тошкентдаги масжидда никоҳдан ўтиб, турмуш куради. Ёш оила 1918 йил 1 майда Тошкентдан поездда Москвага жўнайди. Бироқ поезд Волгадаги жанговар ҳаракатлар сабабли Актюбинсккача боради, холос. 1918 йил 8 июнда Самарада большевикларга қарши Таъсис мажлиси аъзолари комитети (Комуч) ҳукумати тузилди. Июль ойида Алаш Ўрда раҳбарлари Алихон Букейханов ва Мустафо Чўқай Самарага келиб, Комуч ҳукумати билан большевикларга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузди. Бу пайтда Мустафо Чўқай Самара, Уфа, Омскда фаолият кўрсатди. 1918 йил 18 ноябрда ўз сафдошлари билан қамоққа олинган Мустафо Чўқай туркистонлик эсер Вадим Чайкин ва татар Илёс Алкин билан Челябинскда қамоқдан қочади. 1918 йил 1 декабрда Оренбургдаги Карвонсаройда (Бошқирдистон ҳукумати қароргоҳида) у билан Бошқирдистон ҳукумати раиси Аҳмад Заки Валидий ўртасида учрашув бўлди. Мустафо Чўқай қисқа муддат Комуч ҳукуматида фаолият кўрсатди.

Мустафо Чўқай 1919 йил февралда Европа давлатларига махсус меморандум билан мурожаат қилиб, Туркистондаги истиқлолчиларнинг большевикларга қарши курашини қўллаб-қувватлашга, совет режимини афдариб ташлашга чақирди⁷⁹.

Мустафо Чўқай қозоқ даштлари ва Каспий денгизи орқали 1919 йил баҳорида аввал Боку сўнгра Тифлис [Тбилиси] шаҳрига боради. У Тифлисте 2 йил яшайди. Бу ерда у мусулмонлар учун “Yeni Dünya” ва “Şafak” газеталарини ташкил қилиб, “На рубеже” журналига муҳаррирлик қилди. Қизил армия Тифлисни босиб олгач, 1921 йил февраль ойида Мустафо Чўқай муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлди ҳамда Истанбулга етиб келди. Мустафо Чўқай хотини билан 1921 йил ёзида Парижга келди. Мустафо Чўқай муҳожирликда 20 йил яшаб, турли халқаро анжуманларда иштирок этди ҳамда матбуотда инглиз, француз, поляк, рус, турк тилларида ўткир публицистик мақолалар билан мунтазам қатнашиб турди. Парижда унинг рус

⁷⁹ Ражабов Қ. Мустафо Чўқай // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 6. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 157.

тилида “Марказий Осиёдаги Советлар” (1928) ҳамда “Туркистон совет ҳокимияти остида” (1935) ҳамда турк тилида Париж – Берлинда “1917 йил хотиралари парчалари”⁸⁰ (1937) китоблари нашр этилди.

Мустафо Чўқай 1929 йилдан бошлаб Туркистон Миллий Бирлиги Марказий Қўмитасининг раиси бўлди. 1929 – 1939 йилларда чиққан “Ҳаёт Түркистан” журнаliga муҳаррирлик қилди. Журнал Парижда тайёрланиб, Берлинда чоп этилган (унинг 117 та номери чоп этилган).

Германия СССРга ҳужум қилган 1941 йил 22 июнь куни нацистлар Париж атрофидаги Ножан шаҳарчасида яшаётган Мустафо Чўқайни камокқа олишди ҳамда у 13 июлгача Компьен харбий лагерида тутқунликда сақланди⁸¹. Сўнгра Мустафо Чўқай Берлинда бўлди (15 июлдан 26 августгача). У 1941 йил сентябрь – декабрь ойларида совет ҳарбий асирлари сақланаётган Сувалки, Вустрау ва Ченстохова концлагерларида бўлиб, асир олинган туркистонликларни омон сақлаш йўлларини излади. Мустафо Чўқай ва тошкентлик ўзбек Вали Қаюмхон (1904 – 1993) асир олинган туркистонликлардан Туркистон легиони тузишни режалаштирдилар. Бироқ Мустафо Чўқай концлагерларда юқумли касалликка чалинди ҳамда Берлиндаги “Виктория” касалхонасида тепкили терлама (тиф)дан 1941 йил 27 декабрда вафот этди. У Берлиндаги турк муслмонлар Темпельхоф кабристонида 1942 йил 2 январда дафн этилди⁸².

СССР тарқалгач, Қозоғистон ва Ўзбекистонда Мустафо Чўқайнинг асарлари чоп этилди. Таниқли тарихчи олим профессор Қушим Есмағамбетов (1938 – 2016) бошчилигида 2012 – 2014 йилларда Алматида Мустафо Чўқайнинг 12 жилдлик асарлар тўплами нашрдан чиқди⁸³. Қозоғистонда Мустафо Чўқай ҳақида бадиий асар-

⁸⁰ Қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Сўзбоши муаллифи Б. Қосимов. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – 80 бет; Мустафа Чокаев. Отрывки из воспоминаний в 1917 г. Составление, предисловие, примечания С.М. Исакова. –Токио-Москва, 2001. – 54 стр.

⁸¹ Мария Чокай. Я пишу Вам из Ножана... (Воспоминания, письма, документы). – Алматы: «Кайнар», 2001. –С. 165.

⁸² Садыкова Б. История Туркестанского легиона в документах. –Алматы: «Кайнар», 2002. – 248 стр.; Он же. Мустафа Чокай в эмиграции. –Алматы: «Мектеп», 2009. – 248 стр.

⁸³ Мустафа Шоқай. Шығырмаларының толық жинағы. Он екі томдық. Том I – XII. Құрастырған алғы сөз бен тусіндірмелерді жазған К.Есмағамбетов. –Алматы: “Дайк-Пресс”, 2012 – 2014.

лар яратилди, кинофильмлар суратга олинди, унинг хотирасига атаб кўплаб ҳайкаллари ўрнатилди. Қозоғистонда мунтазам равишда Мустафо Чўқайга бағишланган халқаро конференциялар ўтказиб турилади.

Убайдулла Хўжаев [Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев] – таникли давлат ва жамоат арбоби, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг таникли намояндаси, ўзбек матбуотининг ташкилотчиларидан бири. Тошкент шаҳрида хунарманд оиласида 1886 йили туғилган. Миллати – ўзбек. Саратовдаги ҳуқуқшунослик институтида ўқиган (1908 – 1912). Талабалик йилларидаёқ давр муаммоларини ечишни ўйлаб, машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой билан ёзишмалар олиб борди (1909). Тошкент округ судида 1913 йилдан хусусий адвокат бўлиб ишлади. Жадидчилик ҳаракатига кўшилиб, тез орада унинг раҳбарларидан бирига айланди. “Турон” жамиятининг асосчиларидан бири (1913). У Тошкентда 1914 йил апрелда “Садои Туркистон” газетасини чиқариб, унга муҳаррирлик қилди. Ўз атрофига ёшларни тўплаб, “Умид” яширин жамиятини тузди. Кейинчалик бу ташкилот “Тараққийпарвар” деб номланиб Туркистон жадидларининг асосий ташкилотларидан бирига айланди. “Садои Туркистон” газетаси 1915 йил апрелда Россия империясининг маҳаллий маъмурлари томонидан ёпилгач, у Андижонга келди ва рус тилида “Туркестанский голос” газетасини нашр қилдирди⁸⁴.

Тошкентда тузилган “Туркистон мардикорликка олиш кўмитаси”нинг раиси (1916). Мардикорчилик ҳақидаги император Николай II фармонини бекор қилдириш учун маҳаллий сармоядор Миркомилбой Мирмўминбоев билан бирга Петроградга борди.

Бутунтуркистон мусулмонлари I қурултойида ташкил қилинган Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Миллий Марказ) котиби ва аъзоси (1917 йил апрель). Бутунроссия мусулмонлар Шўроси Ижроия Комитети аъзоси (1917 йил май). Тошкентда 1917 йил март ойида тузилган “Шўрои Исломия” ташкилоти раиси. Мухториятчилик ҳаракати ташаббускорларидан бири. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ҳарбий ишлар вазири (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль).

⁸⁴ Ражабов Қ. Асадуллахўжаев Убайдуллахўжа //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 1. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. –Б. 443.

Убайдулла Хўжаев 1918 йил февралда ҳукумат топшириғи билан Кавказга борди ва Туркистонга ғалла келтириш масаласини ҳал қилди⁸⁵. Мустафо Чўқайнинг ёзишича, мухторият ҳукумати тугатилгач, у Ашхобод – Самарқанд йўлида большевиклар қўлига тушиб қолди⁸⁶. Бироқ, тез орада Оренбургга боради ва 1918 йил ноябрда Бошқирдистон Мухторияти ҳукуматини тузишда фаол иштирок этади.

Убайдулла Хўжаев совет режими томонидан бир неча марта (1929, 1931, 1938) қамоққа олинган. У охириги марта 1938 йил 20 февралда Тошкентда ҳибсга олиниб, СССР НКВД махсус кенгашининг қарори билан 1939 йил 14 майда 8 йил муддатга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган. У ўша кун Горьковек темир йўли Катлос станциясига жазони ўташ учун жўнатилган. У қамоқхонада 1942 йилда ҳалок бўлди. Ўлиmidан кейин совет ҳокимияти томонидан оқланган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукрулло “Тирик руҳлар” (1999) романида Убайдулла Хўжаев фаолиятини ҳамда “Қафансиз кўмилганлар” (1990) хотира-қиссасида қатағон қилинган юртдошларимиз қисматини ёритган.

Ҳидоятбек Юрали Агаев [Ҳидоятбек Юрғули] – давлат ва жамоат арбоби. Айрим манбаларда ёзилишича, унинг миллати ўзбек бўлган⁸⁷. У ўлкада таниқли агроном сифатида машҳур эди. Туркистон Мухторияти ҳукуматида ер ва сув бойликлари вазири лавозимида фаолият кўрсатган.

Кўқон шаҳри 1918 йил февралда большевиклар томонидан ўққа тутилган пайтда Бош вазир Мустафо Чўқай ёнида Ҳидоятбек Юрали Агаев ҳам бўлган⁸⁸. Бироқ Кўқонда большевикларнинг ҳарбий кучларига қарши бўлган жангларнинг бирида у ҳалок бўлади.

Обиджон Абдуҳолиқович Маҳмудов [Обид чатоқ] – Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг вакили, давлат ва жамоат арбоби, йирик сармоядор ва ношир. У 1871 йил Марғилонда туғилган. Унинг отаси бухоролик бўлган. Миллати – ўзбек. Обиджон Маҳмудов Кўқонга кўчиб келиб, мадраса таълимини олди. У Каспий

⁸⁵ Унутилмас сиймолар. Жадидчилик ҳаракатининг намояндalари. Матнлар муаллифи: С. Аъзамхўжаев, Д. Алимова, Ш. Ризаев. –Тошкент: “Академия”, 1999. –Б. 22.

⁸⁶ Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари. –Б. 49.

⁸⁷ Туркестанская автономия // <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

⁸⁸ Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари. –Б. 49.

денгизидаги Челекен ярим оролига бориб, нефть қазиб олиш билан шуғулланиди ва бойиб кетди.

Санкт-Петербург университетининг тоғ-кон муҳандислиги факультетини тугатган. Қўқонга қайтгач, тоғ-кон саноати билан шуғулланиб, Фарғона водийсида кўплаб нефть конларини очишда иштирок этди. Шўрсувдаги олтингугурт конини сотиб олган. У Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган ва уларни моддий жиҳатдан таъминлаб турган. Қўқонда 1914 йили босмахона ташкил қилган. “Садои Фарғона” (1914), “Тирик сўз” (1917) ва рус тилида чиққан “Ферганское эхо” (1914) газеталарининг муҳаррири ва ношири. У матбуотда долзарб масалалар билан чиқиб, Туркистон халқини маърифатли бўлишга чақирган, уни озодлик учун курашга даъват этган.

О. Маҳмудов 1917 йилда Қўқон шаҳар Думаси раиси ўринбосари қилиб сайланди. Мустафо Чўқай бошчилигидаги Миллий Марказ 1917 йил ноябрь ойи бошларида Тошкентдан Қўқонга кўчиб келгач, унинг ховлисида жойлашганлар. О. Маҳмудов Бутунтуркистон мусулмонлари фавкулудда IV қурултойи чақирилиши ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинишида катта роль ўйнади. У мухторият ҳукуматида озиқ-овқат вазири лавозимида фаолият кўрсатди. Ўз босмахонасини мухторият ҳукумати ихтиёрига топширди. Босмахонада Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ўзбекча ва русча газеталари чоп этилган. П. Алексеенковнинг ёзишича, кейинчалик у мухторият ҳукуматида юстиция вазири лавозимини эгаллади⁸⁹.

Совет ҳокимияти томонидан 1918 йил февралда мухторият ҳукумати тугатилгач, Мустафо Чўқайнинг ёзишича, О. Маҳмудов Бухорода большевиклар қўлига тушиб қолади⁹⁰. 1918 йил майда Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзолари совет ҳокимияти томонидан авф қилингач, у Москвага бориб, РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги қошидаги Туркистон ваколатхонасида матбуот бўлими мудирини ва бошқа лавозимларда ишлаган (1919 – 1921). Тошкентга қайтгандан сўнг, дастлаб Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасида ишлаган (1921). Сўнгра Фарғона водийсига бориб, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг бўлиминини тузган ҳамда совет-

⁸⁹ Алексеенков П. Кокандская автономия. –С. 26.

⁹⁰ Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари. –Б. 49.

ларга қарши фаолият олиб борган. Совет режими томонидан бир неча марта қамокқа олинган. Озодликка чиққач, орадан кўп ўтмай оғир хасталикдан сўнг Қўқонда 1936 йил 21 ноябрда 65 ёшида вафот этган⁹¹.

Абдурахмонбек Ўразаев – таникли давлат ва жамоат арбоби. У 1888 йилда Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) шаҳрида амалдор оиласида туғилган. Миллати – қозок. Скобелев гимназияси (1910) ва Москва университетининг юридик факультетини (1915) тугатган. Адвокат ёрдамчиси лавозимида ишлаган.

Фарғона сайлов округидан Бутунроссия Таъсис Мажлиси аъзоси (1917) қилиб сайланди. Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинган, у ички ишлар вазирининг ўринбосари ҳамда Миллий Мажлис аъзоси бўлди. Сўнгра ички ишлар вазири лавозимида фаолият кўрсатди. Мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилган, 1918 йил февраль ойи охирида А. Ўразаев большевиклар қўлига тушиб қолган. У кейинчалик Туркистон АССР ва Қозоғистон АССРдаги совет ҳокимияти идораларида турли лавозимларда ишлади, большевиклар партиясининг аъзоси бўлди.

Соломон Абрамович Герцфельд – Туркистондаги йирик сармоядорлардан бири, адвокат ва журналист. Сионистлар комитетининг Ўрта Осиё райони раиси. 1881 йил 27 ноябрда Одессада туғилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. Берн университети (Швейцария) юридик факультетининг эркин тингловчиси (1902 йилдан). Россияга қайтган, Одесса юнкерлик билим юртига имтиҳон топшириб, Самарқанддаги 6-Туркистон батальонида ҳарбий хизматни бошлаган. 1904 – 1906 йилларда рус тилида “Самарқанд” газетасини чиқарган. Одессадаги Новороссийск университети юридик факультети 2-курс талабалигига қабул қилинган (1907). Одесса сионистлар комитетига 1908 йил сентябрда сайланган, “Одесское слово” газетасини чиқарган. 1913 йил майда университетни тугатиб, Самарқандга қайтган. Самарқанд шаҳар Думасида яҳудийлар комитети раиси. Самарқанд шаҳар Думаси аъзоси (1917).

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг биринчи таркибида туб халқлардан бўлмаган ягона номзод сифатида кириб, молия вазири

⁹¹ Ражабов Қ. Маҳмудов Обиджон Абдухолиқович //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 5. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. –Б. 559 – 560.

бўлган. Миллий Мажлис аъзоси (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль). Кейинчалик молия вазири лавозимини Ислому Шоахмедовга топширган. Мухторият ҳукумати ағдарилганда қизил гвардиячилар томонидан Қўқонда 1918 йил 20 февралда қўлга олинган ва отиб ташланган. У Ўрта Осиё темир йўлининг Мельниково станцияси (ҳозирги Конибодом)да дафн этилган. Мустафо Чўқайнинг ёзишича, Ҳарцфельд Самарқандда большевиклар қўлига тушиб қолган эди⁹². 1918 йил 16 апрелда эзгумация ўтказилиб, Яҳудийлар жамоаси томонидан унинг жасади Самарқанддаги яҳудийлар қабристонида дафн этилган⁹³. Бу пайтда С.А. Герцфельд ҳали 37 ёшга ҳам тўлмаган эди.

Кейинчалик қуйидаги кишилар Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига киритилдилар:

Носирхон Тўра [Носирхонтўра Камолхонтўра ўғли] – Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳбарларидан бири, машҳур уламо. Наманганда 1871 йили туғилган. Миллати – ўзбек. У Бухорода, сўнгра Кобул, Деҳли, Бағдод ва Ҳижоз шаҳарларида таҳсил олган. Туркистонга қайтгач, 1912 йили Наманган шаҳрига қози бўлган. 1913 йилдан бошлаб жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. “Шўрои Исломия” ташкилотининг Наманган шубҳаси раҳбари, Наманган шаҳар Думаси аъзоси (1917). Бутунтуркистон мусулмонлари фавқулодда IV қурултойини 1917 йил 26 – 28 ноябрда Қўқон шаҳрида ўтказишда жонбозлик кўрсатди. У 1917 йил декабрда Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига маориф вазири сифатида киритилди. 1918 йил февралда мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, Мустафо Чўқайнинг ёзишича, Носирхон Тўра Наманганда большевиклар қўлига тушади⁹⁴. Амнистия туфайли озод бўлгач, у бир йил мобайнида яширин ҳаёт кечирган. У 1919 йили Косонсойда “Миллий иттиҳод” ташкилоти ячейкасини ташкил қилган. Совет режими томонидан бир неча марта қамоққа олинади. Оренбургда сургунда бўлган (1925 – 1928). Сургундан қайтгач, мавжуд тузумга қарши фаол курашни давом эттирган⁹⁵. ОГПУ махсус учли-

⁹² Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари. –Б. 49.

⁹³ Герцфельд, Соломон Абрамович //Материал из Википедии – свободной энциклопедии...

⁹⁴ Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари. –Б. 49.

⁹⁵ Ражабов Қ. Носирхон Тўра Саид Камолхон тўра ўғли //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 6. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. –Б. 401.

гининг 1930 йил 27 ноябрдаги йиғилишида 5054-иш, яъни Носирхон Тўра иши кўриб чиқилган ҳамда у отишга ҳукм қилинган⁹⁶. У билан бирга яна кўплаб кишиларга ўлим жазоси берилган. Айрим манбаларда кўрсатилишича, катагон қилинган Носирхон Тўра 1935 йил 27 сентябрда қамокда вафот этган. Унинг “Тарихи Туркистон”, “Оренбург мактублари” эсдалиги ва бошқа асарлари мавжуд.

Саидносир Миржалилов – маърифатпарвар ва жамоат арбоби. Туркистон шахрида 1884 йили туғилган. Миллати – ўзбек. Дехқончилик ва савдо ишлари билан шуғулланиб, Туркистоннинг йирик сармоядорларидан бирига айланган. Туркистонда пахта тозалаш заводи қуриб, жадид мактабини очган (1914). Давлат Думаси мусулмон шуъбасининг Петербургда бўлиб ўтган йиғилишида қатнашган (1914). У 1917 йили Тошкентга кўчиб келган ва шаҳар Думасига аъзо бўлган. “Шўрои Ислому” ташкилотининг аъзоси сифатида Туркистон Мухторияти ҳукуматининг 1917 йил ноябрда ташкил этилишида фаол қатнашган ва ҳукуматнинг хазиначиси бўлган.

Мухтория ҳукумати большевиклар томонидан ағдариб ташлангач, С.Миржалилов аввал Самара ва Тифлисга боради, сўнгра бир муддат Туркияда яшайди. У 1921 йилда Тошкентга қайтиб, “Туркистон” савдо-саноат ширкатини ташкил қилиб, ундан тушган даромад ҳисобига “Миллий иттиҳод” ташкилотини қўллаб-қўвватлаган ҳамда Германияга ўқишга юборилган айрим талабаларни нафақа билан таъминлаган ва уларга моддий ёрдам кўрсатган. У “Нашри маориф” маърифий ташкилоти ва “Кўмак” жамиятининг асосчиларидан бири (1923 – 1925). У совет режими томонидан бир неча марта (1925, 1932, 1937) қамокқа олинган. Соловецк оролидаги қамокхонага ташланган (1925 – 1928). С. Миржалилов 1937 йил 21 июлда Тошкентда охириги марта қамокқа олинди, 1937 йил 9 октябрда отиб ташланган⁹⁷. Ўлимидан сўнг оқланган.

С. Миржалиловнинг қизи Зарифа Саидносирова (1908 – 1986) кимёгар олима, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбо-

⁹⁶ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургуни (Ўрта Осиё республикалари мисолида). –Тошкент: “Шарқ”, 2003. –Б. 177.

⁹⁷ [Ражабов Қ.] Миржалилов Саидносир //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 5. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. –Б. 692.

би (1968) ҳамда биринчи ўзбек аёл рассоми бўлиб, у таниқли ёзувчи Ойбекнинг рафиқасидир.

Кичик Эргаш [Кичкина Эргаш] (1885 – 1918) – таниқли кўрбоши, Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарларидан бири. Қўқон яқинидаги Бачқир қишлоғида 1885 йилда туғилган. Миллати – ўзбек. Унинг бўйи паст бўлганлиги учун шундай дейилган. У 1910 – 1917 йилларда Россия империяси ҳукмронлигига қарши бир гуруҳ йигитлари билан кураш олиб борган. Бу орада 1913 – 1915 йилларда қамокхона ва сургунда ҳам бўлган. Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинган, Кичик Эргаш Қўқон шаҳри миршаблари бошлиғи лавозимини олади ҳамда унга кўрбоши унвони берилади. Мухторият ҳукуматининг сўнги кунларида, яъни 1918 йил 18 – 22 февралда у амалда Туркистон Мухторияти ҳукуматини бошқарди ва унинг ҳарбий кучларига қўмондонлик қилади⁹⁸. Қўқондан жанг билан Бачқир қишлоғига чекинган Кичик Эргаш кўрбоши 1918 йил 27 февралда қизил гвардиячилар ва арман дашноқлари билан бўлган тўқнашувларнинг бирида ўлдирилади⁹⁹.

Бироқ совет ҳокимияти йилларида эълон қилинган турли китобларда Кичкина Эргаш нотўғри равишда “ўғри ва қароқчи” сифатида кўрсатилади. Масалан, қўқонлик совет журналисти ва ёзувчиси ўзининг Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолияти ёритилган “Ҳуқуқ” тарихий романида келтиришича, “Кичкина Эргаш – Февраль инқилоби чоғида, Қўқоннинг Ўлтарма қишлоғидан бош кўтариб, ўзига йигирма-ўттиз йигит қилиб, Қўқон атрофини талаб юрган зўр ўғри эди. Эргаш кўрбоши¹⁰⁰ Қўқонга келиб, “Шўрои Ислому” ҳимояси остида йигит тўплаб ном чиқаргач, уни ҳам таклиф қилган бўлса-да, у аралашмаган эди. Қўқонда “Шўрои Ислому” фитна кўзгагач, мухториятчилар унга ялиниб, ҳурматлаб, қатта ваъдалар билан урушга чақирган эдилар. Урушнинг учинчи куни бўлса керак, у Қўқонга дабдаба билан кириб келди”¹⁰¹.

⁹⁸ *Hayit, Baymirza*. «Basmacılar». Türkistan Milli Mücadele Tarihi. (1917 – 1934). – Ankara: Türkiye Diyanet vakfı yayınları, 1997. – 367 s; *Hayit, Baymirza*. Türkistan devletlerinin milli mücadeleleri tarihi. 3. Baskı. – Ankara: Türk tarih kurumu basımevi, 2004. – 447 s.

⁹⁹ Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). – Б. 47 – 49.

¹⁰⁰ Бу ўринда Катта Эргаш кўрбоши кўзда тутилмоқда.

¹⁰¹ Хусайн Шамс. Ҳуқуқ // Танланган асарлар. – Тошкент: ЎзСССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1959. – Б. 438.

Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазири Мустафо Чўқайнинг ташаббуси билан 1918 йил январда ҳукуматдаги қолган 4 ўринга ҳам вазирлар тайинланди. Бироқ уларнинг уч нафари бухоро яҳудийларидан эди. Хуллас, мухторият ҳукуматида 4 нафар вазир этник жиҳатдан бухоро яҳудийларига мансуб бўлган.

Рафаэль бен Шломо Потеляхов (1868 – 1936) – Туркистондаги йирик сармоядорлардан бири, 1-гильдия савдогари. 1868 йили Бухорода туғилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. У 1889 йилдан Қўқон шаҳрида яшаган ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланган. Қўқондаги Савдо уйи бошлиғи (1908). Ака-ука Рафаэль ва Натаниэль Потеляховларга пахтани қайта ишловчи 36та корхона ҳамда 2та пахта ёғи заводи қараган. Улар Бухоро амирлиги ва Туркистон ўлкасидаги энг бой одамлардан бўлган. Р. Потеляхов Туркистонда пахтачилик қироли номини олган ҳамда “Потеляхов савдо-саноат ўртоклик ширкати” фирмасини бошқарган. Асакадан Ванновский станциясигача темир йўл қурдирган (1913). Қўқонда бухоро яҳудийлари мактабини очган ва уни таъминлаб турган (1905).

Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил топгач, у 1918 йил бошларида Обиджон Маҳмудов ўрнига мухторият ҳукуматининг озик-овқат вазири бўлди. 1918 йил февраль ойининг охирларида ака-ука Потеляховлар ВЧК томонидан қамоққа олинди. Потеляховларнинг хориждаги қариндошлари томонидан бир неча млн пуд пахта совет ҳокимияти ихтиёрига юборилгач, ВЧК раиси Ф. Держинскийнинг 1918 йил 26 ноябрдаги қарори билан уларга хорижга жўнаб кетишга рухсат берилди. Улар Боку орқали аввал Иерусалим [Қуддуси шариф], сўнгра Лондонга етиб боришди. Р. Потеляхов 1936 йили Лондонда вафот этган¹⁰².

Ёқуб Хаимович Вадьяев (1868 – 1936) – йирик тадбиркор ва сармоядор, 1-гильдия савдогари, “Ака-ука Вадьяевлар” Савдо уйи бошлиғи. 1868 йили Бухорода бадавлат Вадьяевлар хонадонидан туғилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. У 1881 йили Қўқонга кўчиб келган. Қўқон биржа комитети бошлиқларидан бири (1908). Қўқонда 1910 йилда очилган пахта ёғи заводи ўз даврида Туркистон ўлкасидаги энг технологияси юқори замонавий завод ҳисобланган.

Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинган, 1918 йил январда Ёқуб Вадьяев ва укаси Сион Вадьяев ҳукуматда вазир

¹⁰²Рафаэль Потеляхов // <http://cyclowiki.org/wiki>.

лавозимларини эгаллашди. Улар мухторият ҳукуматига иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва унга 25 фоиз микдорига займ (қарз) беришга рози бўлишган. Қўқон шаҳри 1918 йил февралда большевиклар томонидан босиб олингач, бу ерда яшовчи кўплаб бадавлат бухоро яҳудийлари қаторида ака-ука Вадьяевлар ҳам муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлишди. Улар Лондонда яшашган. Ё. Вадьяев 1928 – 1933 йилларда Лондонда мануфактура сотувчи “Британо-Румино” компаниясига раҳбарлик қилди. Лондонда 1936 йили вафот этган¹⁰³.

Сион Хаимович Вадьяев (1878 – 1943) – йирик тадбиркор ва сармоядор, 1-гильдия савдогари. 1878 йили Қўқонда Вадьяевлар хонадонидан туғилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинган, 1918 йил январда акаси Ёкуб Вадьяев билан биргаликда ҳукуматда вазир лавозимини эгаллади. Мухторият ҳукумати большевиклар томонидан тугатилган, ака-ука Вадьяевлар ҳам муҳожирликка жўнаб кетишди. Берлинда яшади. 1921 йил охирида Парижга бориб, бу ерда валюта савдоси билан шуғулланиди ва йирик баққоллик магазини очди. Парижда 1943 йили вафот этган ҳамда Қуддусда дафн этилган¹⁰⁴.

Бундан ташқари Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига “Юсуф Давидов” ва “Кнапп-Зигель” савдо уйларининг вакиллари ҳам кирган. Юсуповлар хонадони аслида Шахрисабз ва Самарқандда яшаган бухоро яҳудийларига бориб тақалади. 1845 йилдан улар Тошкентда яшаган. Юсуф Давидович Давидов (1855 – 1914) Тошкентда Юуда-Давуд ва Угул Давидовлар хонадонидан 1855 йилда туғилган. Миллати – бухоро яҳудийларидан. Унинг ота-онаси 1893 йили ўз сармоясини ўғли Юсуфга қолдириб, 1893 йилда яшаш учун Қуддусга жўнаб кетишади. У 1906 йил 22 мартда Тошкентда “Юсуф Давидов” Савдо уйини очди. Бу савдо уйининг эгалари 11 нафар киши (1-гильдияли савдогарлар: Юсуф Давидович Давидов, Беньямин Абрамович Абрамов, 2-гильдияли савдогарлар: Исахор Давидович Давидов ҳамда уларнинг болалари) бўлган. Ака-ука Давидовларга 4та пахта тозалаш заводи (Тошкент, Пскент, Наманган ва Конибодом) ҳамда пиво заводи (Тошкентдаги машҳур 6-пиво заводи) ва бошқа мулклар қараган. XX аср бошларида Юсуф Давидов Тошкентдаги энг йирик миллионерга айланади. У 1908 йили Тошкент шаҳридаги

¹⁰³ Якуб Хаимович Вадьяев // <http://cyclowiki.org/wiki>.

¹⁰⁴ Сион Хаимович Вадьяев // <http://cyclowiki.org/wiki>.

бухоро яхудийлари жамоасининг бошлиғи қилиб сайланди. Ака-ука Юсуф ва Исахор Довудлар ўз хотинлари билан 1914 йили Қуддусда яшаш учун жўнаб кетишди ҳамда ўша ерда вафот этишди.

Ака-укалар Қуддусга жўнаб кетгач, Савдо уйининг бошлиғи Исахор Давидовнинг ўғли Абрам Давидов бўлди. У 1929 йили Қуддусга жўнаб кетаётганда йўлда ўлдирилган. Беньямин Абрамов Савдо уйининг Москвадаги вакили бўлган (у 1911 йилда вафот этган).

Туркистон Мухторияти ҳукумати ағдаришда ташаббус кўрсатганлардан бири большевик Сазоновнинг кейинчалик хотирлашича, 1918 йил февралда Қўқонда большевиклар билан музокараларни гўёки Мустафо Чўқай эмас, балки мухторият вакиллари билан Юсуф Давидов олиб борган¹⁰⁵. Бироқ Юсуф Давидов бу пайтда тирик бўлмаган, у 1914 йилда Қуддусда вафот этган эди. Эҳтимол, музокаралар жараёнида Мустафо Чўқай билан биргаликда “Юсуф Давидов” ва “Кноп-Зигер” савдо уйларининг вакиллари ҳам қатнашган бўлса керак. Сазонов эса уларни чалкаштириб юборган. Шунингдек, 1918 йил январдан бошлаб Туркистон Мухторияти ҳукуматида Миродил Мирзааҳмедов ҳам вазир сифатида фаолият кўрсатган. Мустафо Чўқайнинг ёзишича, мухторият ҳукуматининг сўнги кунларида, яъни 1918 йил 18 февралда Қўқонда Миродил ҳам унинг ёнида бўлган¹⁰⁶. Миродил Мирзааҳмедовнинг кейинги тақдири номаълум.

Полковник Мағди Чанишев (миллати татар бўлган) 1918 йил февралда Туркистон Мухторияти ҳукуматида ҳарбий кенгаш раиси бўлган. Бу пайтда ҳарбий ишлар вазири Убайдулла Хўжаев Қўқонда бўлмаган. Шунинг учун ҳам М. Чанишев бу пайтда мухторият кўшинида қўмондонлик қилган. Большевиклар хузурига музокаралар ўтказиш учун юборилган М. Чанишев қўлга олиниб, камокқа ташланди ҳамда Скобелев гарнизонидан қочишга уринганда Қўқон фожиалари пайтида отиб ташланди¹⁰⁷. Бундан ташқари Туркистон

¹⁰⁵Қаранг: Сазонов. Кокандская автономия (воспоминания) //Красная летопись Туркестана. № 1-2. –Ташкент: Туркестанское государственное издательство, 1923. –С. 88 – 93.

¹⁰⁶Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари. –Б. 49.

¹⁰⁷Қаранг ва таққосланг: Зайцев П., Гудович А., Колесов Ф. Борьба за Фергану //Война в песках. Материалы по истории гражданской войны к XII тому. Под редакцией М. Горького, В. Иванова, И. Минца, Ф. Колесова. –Москва: ОГИЗ, 1935. –С. 191 – 201; Шкарупа М. Конец «Кокандской автономии» //За советский Туркестан (Сборник

Мухторияти ҳукумати фаолиятида кўқонлик йирик уламолар: Камол қози, Миён Кудрат ва бошқаларнинг ҳам фаол қатнашганлиги ҳақида айрим маълумотлар бор.

Хуллас, Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирларининг тақдири ана шундай фожиали тарзда тугади. Мухторият ҳукуматининг биринчи таркибида 8 нафар вазир бўлган, кейинчалик яна улар сафига 7-8 нафар киши вазир сифатида келиб қўшилди. Мухторият ҳукумати таркибида туб аҳоли (ўзбеклар ва қozoқлар)дан ташқари 5 нафар бухоро яҳудийлари ва 2 нафар татарлар ҳам бўлган. Шу жиҳатдан олганда Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарларининг диний ва миллатлараро муносабатларда нақадар бағри кенглиги, сабр-тоқати, толерантлиги ва тотувлиги яққол кўринади. Бирок туркистонликлар 1918 йил февраль оyi охирида ўлка тарихидаги дастлабки демократик ҳукуматни большевиклар зўравонлигидан асраб қола олмади. Мухторият ҳукумати ташкил топиб, фаолият кўрсатгандан сўнг роппа-роса 100 йил ўтса ҳам ҳозиргача биз ҳукумат аъзолари фаолияти ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Бу ўринда мазкур тадқиқот Ўзбекистонда бу йўлдаги дастлабки қадам эканлигини айтиб ўтиш жоиз.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ

АндДУ, т.ф.д., проф.,

Шоди КАРИМОВ

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТГА БОЛЬШЕВИКЛАР ТАЖОВУЗИ¹⁰⁸

1918 йил 19 – 26 январда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси советларининг IV қурултойида Туркистон мухториятини тугатиш масаласи очиқдан-очиқ кўрилди. Қурултойда сўзга чиққан, ўзини “Ўрта Осиё Ленини” деб ҳисоблаган, Тошкент совети раиси

воспоминаний). Под редакцией А.И. Зевелева. –Ташкент: Государственное издательство Узбекской ССР, 1963. –С. 91 – 96.

¹⁰⁸Тўпламининг ҳажми катта эмаслиги сабабли Р.Шамсиддинов ва Ш.Каримовларнинг “Туркистон Мухторияти – миллий давлатчилигимизнинг ёрқин саҳифаси” мақоласининг учунчи қисми эълон қилинмоқда.

И.О.Тоболин шундай деган эди: “Биз нафақат Россия ҳақида, балки меҳнаткашлар тўғрисида қайғурамыз, агар халқ хоҳиш-иродаси бу ўлканинг Россиядан ажралиб чиқишини референдум орқали ҳал этишни истаса, унинг ажралиб чиқиш ҳуқуқини сақлаб қоламиз”.

У Туркистон мухториятига қарши фикрини яшириб ўтирмайди: “Бироқ мухториятни ҳозир, зудлик билан амалга ошириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Зеро, мухториятнинг энг биринчи шартига кўра, бу ўлкадан ҳарбий кўшинлар олиб чиқиб кетилиши керак. Агар бу мухторият тушунчасидан келиб чиқадиган ана шу асосий ҳолатни амалга оширадиган бўлсак, унда инқилоб биқинига зарба берган бўлур эдик, ўлкада эса яна аксилинқилобчилар ҳокимияти қарор топар эди”. Бу қурултой Туркистон мухторияти ҳукуматини тан олишдан бош торгади, унинг аъзоларини қонундан ташқари деб эълон қилади, ҳатто уларнинг бошлиқларини қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилади. Большевикларнинг ишчи ва аскар депутатлари советининг “... бойлар томонидан эълон қилинган Қўқон ҳукумати тан олинмасин, унинг аъзолари эса қонундан ташқари деб топилсин, бошлиқлари қамоққа олинсин!” деган талаби масалани янада ўткирлаштириб юборади.

Туркистон Мухториятини тугатишнинг оташин ва фаол ташкилотчилари И.О.Тоболин, Ф.Колесов, Е.Бабушкин, Туркистон ҳарбий комиссари Е.Перфилев ва бошқалар бўлдилар.

Туркистон Мухторияти раҳбарлари 1918 йил бошларида Тошкентда ўзларига қарши катта қирғинга тайёргарлик кетаётганида зўр матонат ва иродани ишга солиб мухториятни мустаҳкамлаш йўлидаги қийинчиликларга қарши сабр-тоқат билан ишлаётган эдилар. Бу қийинчиликлар нималардан иборат эди? Энг асосий қийинчилик маҳаллий туб ерли аҳоли сиёсий савиясининг миллий истиқлол даражасида ривожланмаганлиги эди. Бу Туркистон Мухториятини ҳимоя қилиш, уни қўллаб-қувватлашда истиқлолчи кучларнинг ягона жабҳа, якмушт бўла олмаганлигида кўринди. Янада каттароқ қийинчилик Туркистон мухтор ҳукуматининг яшаб қолишининг шarti бўлган моддий етишмовчилик эди. Бу ҳам, албатта, яна биринчи қийинчиликка бориб тақалади. Большевиклар октябрь тўнтаришини Германия ҳукуматининг берган бир миллиард немис маркаси эвазига амалга оширган эди. Моддий маблағсиз эса ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Туркистон Мухториятига яхудийлар

ярим миллион сўм ёрдам тариқасида беришган. Наманган ва Андижон банклари жуда катта қийинчиликлар билан 500 минг сўм ажратганлар. Албатта, бу маблағлар мухтор ҳукумат сарф қилиши лозим бўлган харажатлар олдида урвоқ ҳам бўлмасди. Чунки биргина “Бирлик туғи” газетасини молиявий қўллаб туриш учун 5 минг сўм, “Свободный Туркестан” учун 50 минг сўм харажат қилинар эди. Қўшинни таъминлаш учун кетадиган молиявий харажат тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Учинчи энг муҳим қийинчилик Туркистон Мухториятини кўкрак кериб ҳимоя қилиб оладиган миллий қўшиннинг йўқлиги эди. Асосан таёк, болта, кетмон, ошпичоқ, қилич, айримлари пилта милтиқ билан қуроқланган 2 минг кишилик қўшин билан узоққа бориб бўлмас эди. Чунки тиш-тирноғича замонавий қуроқлар, самолётлар, ўзюноар танклар, бронепоездлар, найзали бешотар милтиқлар, пулемётлар билан қуроқланган қизил қўшинларга қарши туришнинг ўзи бўлмас эди. Бунинг устига, 1918 йил 19 январда қизил қўшинлар Оренбургни қўлга қиритгач Москва билан Тошкент ўртасида узилиб қолган алоқа тикланди. Натижада марказдан Туркистонга қўшимча кучлар ва қуроқ-аслаҳа юбориш имконияти туғилди. Бу ҳол, ўз навбатида, миллий истиқлолчиларнинг вазиятини янада оғирлаштирди.

Тошкент советлар ҳукумати 1918 йил январининг охирларидан қуроқли ҳужумга тайёрланди ва ифвогарлик билан турли баҳоналар излай бошлади. Қўқонга советлар ҳукумати ихтиёрига қизил гвардиячилар, австро-венгер ҳарбий асирлар, асосан, армани дашноқлардан ташкил топган қисмлар юборилди.

29–30 январда Қўқонда фавқулодда вазият мислсиз даражада кескинлашди. Бу вазият арзимаган бир баҳона учқуни ила алангаланиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Ана шундай бир шароитда 30 январда Қўқон ишчи ва аскар депутатлари советининг мажлиси бўлиб, унда мухториятни даф этишни амалга оширувчи орган – инқилобий қўмита (революцион комитет) тузилди. Унинг раиси этиб большевик Е.Г.Бабушкин сайланди. Инқилобий қўмита таркибига туб ерли аҳоли вакиллари билан бирор киши киритилмаган.

Қўмита ўз қўлида чекланмаган ҳокимиятни мужассамлаштирди, унга катта ваколатлар: фавқулодда чоралар қўриш, ҳамма нарсани советлар ҳокимиятини ҳимоя қилишга бўйсундириш ва сафарбар этиш ҳуқуқи берилди. Инқилобий қўмита олдидаги энг асосий

вазифа мухторият ҳукуматини тугатиш, шаҳар аҳолисини қуролли куч билан совет ҳокимиятини тан олишга мажбур қилиш, “инқилобий тартиб” ўрнатишдан иборат эди. Инқилобий қўмита ишни европалик ишчилар ва темирйўлчиларни қурол билан таъминлашдан бошлади.

Тошкент, Скобелев, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлардан ҳарбий мадад келди. 30 январга ўтар кечаси номаълум кишилар Қўқон станциясига, Қўқон советлар биносига ҳужум уюштирдилар. Бу ҳужум Қўқонда қизил қўшиннинг оммани ваҳшийларча қирғин қилишни бошлаши учун шунчаки бир баҳона бўлди. Шу куни инқилобий қўмита Тошкентга И.О.Тоболинга, Ф.Колесовга ва Скобелев шаҳрига телеграф орқали уланиб зудлик билан ёрдам беришни сўради. Инқилобий қўмита аҳолига қарата мурожаат қабул қилиб, унда содир этилган воқеалар учун барча айб мухториятчиларга қўйилди. Инқилобий қўмита ўз таркибидан махсус гуруҳ тузди ва унинг олдига мухторият ҳукумати аъзоларини ҳибсга олиш вазифасини қўйди.

Инқилобий қўмита Туркистон Мухторияти аъзоларига 31 январда ультиматум топширди ва 2 соат муддат билан таслим бўлишни талаб қилди. Мустафо Чўқаев шундай хотирлайди: “31 январь кундуз соат 12 да Хўқанд большевикларининг бизга берган ультиматумини текшириб ўтирганимизда тўхтовсиз милтиқ ота бошладилар. Бу милтиқ отувчилар большевиклар бўлиб чиқди. Большевикларнинг ультиматумида бизга 2 соат муддат тайин этилган ва ул муддат 2 соат 20 минутда тўлар эди. Нечундир алар шартномасини хилоф ҳаракатга киришиб муомала йўлин кесдилар”.

“Шўрои Исломия юртинда ҳукумат қўшинлариндан бошқа халқда жийилган эди. Большевик солдатлари яқинлашиб келарлар деган хабарни эшитиб бошқа халқ тарлан кибиқ ҳукумат кишиларида иккинчи бош қўшурга йўл қолмагач тарқалишдилар. Чунки халқ муваққат ҳукуматнинг (Қўқон мухторияти-муаллифлар) алида бўлса келишурмиз, большевикларга қарши қурол кўтармангиз” деган сўзига қулоқ солмай, ҳар қайси боринча сугиш асбобларини олиб ўрамга чиқдилар. Большевикларнинг ваъдалариндан илк ота бошловлари халқнинг кўнглина, алар муваққат ҳукуматигина тугил, бутун халққа қарши ҳаракат бошладилар деган қўрқув солди. Бу вақт муваққат ҳукуматининг йўли бутунлай кесилган эди.

Кўқонда бўлган бу кўнгилсиз воқеани сиёсий сабабларидан бошдан-оёқ ёзувни ҳозирги замон кўтармий”¹⁰⁹.

27 ёшлик Туркистон миллий ҳаракатининг олдинги сафларида бўлган Мустафо Чўқаев Туркистон миллий мухтор ҳукуматининг энг асосий ва кучли аъзоларидан бири эди. Самарқанд, Тошкент ва Фарғонадан келган Кўқон шахрини қамал этган большевиклар раҳбарлигидаги ҳарбий куч пулемёт, замбарак, граната ва минглаб милтиқлар билан ўша вазиятда ҳукумат бошлиғи Мустафо Чўқаевга мана бу ультиматумни кўйган: 1. Мухтор ҳукумат совет ҳокимиятини таниши. 2. Туркистон халқини совет ҳукуматига бўйсунтиришга чақирувчи баённома чиқаришини. 3. Аҳоли қўлидаги қуроолларни йиғиб олиб, большевикларга таслим этишини. 4. Миллий ҳукумат миллий ташкилотининг тарқатилишини ва ҳоказоларни талаб қилганларида Мустафо Чўқаев уларга шундай жавоб берган:

– Куч сизлар тарафда. Биз эса ҳозирча ўз миллий халқларимизни таниганмиз ва идрок этганмиз. Шундан бошқа кучимиз йўқ. Бу курашда бизни енгасиз, бунга ҳеч шубҳа қилмайман. Шундай бўлса ҳам, биз на сизнинг ҳокимиятга келиш ҳақингизни, на-да Туркистонда совет ҳукуматини асло танимаймиз...

Шу жавобдан сўнг 20 дақиқа ўтгач, яъни кечаси соат ўн биру қирқда большевиклар миллий ҳукумат биносини оташладилар.

Ана шу тариқа Кўқон шахрида большевиклар мусулмон халқларни қириб ташлашдан иборат даҳшатли фожеани бошлаб юборди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Совети Туркистон Мухториятига четдан келадиган ҳар қандай ёрдамнинг олдини олиш чораларини кўрди. 1918 йил 14 февралда Бутун Фарғона водийсида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Фарғона темир йўлида эса қамал ҳолати жорий этилди. Тошкент, Самарқанд, Наманган шаҳар думалари ёпилди ва фаолиятлари тўхтатилди. Собиқ генерал-губернатор канцелярияси тугатилди. Пахта захиралари мусодара этилди, нефть қазиб чиқариш, балиқ саноати ва бошқалар миллийлаштирилди. Дин давлатдан ва мактаб диндан ажратилганлиги эълон қилинди.

Албатта, бундай оғир шароитда Туркистон Мухторияти ўзини ўзи ҳимоя қилишга ожиз эди. У бошланган даҳшатли қирғинга

¹⁰⁹Улуғ Туркистон. 1918 йил 2 март.

қадар тинч воситалар йўли билан ҳокимиятни қўлга олишга ишонар эди. Шунга қарамай, Туркистон Мухторияти кўшинлари оддий куруллар билан бўлса-да шаҳарни уч кун давомида ҳимоя қилдилар. Мухториятчиларнинг шиори “Туркистон – туркистонликлар учун” эди.

Мухтор ҳукумат вазиятнинг ниҳоятда оғир эканлигини ҳисобга олиб сўнги имкониятни ишга солди ва большевиклар билан бошланган музокара ташаббускори бўлди. Бу музокара 17 февралда бошланди. Музокарада мухториятчилар куйидаги талабларни ўртага қўйдилар:

1. Шаҳарни биргаликда бошқариш ва унинг таркибида мухториятчиларнинг кўпроқ вакиллари бўлишини таъминлаш.

2. Ҳарбий қалъани шу органнинг назорати остига олиш.

3. Милициядан бошқа барча кучларни қуролсизлантириш. Ўлка советлар ҳукуматининг шариятга зид декретларини бекор қилиш.

Аммо большевик Е.Г.Бабушкин раис бўлган инқилобий кўмита мухториятчиларнинг бу таклифларини қатъиян рад этди. 18 февраль куни музокара яна давом эттирилди. Мухтор ҳукумат нима бўлса бўлсин-у, аммо ўртада қон тўқилмаслиги учун ҳаракат қилди. Ҳарбий вазир полковник М.Чанишев инқилобий кўмитага ультиматум қўйиб, соат 4 гача қалъани топширишни талаб этди.

Лекин мусулмон ишчи ва деҳқонлар конференцияси қатнашчилари ультиматумни қайтариб олишни талаб этдилар.

“Уламо”лар ўз тарафдорлари билан бунга қаттиқ норозилик билдириб ультиматумни қайтариб олишга қаршилиқ қилдилар. Мухторият ҳукумати аъзолари ўртасида ихтилоф келиб чиқди. Ҳукумат раҳбари Мустафо Чўқаев истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Унинг ҳукумат маҳкамаси ағдарилди, ўзи эса яқин кишилари билан ҳукуматни ташлаб Қўқонни тарк этишни лозим топди.

Мухтор ҳукумат Ҳарбий кенгаш раиси М.Чанишев ва унинг энг яқин сафдошлари – рус офицерлари қамокқа олинди. “Уламо”чиларнинг ёрдами билан мухторият ҳукумати милициясига бошчилик қилувчи Эргаш ҳукумат раҳбари ва бош кўмондон этиб тайинланди. Ана шу тариқа мухтор ҳукуматда давлат тўнтариши юз берди. Ҳокимият ашаддий муросасиз кучлар қўлига ўтиб қолди. Туркистон Мухториятидаги бу бўлиниш советларга қўл келди. Улар бу қулай вазиятдан фойдаланиб Қўқон шаҳрига ҳужумни янада

кучайтирдилар. 18 – 19 февралда Тошкентдан Е.О.Перфильев Қўқонга етиб келгач, босим янада кучайди. Унинг ихтиёрида 2 эшелон ҳарбий қисмлар бор эди. Отлиқ аскарлар, артиллерия ва пиёда қисмларига эга бўлган Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Қўқонни уч тарафдан куршаб олди.

Қизил қўшинлар Эски шаҳар худудига бостириб кирдилар. Даҳшатли ва мислсиз қирғин бошланди. Қўқон ўт ичида қолди. Ўша пайтда 28 ёшда бўлган ўлка ҳарбий комиссари Е.Перфильев жанг тафсилотларини шундай ҳикоя қилди: “Мачитларни яна бир неча маротаба тўпдан ўққа тутишга тўғри келди. Қизил гвардиячилар бўғизланган оврупаликларнинг жасадаларини кўрганда шундай тутакиб кетдиларки, уларни ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди, аскарлар олдидан чиққан ҳамма нарсани яксон қилиб кетавердилар. Ҳатто шундай ҳолат рўй бердики, 5 та қизил гвардиячи ерли бандитларнинг 200 тасини олдига солиб қувлади. Отряд катта қаҳрамонлик кўрсатди. Жанг иштирокчилари орасида бирорта ҳам кўрқоғи йўқ эди. Биз қийинчилик билан Тошқўприкни қўлга киритдик ва Эски шаҳарга ёриб кирдик. Исёнчилар тўдаси Скобелев томонга чекиништи. Бадавлат кишилар қимматбаҳо бойликларини, пулларини ўзлари билан олиб қочдилар, лекин нарсалари ўзларига насиб этмади. Қочаётганларни тезотар тўпдан ўқ узиб янчиб ташладик, бир қисмини эса орқага чекинишга мажбур этдик. Уларнинг кўрпа-ёстиқлари, гиламлари, қимматбаҳо нарсалари йўлда сочилиб қолди”.¹¹⁰

Қўқонда даҳшатли фожеалар ва қирғинларни ўз қўзи билан кўрган ва унинг шахсан иштирокчиси М.К.Шкорупанинг иқрори, айниқса, диққатга лойиқдир: “Тинч аҳолининг уйлари, Туркистон, Россия учун ҳам тансиқ бўлиб қолган мануфактура, ғалла омборлари ёнарди. Қўқон уч кун ўт ичида қолди”.¹¹¹

“Ўша кунларда, – деб ёзади тарихшунос олим Ш.А.Шомагдиев, – талончиликлар ҳам авж олган. Аскар, қизил гвардиячиларга бўйсунмай қолган оломон майда буржуазияда нима бўлса, шуни талаб, ташиб кета бошлади... Эски шаҳар ва барча дўқонлар, тижорат фирмалари, савдо қаторлари, банклар, майда хонадонлар талон-торој

¹¹⁰ Шарқ юлдузи. 1931. №12. – Б.168 – 169.

¹¹¹ Каримов Ш. Қафасдаги куш орзуси. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.52.

қилинди. Талончилар талаган мулкларини аравага ортиб вокзал ва қалъага ташидилар. У ерда бегона мулкни бўлиб олиш бошланди.

Ҳамма ерда қамокқа олишлар бошланди, мухтор ҳукумат аъзоларидан Ҳидоятбек Огаев, Миродил Мирзааҳмедов қатл этилган. Маҳаллий аҳолини қамокқа олиш тўғрисидаги ордер бўлса ҳам, бўлмаса ҳам ҳибсга олавердилар. Қамокқа олинганларнинг кўплари суд ва терговсиз отиб ташланди. Қўқонни ташлаб кетишга мажбур бўлган мухтор ҳукумат аъзолари Фарғона шахрига бориб халқни намойишга чорладилар. Уларни туб ерли аҳоли қўллаб-қувватлади. Лекин советлар ҳукумати бу ҳаракатни бостирди. Носирхон Тўра Наманганда, С.Герцфельд Самарқандда, Обиджон Маҳмудов Бухорода қўлга олинган.

Убайдулла Хўжаев, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) Қўқондаги фожевий ҳодисаларни Ашхободдан Самарқандга келаётганларида йўлда эшитадилар ва улар ўз йўлларини ўзгартириб Оренбург томон йўл оладилар. Бу ерда улар Аҳмад Закий Валидий Тўғон билан учрашадилар. У Оренбургда Бошқирдистон мухториятининг ички ва ҳарбий ишлари билан банд эди¹¹².

Хуллас, ҳамма аломатларга кўра тарихга Туркистон Мухторияти номи билан кирган Қўқон мухторияти тор-мор қилинди ва тарқатиб юборилди. Қадимги маданий ва бой савдо шахри бўлган Қўқон таг-туғи билан вайрон қилинди, қонга ботирилди. Қўқон халқ милициясига бошчилик қилган Эргаш ўз кучлари билан шаҳарни ташлаб чиқди ва советларга қарши курашни давом эттирди.

Раҳбарсиз ва ташкилотсиз қолган Қўқон шахри мудофаачилари фожеанинг янада оғирроқ тус олмаслиги мақсадларини кўзлаб советлар раҳбарияти билан музокаралар бошлашга мажбур бўлдилар. Ниҳоят, 22 февралда (9 февраль) большевиклар томонидан тақдим этилган ва маҳаллий мусулмон халқининг миллий манфаати ва иззат-нафсини камситувчи “Тинчлик шартномаси”га имзо чекдилар. Шартноманинг биринчи моддасида: “Аҳоли Халқ Комиссарлари Советининг ҳокимияти ва маҳаллий совет муассасаларини тан олади”, – дейилган эди.

Шундай қилиб, Туркистон Мухторияти ҳукумати бешиклигидаёқ бўғиб ўлдирилди ва тугатилди, мустамлакачи босқинчи советлар

¹¹² Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долины. – Ташкент, 1961. – Б.64.

хукумати ўз галабасини тантана қилди. Туркистон Мухторияти сингари 1918 йил декабрда қозоқ миллий демократлари томонидан Оренбургда ташкил этилган Алаш мухторияти ҳам тор-мор қилинди. Аммо зўрликка, босқинчиликка асосланган ва Туркистон Мухториятини тугатишга қаратилган советларнинг шармандали ва адолатсиз сиёсати меҳнаткаш халқ оммаси кўзи олдида бу ҳукуматнинг асл мақсади ва моҳиятини очиб ташлади. Натижада бутун Туркистон халқлари истиклол учун, эрк ва миллий озодлик учун курашга отландилар.

Большевикларнинг Қўқон шаҳрида амалга оширган даҳшатли қирғинларидан ҳатто Туркистонда яшаётган Европа аҳолисига мансуб эсерлар, кадетлар ва меньшевикларнинг вакиллари ҳам нафратланган эдилар.

Меньшевик-интернационалистлар фракциясининг бошлиғи Вайнштейн Тошкент шаҳар советининг 1918 йил 23 февралдаги йиғинида республика ҳарбий комиссари 26 ёшли Е.Перфильевнинг қизил гвардиячи жангчилари билан Қўқонда даҳшатли хунрезликлар қилганини тафтиш этиш керак ва айбдорлар жавобгарликка тортилиши лозим деб талаб қилди.

Туркистон Мухториятига нисбатан адолатсиз сиёсатни баъзи бир большевик арбобларнинг ўзлари ҳам танқид қилган эдилар. Жумладан, Д.Манжара шундай деган: “Миллий сиёсатда йўл кўйган хатоларимиз туфайли Қўқон мухторияти вужудга келди... Уни йўқотиш пайти яна бир хатога йўл кўйдик. Қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган Эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига биз тўплардан ўққа тутдик, кейин дашноқларнинг қуролли тўдаларини ишга солдик. Натижада талон-торож, номусга тегиш, қирғин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли катта зарар кўрди”.

Гарчанд Туркистон Мухторияти большевизм ёвузлиги билан йўқ қилинган бўлса-да, унинг ғояси, амалиёти, руҳи сўнмади, истиклол курашчилари томонидан Туркистон Мухториятини тиклаш учун шиддатли кураш кетди. Туркистон Мухториятини янгитдан тиклаш, миллий давлатчиликни оёққа турғизиш борасида совет режимига қарши, қизил армия тажовузига қарши кураш давом этди.

НЕМИС ВА ТУРК ТИЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРДА ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР

Бугунги кунда Туркистон Мухторияти учун кураш тарихини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг тарихи нафақат илмий, балки амалий ва ҳатто сиёсий нуқтаи назардан қизиқиш уйғотиши табиийдир. Мазкур муаммо тарихига қисқача тўхталиб, шуни таъкидлаш жоизки, ўлкада зўрлик билан ўрнатилган большевиклар ҳукумати маҳаллий аҳоли манфаати ва сиёсий ҳуқуқларини тан олмаганлиги туфайли 1917 йил 26-28 ноябрда (янги ҳисоб билан 9-11 декабрда) Қўқонда Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV курултойи томонидан Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Лекин совет ҳокимияти Туркистон Мухториятини ўзи учун хавфли деб билди ва 1918 йил 30 январда (12 февралда) Туркистон Мухторияти ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади.

Ўзбекистонда мустақиллик туфайлигина ошкор бўлган бу тарихий ҳақиқат хорижда бутун XX аср давомида маълум бўлган, чунки бу муаммо хорижий тарихшуносликнинг алоҳида эътиборида бўлиб, ҳаққоний талқин этилиш имконияти мавжуд эди. Туркистон халқларининг ўз миллий ҳуқуқлари учун олиб борган кураши узок йиллар мобайнида нафақат чет эл тадқиқотчилари, балки муҳожир ватандошларимиз тарафидан ҳам кенг ёритилгани бежиз эмас. Бу воқеалар тарихининг “қизил империя” даврида мутлақо нотўғри талқин этилганлиги унга нисбатан қизиқишни янада кучайтирган эди. Муҳожирликдаги ватандошлар бу курашларнинг ҳаққоний тарихини кўрсатиш орқали совет ҳокимиятининг мустахлакачилик моҳиятини бутун дунё халқларига етказиб беришни ўз олдларига мақсад қилиб кўйган эдилар. Чунончи, 20-йилларда Туркияга, ундан Германияга ўтиб кетган, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг раҳбари Мустафо Чўқай 1937 йилдаёқ “Ёш Туркистон” журналида, “1917 йил. Хотира парчалари”да мазкур тарихий воқеа ҳақидаги ўз таассуротларини баён этган эди. Мустафо Чўқай ўз хотираларида кўрсатишича, туркистонликлар Туркистоннинг ўз махсус идора ва ижроия муассасалари, яъни қонун ишлаб чиқарадиган парламенти ва ишни

юритадиган ҳукумати бўлиши истагида эдилар. Маориф ишлари, маҳаллий йўллар масаласи, маҳаллий идоралар, адлия ҳамда ер масалаларининг ҳаммаси маҳаллий мухторият ҳукумати томонидан бошқарилиши лозим, деб ҳисоблаганлар. Бундан ташқари, аскарый хизматлар, яъни ҳарбий масалалар ҳам Туркистоннинг ўз ихтиёрида бўлишини хоҳлардилар¹¹³.

Туркистон Мухторияти раҳбари Мустафо Чўқайнинг эсдаликлари хорижда мазкур муаммо бўйича чоп этилган ягона нашр эмас эди. Туркистон Мухторияти тарихининг немис тарихшунослигидаги илк бор махсус ва чуқур талқини яна бир туркистонлик мухожир Боймирза Ҳайит асарида ҳам ўз аксини топган. Унда муаллиф мухториятчилик ғоясининг вужудга келишини бевосита Туркистон мусулмонларининг миллий маркази фаолияти билан боғлайди, “миллий марказ 2 та ташкилотдан – “Шўрои Исломия” ва “Уламо жамияти”дан иборат бўлиб, бу ташкилотлар ўртасида бирлик бўлмаганлиги, биринчи ташкилот 1917 йил апрелидан Туркистон учун мустақил қонун чиқарувчи орган ташкил этиш нуктаи-назарини ёқласа, иккинчиси Умумрус парламентининг Туркистонга тааллуқли қонунларни тасдиқловчи шариат суди (Маҳкамаи шариат) тузишни ёқлаб чиққанлиги”¹¹⁴ ҳақида маълумот беради. Унинг таъкидлашича, Туркистонда 1917 йил ноябрида вужудга келган аянчли аҳвол бу икки ташкилотни бирлашишга мажбур этган.

Боймирза Ҳайит келтирган бу маълумотлар асосан Мустафо Чўқайнинг хотираларига, П.Н.Милюковнинг “Национальный вопрос. Происхождение национальностей и национальные вопросы в России”¹¹⁵ китобларига асосланган. Бу тарихий ҳақиқат ўша давр замондошларининг кўрсатмаларида ҳам эътироф этилган. Масалан, ўша давр муаллифининг даврий матбуотда чоп этилган мақоласида ҳам Туркистон халқлари ўртасида миллий низо бўлса-да, уларни мухториятчилик ҳаракати маълум вақт бирлаштириб турганлиги алоҳида қайд этилган¹¹⁶.

¹¹³ М.Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари. – Т., 1992. –Б. 46.

¹¹⁴ Hayit, B. Sowjetrussische Orientpolitik am Beispiel Turkestan. Berlin. 1962. –S. 19. Turkestanzwischen Russland und China. Amsterdam, 1971, S.239; Basmatschi. Koeln. 1992. –S. 27.

¹¹⁵ Милюков П.Н. Национальный вопрос. Происхождение национальностей и национальные вопросы в России. – Прага, 1925. –С. 183.

¹¹⁶ Кокандская автономия / Красная летопись Туркестана. – Т. 1923. –С. 84.

Немис ва турк тарихшунослигида Туркистонда мухториятчилик ғоясининг вужудга келиши масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хорижий тадқиқотчилар уни 1917 йил апрелида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг курултойи билан боғлаб кўрсатадилар. Мазкур курултой иши ҳақида унинг иштирокчиси бўлган Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг кўрсатишича, курултой унинг федерация ғоясини ҳар томонлама ёқлаб чиққан. Маҳмудхўжа Бехбудий ва козоқ муҳандиси Муҳаммадҷон Тинишбоевлар ҳам шу ғояни ёқлаганлар. Курултойда бу ғояга қарши бўлганлар ҳам бор эди. Масалан, Садри Максудий федерацияга қарши чиққан. Бирок федерация ғояси кўпчилик овоз билан қаттиқ ҳимоя қилинган ва қабул этилган¹¹⁷.

Боймирза Ҳайит ҳам ўз асарларида таъкидлашича, 1917 йил 16-23 апрелда бўлиб ўтган Туркистон умуммусулмонлар курултойи Россиянинг бўлажак давлат тузуми демократик федератив асосда қурилиши керак, деган қарор қабул қилинганини таъкидлаб ўтган ва буни Туркистон учун мустақил бошқарув ҳуқуқини берарди, деб баҳолаган. Муаллифнинг фикрича, “ўз-ўзини бошқарув ҳуқуқининг” автономия ёки Россиядан ажралиш орқали амалга оширилиши очик билдирилмаган”¹¹⁸.

Аҳмад Закий Валидийнинг гувоҳлик беришича, июн ойи бошидан бошланган кураш натижасида мухторият ғоясининг таъсири ҳамма ерда кучая борган¹¹⁹.

Хорижий тадқиқотларда туркистонликлар мухториятчилик ғояларини фақат Туркистондагина эмас, балки Россия миқёсидаги йиғилишларда ҳам ёқлаб чиққанликлари таъкидланади. Маълумки, 1917 йил 19-27 майда Москвада Россия мусулмонлари съездида асосий масала юзасидан, яъни Россиянинг чекка ўлкалари тақдири ва давлат тузилиши ҳақида кучли мунозаралар бўлиб ўтади. Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, бу съездда туркистонликлар фақат федерация тарафдори бўладилар.

¹¹⁷Togan Velidi, Z. *Natiralar. Turkistan ve dicer musulman docu turklerinin milli varlik ve kultur mucadeleleri.* Istanbul. 1969. -S. 45.

¹¹⁸Hayit, B. *Turkestan zwischen Russland und China.*-S. 210.

¹¹⁹Togan Velidi, Z. *Natiralar. Turkistan ve dicer musulman docu turklerinin milli varlik ve kultur mucadeleleri.* Istanbul. 1969. -S. 49. М.Чўқайўғли. *Истиклолжоллодлари...* -Б. 51; Hayit B. *Turkestan zwischen Russland und China...* -S. 215-216; Турон. 1917. 3 июн.

Муаллифнинг бу фикрларини тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди. Чунончи, “Турон” газетаси съезд иши ҳақида берган хабарида таъкидланишича, Туркистон мусулмонлари вакилларининг раҳбари Убайдулла Хўжа Туркистон учун миллий–худудий мухторият олишни асослаб берган, туркистонликлар зулдан озод бўлиш учун мухторият талаб қилган. Убайдулла Хўжа федерацияга қарши бўлганларнинг даъволари асоссиз эканлигини кўрсатиб беради. Федерацияни демократияга қарши деб ҳисобловчиларга Америка давлати ҳам федератив давлат эканлигини унутмасликни, бу мамлакатда ҳеч ким демократик ҳуқуқ йўқ ёки у поймол қилинмоқда, дея олмаслигини, Америка халқидай демократияга эга бўлган халқ йўқлигини таъкидлаб ўтади. Убайдулла Хўжа федерация шароитида мусулмонлар сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақилликни, диний жиҳатдан бирликни сақлаб қоладилар, деб ҳисоблайди. У.Асадуллахўжаев туркистонликлар Туркистонни бошқара олмайдилар, деб ҳисобловчиларни унитаристлар деб атаб, уларга жавобан дейди: “Биз аждодларимиз билан фахрланамиз. Туркистон халқи ўз сиёсати ва бошқарувиغا интилган халқдир! Ўз ўзимизни бошқариш учун бизда одамлар бор, бўлади ҳам”¹²⁰.

Мазкур съездда овоз бериш натижасида федералистлар ғояси 446 овоз билан ўтди, унитаристлар эса 271 овозга эга бўлди¹²¹.

Шу тариқа мухторият ғояси тобора кучайиб борди. Аммо Туркистонда 1917 йилда Октябрь тўнтариши содир бўлди ва большевиклар диктатураси ўрнатилди. Большевиклар ҳокимиятга туркистонликлардан вакил киритмадилар. Бундан норози бўлган туркистонликлар 1917 йил ноябрида Қўқонда Туркистон Мухториятини эълон қилдилар.

Хўш, бу зиддиятли жараёнлар хорижий тарихшуносликда қандай ёритилади? Боймирза Ҳайитнинг немис тилида чоп этилган тадқиқотида қайд этилишича, Тошкентдаги совет комиссариати фақат руслардан иборат бўлган, Туркистонда ягона ва “қонуний” ҳукумат бўлишига даъвогар бўлгани туркистонликлар Қўқон ва Оренбург шаҳарларида 1917 йил декабрида ўз съездларини чақириб, 10 декабрда¹²² ўз миллий мухтор республикаларини эълон қилганлар –

¹²⁰ Hayit B. Turkestan zwischen Russland und China.-S. 215-216.

¹²¹ Турон. 1917. 3 июн.

¹²² Ушбу сана янги таквим бўйича берилган. Эски таквим бўйича 1917 й. 27 ноябрга тўғри келади.

бу собиқ Туркистон генерал-губернаторлигида жойлашган Туркистон Мухторияти ва Дашт генерал-губернаторлигида жойлашган Алаш Ўрда ҳукуматидир. Шу тариқа Туркистонда ҳокимиятга туркистонликлар ва большевиклар даъвогар бўлганлар, булар бир-бирларини тан олишни истамас эдилар. Совет ҳокимияти чоризм давридан қолган ҳокимият аппарати ва аҳолининг европалик қатламига таянган бўлса, миллий мухторият ҳукумати тайёргарлик кўрган армия (ҳарбийлар)га, қурол-аслаҳа, пул ва четдан ёрдамга эга эмас эди, фақат Туркистоннинг туб халқига суянарди. Туркистонда советлар армияга, қуролга ва Россиянинг қўллаб-қувватлашига суянарди. Бундан ташқари, 1916 йил кўзғолонида қуролланиб олган ўлкадаги рус аҳолиси ҳам большевиклар таянчи эди. Икки томон ҳам озодлик ҳақида гапирарди. Советлар озодлик деганда Туркистонни қайтадан Россия таркибига киритишни ва, демакки, зулми тушунарди, туркистонликлар эса озодлик деганда мустақиллик ва ўз давлатчилигини тиклашни тушунарди¹²³.

Дарҳақиқат, большевиклар туркистонликларнинг хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашмаганларидан сўнг Туркистон Мухторияти ҳукумати вужудга келди. Бу ҳукумат қисқа муддат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Немис ва турк тарихшунослигида таъкидланганидек, янги маҳаллий ҳукумат фақат Қўқонда ёхуд Фарғона водийсида эмас, балки бутун Туркистон минтақасида яшаётган туб ерли халқлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланган.

Буни тарихий манбалар, воқеалар замондошлари ва 20-30 йиллардаги совет нашрлари ҳам тасдиқлайди. Чунончи, 1931 йилда чоп этилган, совет тарихшунослигида Туркистон Мухторияти тарихига бағишланган асарида П.Алексеевнинг таъкидлашича, Қўқон мухторияти маҳаллий, Қўқон ва ҳатто Фарғона ҳаракатигина бўлиб қолмасдан, балки бутун Туркистоннинг умумий ҳаракати бўлган ва Туркистоннинг бутун туманларини эгаллаган, миллатидан қатъи назар бутун Туркистон буржуазиясини жалб қилган ва турли босқичларда Туркистон аҳолисининг бошқа қатламларини ҳам қамраб олган¹²⁴. П.Алексеев ўз асарида большевикларнинг миллий масала соҳасида йўл қўйган хатоларини ҳам ошқора кўрсатиб ўтади.

¹²³Hayit, B. Sowjetrussischer Kolonialismus und Imperialismus in Turkestan.Niederland.-S.18.

¹²⁴Алексеев П. Кокандская автономия. – Т., 1931. -С. 27.

Большевикларнинг бу хатолари Туркистон Мухторияти вужудга келишига сабаб бўлганини эътироф этади¹²⁵. Муаллиф Туркистон Мухториятининг вужудга келишига сабаб қилиб “ўз капиталидан айрилган ва ҳукмрон мавқеини йўқотган миллий буржуазия ва рус буржуазияси пролетар ҳокимияти билан келиша олмаганлигидадир”¹²⁶, деб уқтирмоқчи бўлади, совет ҳокимиятини оқлаб, мулкдорларни қоралашга уринади. Бу фикрлар немис ва турк тарихшунослигида илгари сурилган фикрларга зид бўлиб, 1930 йиллардан бошлаб Совет тарихшунослигида Туркистон халқларининг ўз миллий ҳуқуқлари учун курашлари, хусусан, Туркистон Мухторияти тарихи бузиб, сохталаштирилиб кўрсатила бошлаган ва бу ҳол 1990 йилларнинг ўрталаригача давом этди. Тадқиқотлар янги маълумотлар билан бойиса-да, лекин аниқланган маълумотлар синфий, партиявий асосда, нотўғри талкин этилди. Бу адабиётларда таъкидланишича, “мухторият ҳукумати аксилинкилобий кучлардан ташкил топган, советларга ашаддий душман ва манфаатига зид бўлган элементларнинг йиғиндиси эди”. Дарҳақиқат, Туркистон Мухторияти совет ҳокимиятига қарши бўлиб, маҳаллий аҳоли бу ҳокимиятни қабул қилмаганлиги туфайли тузилган ва Туркистон халқлари Туркистон Мухторияти ҳукуматыни ўз миллий ҳукумати сифатида кенг қўллаб-қувватлаганлар, бироқ совет даврида бу ҳақиқат инкор этилди, аниқроғи хаспўшланди ва “Қўқон мухторияти” тузилиши меҳнаткашларни қаттиқ ғазаблантирди”¹²⁷, деган мазмундаги сохта қарашлар тарғиб этиб келинди.

Бу ҳақиқатга тўғри келмаслигини, халқ аксинча мухториятни қўллаб-қувватлаганини тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди. 1917 йил 10 декабрида “Турон” газетасида 1917 йилнинг 6 декабрида Тошкент шаҳрида Туркистон Мухториятини ёқлаб 60 минг кишилик аҳоли митинг ўтказгани ҳақида хабар берилади¹²⁸. Бу митингда туркистон-

¹²⁵ Ўша жойда. -С. 13.

¹²⁶ Алексеев П. Кокандская автономия... -С. 28.

¹²⁷ Қўқонбоев А. Фарғонада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш. – Т., 1958. -Б. 19-28; Харин В.П. Великая Октябрьская Социалистическая Революция в Узбекистане. – Т., 1958. -С. 118; Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Т., 1960. -Б. 261-270; Иноятов Х.Ш. Ўзбекистонда Октябр революциясининг ғалабаси. – Т., 1967. -Б. 105-108; Рзаев Д. Развитие национальных отношений в республиках Советского Востока. Фрунзе. 1968. -С. 84-85; Турсунов Х., Бекназаров Н. Ўзбекистон ССР тарихи. – Т., 1982. -Б. 136-137.

¹²⁸ Улуғ Туркистон. 1917. 10 декабр.

ликлар синф ва даража айирмаларига қарамасдан Туркистон Мухториятини олқишлашларини билдирадилар ва ўлкадаги ҳамма мусулмонларни Туркистон Мухторияти ҳукумати атрофида жипслашишга чақирадилар. Тошкентдаги яхудий социал-демократик партияси жамияти Туркистон Мухториятини табриклар, туркистонда озчиликни ташкил этувчи миллатларнинг ҳуқуқларини таъмин этишларини тилайди¹²⁹.

Бошқа газеталарда ҳам худди шундай мазмундаги хабарлар берилган. Масалан, “Эл байроғи” газетасининг хабар беришича, 1917 йил 1 декабрда Наманганда 10 мингча киши иштирокида мухториятни қўлловчи йиғин бўлди, Жалолобод волостининг Хонобод қишлоғида 6 декабрда¹³⁰, Қўқонда 7 декабрда шундай намойишлар бўлди¹³¹. 13 декабрда Тошкентда “Туркистон Мухторияти учун” шиори остида намойиш ўтказилди. Бу намойишда мусулмонлардан ташқари руслар, яхудийлар, арманлар, шунингдек, большевиклардан ташқари турли хил ижтимоий-сиёсий ташкилотлардан вакиллар иштирок этганлиги ҳақидаги хабар айниқса муҳим бўлиб, Туркистон Мухториятини ўлкадаги бошқа миллат вакиллари қўллаб-қувватлаганлигини тасдиқлайди¹³².

Хорижий тарихшуносликда Туркистон Мухторияти тарихини ёритган муаллифлар 13 декабр воқеасига алоҳида тўхталиб ўтганлар. Мазкур воқеа қандай содир бўлганлигига қисқача тўхталиб, шуни кайд этиш мумкинки, туркистонликларнинг кўтаринки руҳда мухториятни қўллаб намойиш ва съездлар ўтказиши большевикларни таҳликага солиб қўйди ва улар чоралар кўришга киришиб кетди. Тошкентдаги 13 декабр намойиши қатнашчилари ўққа тутилди, Эски шаҳарлик 16 киши ана шу тўқнашув қурбони бўлди. Совет ҳокимияти ҳарбий ишлар бўйича комиссари Стасиков 13 декабр куни куйидаги қарорни имзолайди: “Тошкент шаҳри 13 декабр кеч соат 7 дан ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинади. Солдат ва ишчи депутатлари Тошкент Советининг ижроия комитети шуни Тошкент шаҳар фуқароларига етказар экан, “тинчлик сақлаш ва халқ ҳукуматининг *(аслида бир гуруҳ рус большевиклари ҳукмронлигини таъминлаган ҳукумат* –

¹²⁹Улуғ Туркистон. 1917. 13 декабр.

¹³⁰Эл байроғи. 1917. 5 декабр.

¹³¹Улуғ Туркистон. 1917. 20 декабр; 1918. 7 январ.

¹³²Улуғ Туркистон. 1917. 16 декабр.

С.Ш.) ҳамма талабларини бажариши лозим”лигини талаб қилади, “тартиббўзарларга ва инқилоб душманларига” энг қаттиқ чоралар, ҳатто куруллой куч ишлатилиши ҳақида огоҳлантиради¹³³.

Мустафо Чўқай хотирасида 13 декабр воқеаси “рус большевиклари томонидан бизнинг халққа кўрсатган хоинлик куни” деб баҳоланган эди. Шу пайтдан бошлаб туркистонликлар ва большевиклар орасида очиқ кураш бошланди¹³⁴.

Немис тарихчиси Й.Бензинг эса бу воқеани “Совет Россиясининг мухториятга қарши биринчи қонли қадами” сифатида баҳолаган, “намойишчиларнинг ўққа тутилиши большевикларнинг Туркистон Мухториятига ҳақиқий муносабатини кўрсатиб берганини”, “Совет ҳокимияти Туркистон Мухториятини йўқотиш учун куч ишлатишга киришганлигини” таъкидлайди.

Худди шундай қарашлар кейинчалик Булоқ Боши¹³⁵ ва Боймирза Ҳайитлар¹³⁶томонидан ҳам илгари сурилади. Чунончи, Боймирза Ҳайит бу воқеани Советларнинг мухториятга қарши илк йиртқичликлари сифатида баҳолаб, бу Туркистон Мухториятини йўқотиш йўлида илк тажриба эди, деб ҳисоблайди¹³⁷.

Лекин ўлкадаги большевикча режимнинг тазйиқларига қарамай, Мухторият ҳукуматини қўллаб-қувватлаш давом этди. 1917 йил 26-30 декабрда (1918 йил 8-12 январда) Кўқон шаҳрида мусулмон ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг 1 фавқулодда съездида Туркистон Мухториятига муносабат масаласи асосий масала бўлди. Бу съезд 27 декабрда Петрограддаги халқ комиссарлари Советига телеграмма жўнатади ва унда Тошкент Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятни Туркистон Мухторияти ҳукуматига топшириш тўғрисида фармойиш беришини сўраб мурожаат қилади. Туркистонни жуда катта фалокатга олиб келувчи бебошчилик ва кўш ҳокимиятчиликнинг олдини олишга чақиради¹³⁸.

Лекин совет ҳукуматини Туркистон ишчи ва деҳқонларининг истаклари кизиқтирмасди. Ўз ҳукумати номидан 1918 йил 5 январда

¹³³Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сб. документов. – Т., 1972. Т. II. – С. 59.

¹³⁴М.Сокay. Dekabr Natiralari. // Yash Turkistan. 1932. № 37. -S. 1-10.

¹³⁵Bulak Bashi. Dekabring koldirgan doglari // Milli Turkistan. 1952. № 2. 76A. -S. 23-25.

¹³⁶Hayit B. Turkestan im XX. Jahrhundert. Darmstadt. 1956. -S. 63-134.

¹³⁷Hayit B. Basmatschi. -S. 40.

¹³⁸Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000. -Б. 141.

И.Сталин Туркистонга юборган телеграммасида туркистонликлар ҳарбий кучга эга бўлсалар, Тошкент Совет Комиссариати уларни курул кучи билан тарқатиб юборишлари мумкинлиги таъкидланган. Большевиклар на Қўқондаги ҳукумат, на туркистонлик маҳаллий ишчилар Тошкентдаги Совет комиссариатини тарқатиб юбориш учун бундай кучга эга эмаслигини яхши билардилар. Бу ҳол хорижий тарихшуносликда мухторият ҳукумати ва туркистонлик ишчи ва деҳқонларга “биринчи огоҳлантириш”¹³⁹, “шайтонларча провокация”¹⁴⁰ деб баҳоланди.

Шундай қилиб, Туркистонда параллел равишда иш олиб борувчи икки ҳокимият вужудга келди. Бундай ҳолга дош беришни истамаган, яккаҳоқимликни мақсад қилиб қўйган большевиклар ҳокимияти яна зўравонлик сиёсатини қўллади. Тошкентдаги Совет ҳукумати 31 январдаги Советларнинг ўлка съездида Туркистон Мухторияти ҳукуматини тарқатиб юбориш, унинг аъзоларини қамокқа олиш ва бу ҳукумат аппаратини Советлар қўлига топшириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундан кейин Совет комиссариати Қўқонни забт этишга тайёргарлик кўра бошлади. 1918 йил 7 февралда Қўқонга русларнинг М.К.Шкарупа бошчилигидаги жанговар гуруҳи (140 солдат, 4та пулемёт) жўнатилади ва кейинроқ уларга дашноқчилар арман партиясининг 120 солдати келиб қўшилади. 19 февралда Қизил гвардиячилар Қўқонни эгаллади. Шаҳар уч кун мобайнида ёнди. Туркистон Мухторияти ҳукумати ағдарилди. Қўқонда 10.000 киши ўлдирилди, 10 га яқин банк, бутун Туркистоннинг пахта биржаси бўлган Қўқон тахминан 3 млрд. рубл зарар кўрди¹⁴¹. Шу тариқа Туркистон Мухторияти фожеали тугатилди.

Хорижий тадқиқотларда мазкур масала қандай ёритилади? Немис тарихшунослигида “Қўқондаги Туркистон миллий ҳукуматининг ағдарилиши билан Совет раҳбарияти ўзининг ҳақиқий башарасини кўрсатганлиги, миллий ўлкалардаги рус бўлмаган халқларнинг ҳуқуқларини бир тийинга олмаганлиги, бу билан улар эски миллий зулм сиёсатини давом эттирилганлиги” таъкидланади¹⁴².

¹³⁹Hayit, B. Turkestan zwischen Russland und China... -S. 241-242.

¹⁴⁰Hayit, B. Basmatschi.-S. 38-39.

¹⁴¹УлуғТуркистон. № 68. 9.Ш. 1918.

¹⁴²Hayit B. Turkestan zwischen Russland und China... -S. 242.

Хорижий тарихшуносликда Туркистон Мухторияти тугатилиши оқибабларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Чунончи, Боймирза Хайитнинг фикрича, “мухторият ва унинг ҳукумати большевистик кизил гвардиячилар томонидан қуролли куч йўли билан ағдарилганидан сўнг биринчи марта Туркистон мустақиллиги ғояси вужудга келган”¹⁴³. Мустафо Чўқай эса мустақиллик учун кураш бошланишини таъсис мажлисининг тарқатиб юборилиши билан боғлайди. Унинг ёзишича, таъсис мажлиси маҳв этилиши билан федерация тўғрисидаги умидлар ҳам абадий йўқолган, улар миллий озодлик, тўлиқ миллий истиклол кураши йўлига ва мустақил Туркистон давлати учун кураш йўлига тушганлар¹⁴⁴. Яна бир Туркистонлик муҳожир Абдулла Бойсун эса Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ағдарилиши ва Қўқон шаҳрининг вайрон этилиши миллий мақсадларни амалга ошириш учун курашнинг янада кенг тус олишига олиб келганлигини таъкидлайди¹⁴⁵.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш жоизки, коммунистик мафкура тазйикидан холи бўлган хорижий тарихшуносликда Туркистон халқларининг миллий давлатчилик ғоялари учун кураши ўзининг бутун мураккабликлари билан акс этган ва бунда хорижда муҳожирликда бўлган 1917 йилда Туркистон воқеалари иштирокчиларининг хотиралари катта ўрин эгаллаган. Хорижий муаллифлар Туркистон Мухторияти туркистонликларнинг манфаатини ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйган эди, деган фикрни яқдиллик билан маъқуллайдилар. Туркистон Мухторияти ҳукумати ағдарилиши билан мухториятчилик ғояси тугади ва тўла миллий мустақиллик учун кураш бошланди, деган хулосага келадилар. Улар ўша даврда туркистонликлар ўз тақдирларини ўз қўлларида ушлаб қола билмаганларининг асосий сабаблари сифатида бир томондан миллий ташкилотнинг кучли эмаслиги, миллий раҳбарларнинг етарли бўлмагани ҳамда сиёсий томондан тўла пишиб етилмаганлиги, миллий зиёлилар орасида бирликнинг тўла яратилмагани, айниқса бу соҳада ўша замондаги руҳоний кучлар туғдирган қийинчилик ва тўсқинликларидан иборат эканлигини, иккинчи томондан Советларнинг кучли қуролли қўшинга таянганини кўрсатадилар.

¹⁴³ Hayit B. Basmatschi... -S.34, 62.

¹⁴⁴ Чўқай М. ўғли. Истиклол жаллодлари... -Б. 79.

¹⁴⁵ Abdullah Receb Baysun Turkistanli. Turkistan Milli Hareketleri. Istanbul. 1943. -S. 8.

Дарҳақиқат, мустабид совет ҳукуматининг ҳарбий имкониятлари, куч-қуввати эндигина тузилган Туркистон Мухторияти ва унинг тарафдорлари – Туркистон халқларидан бир неча бор устун ва кучли эди. Қарийб ярим аср мобайнида қурол-яроғ ва ҳарбий соҳадан узоқда сақланган халқ замонавий қуролларга эга шафқатсиз босқинчилар олдида ожизлик килди. Аввалги мустабид тузумнинг онгли равишда олиб борган сиёсати, яъни маҳаллий аҳолига қурол бермаслик ўз мевасини берди ва Туркистон халқларининг бўйнига янги мустамлакачилик кишани осилди, уларнинг миллий давлатчиликни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари фожеали тугади.

Туркистон Мухториятининг мақсади, моҳияти, аҳамиятини тўғри баҳолай олган хорижий тадқиқотчилар, афсуски, мазкур воқеалар билан боғлиқ жараёнлар тафсилотларини тўлиқ ёрита олмайдилар. Айниқса Туркистон Мухториятининг бутун ўлка бўйлаб қўллаб-қувватланиши, унинг тугатилиши, фаолияти, дастури билан боғлиқ маълумотлар хорижий тарихшуносликда учрамайди. Чунки улар мазкур масалаларни ёритувчи маҳаллий матбуот материаллари, архив ҳужжатларидан фойдаланиш имконига эга эмас эдилар. Бу маълумотлар нафақат хорижий тарихшуносликда, балки совет тарихшунослигида ҳам эътибордан четда қолган. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тарихи ва унинг фожеали қисмати билан боғлиқ воқеаларни ёритувчи тарихий фактлар мустақиллик давридагина ошкор этила бошланди¹⁴⁶. Мазкур муаммога оид жами манбаларнинг илмий истеъмолга илк бор киритилиши асосида дастлабки тадқиқот яратилди¹⁴⁷. С.Агзамходжаев қаламига мансуб бу асарда мухториятчилик ғоясининг вужудга келиши ва ривожлантирилиши, унда жаҳидлар, зиёлилар, уламоларнинг тутган ўрни, миллий бирлик ва миллий озодлик ғояларининг аҳамияти, Туркистон

¹⁴⁶Исмоилов Х. Туркистон 1917 йилда. // Ўзбекистонадабиётивасанъати. 1990. 27 июл; Ўша муаллиф. Туркестан в эпоху двух революций. История СССР. 1990. № 5; Н. Норкулов. Мухториятнинг тугатилиши // Фан ва турмуш. 1990. № 1-3; Ўша муаллиф. Хурриятдан мухториятгача // Фан ва турмуш. 1991. № 2-3; Хасанов М. Альтернатива // Звезда Востока. 1990. № 7; Дониёров Ш. Мухторият қисмати. // Шарқ юлдузи. 1991. № 12 ва б.

¹⁴⁷Агзамходжаев С.С. Туркистон мухторияти: борьба за свободу и независимость. (1917-1918 гг.) Дисс. д-ра.ист. наук. – Т., 1997. -С. 369; Унинг ўзи. Туркистон бирлиги учун. – Т.: Фан, 1995; Унинг ўзи. Туркистон мухторияти. – Т.: Фан, 1996. -Б. 56; Туркистон мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000. -Б. 166.

мухториятининг тарихий аҳамияти илк бор ўзининг ҳолисона талқинини топди. Муаллиф аниқ маълумотларни атрофлича таҳлил этиб, “Туркистон Мухторияти миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши масаласини демократик йўл билан ҳал этишга бел боғлаган халқ иродаси ва илғор зиёлиларнинг кўтаринки ҳатти-ҳаракатлари заминида вужудга келди. Табиийки, зўравонлик, шовинизм билан қуролланган янги мустабид большевиклар миллий мустақилликка интилишнинг ҳар қандай кўринишига тиш-тирноғи билан қарши эдилар”, деган хулосага келди.

Бу тарихий ҳақиқатни тиклаш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар жуда кўп масалаларни аниқлаш имконини берган бўлса-да, ҳали олдинда турган вазифалар, ўрганилиши лозим бўлган муаммолар кўп. Уларнинг ечимини топиш учун эса хорижий тарихшунослик ва ватан тарихшунослигининг илмий ҳамкорлигига катта эҳтиёж сезилади, чунки хорижда (воқеага гувоҳ бўлган) муҳожир ватандошларнинг хотира ва эсдаликлари, шахсий архивлари сақланган бўлса, Ўзбекистонда ўша давр миллий матбуоти, 1920-йиллар адабиёти ҳамда совет давлати архивида жуда муҳим маълумотлар мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тўлдириш, тарихий ҳақиқатни тўла ва ҳолисона тиклашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Бахыт КОЩАНОВ

*д.и.н., проф., Каракалпакский государственный
университет имени Бердаха*

ГЕРОИ И АНТИГЕРОИ ТУРКЕСТАНСКОЙ АВТОНОМИИ

По время подготовки и защиты докторской диссертации в Институте Российской истории Российской Академии наук мне интересно было узнать героев и антигероев Туркестанской Автономии.¹⁴⁸ В ходе изыскательской работы в московских и ташкентских архивах, зале периодики Российской государственной библиотеки, мне удалось найти документы по этому вопросу. При этом мне близко к сердцу высказывание первого Президента

¹⁴⁸ Кошанов Б.А. Большевики в Туркестане. 1917-1922 гг. Доктрина и реальность. Дисс.... доктора наук. Москва: Институт Российской истории РАН. 1994. 425 с.

Республики Узбекистан И.А.Каримов: «Я думаю, что, оценивая недавнее прошлое, необходимо открыто выразить наше отношение к истории, событиям, «великим деятелям» и «умелым организаторам» того времени».¹⁴⁹ Это должно служить не осуждению этих людей, а воспитанию молодежи в духе верности истине, утверждению правды в нашей истории.

Итак, что говорят архивные источники и периодика по поводу героев и антигероев Туркестанской Автономии?

Второй туркестанский краевой съезд мусульман (10 сентября 1917 г.) в резолюции по вопросу о власти подчеркнул, что мусульмане, составляющие 98 % населения края, при общей численности свыше 10 млн. душ, имеют все права на национально-культурное самоопределение.¹⁵⁰ Тем не менее, в результате 4-дневных вооруженных столкновений на улицах Ташкента (28-31 октября 1917 г.) власть 1 ноября перешла в руки Краевого Совета рабочих и солдатских депутатов и Исполнительного Комитета Ташкентского Совета. Третий краевой мусульманский съезд (9-14 ноября 1917 г.) высказал свое мнение: «Совет солдатских и рабочих депутатов устранил из своего круга большинство местного населения – мусульман. Небольшая по численности группа хочет диктовать свои условия всем. Необходимо учредить Центральный орган власти, пропорциональный численному составу населения».¹⁵¹

Вопреки этим требованиям, третий краевой съезд солдатских и рабочих депутатов 15 ноября 1917 г. создает Совет народных комиссаров, где большевики получили 5 мест: первого председателя СНК (он же краевой комиссар путей сообщения, почт и телеграфов) Ф.И.Колесов; а также краевых комиссаров: труда – П.Г.Полторацкий, продовольствия – И.Л.Колендзян, торговли и промышленности – В.С.Ляпин, по гражданско-административной части – В.Е.Агапов. Левые эсеры получили 8 мест: второго председателя СНК (он же комиссар юстиции) – В.В.Залесский, комиссара земледелия и секретаря СНК – П.В.Чегодаев; краевых комиссаров: народного просвещения – П.И.Пермезский, финансов – Ф.С.Котельников,

¹⁴⁹Каримов И.А. Свое будущее мы строим своими руками. Т.УП. - Ташкент: Узбекистан, 1999. - С.299.

¹⁵⁰Туркестанский вестник, 1917, 25 сентября.

¹⁵¹Наша газета, 1917, 8 ноября.

иностранных дел и по политическим делам Бухарского и Хивинского ханств – П.А.Домогатский, водопользования – А.Д.Швецов, по гражданско-административной части – Н.Ф.Баранкин, по народному здравью – К.Я.Успенский. Максималисты довольствовались двумя местами: комиссара по военным делам – Е.А.Перфильева, комиссара по военным делам (он же начальник гарнизона Ташкента) – С.К.Стасиков.¹⁵²

Что интересно, состав Совнаркома Туркестанского края в декабре 1917 г. был представлен председателю Совнаркома РСФСР В.И.Ленину на утверждение «как агентов Центральной Советской власти».¹⁵³ Совнарком Туркестанского края, по существу, оставался инородным образованием в регионе. Доморощенные комиссары, весьма самолюбивые, иные – с уклоном к бонапартизму, фактически варились в собственном соку. Порою их власть превращалась в безответственную, бесконтрольную, несправедливую, тираническую и к тому же дорогостоящую.

Циничным является слова большевистской резолюции третьего съезда Советов солдатских и рабочих депутатов: «включение в настоящее время мусульман в органы высшей краевой революционной власти является неприемлемым, как ввиду полной неопределенности отношения туземного населения к власти Советов солдатских, рабочих и крестьянских депутатов, так и ввиду того, что среди туземного населения нет классовых пролетарских организаций, представительство которых в органе высшей краевой власти фракции приветствовала бы».¹⁵⁴

Как отмечал позже один государственных деятелей Туркестана Г.Сафаров: «вместо того, чтобы завоевывать самим доверие трудящихся масс угнетенных национальностей, новая власть предложила угнетенным национальностям завоевывать ее доверие».¹⁵⁵

¹⁵²Наша газета, 1917, 25 ноября.

¹⁵³Российский центр хранения и изучения документов новейшей истории, ф.5, оп.1, д.2920, л.1.

¹⁵⁴Наша газета, 1917, 23 ноября.

¹⁵⁵Сафаров Г. Колониальная революция (опыт Туркестана). – Москва: Госиздат, 1921. С.70.

Реакцией на не избрание представителей коренного населения в Совнарком Туркестанского края стал созыв 4-го Чрезвычайного общемусульманского краевого съезда (26-29 ноября 1917 г.), который, выражая волю народов Туркестана к самоопределению, объявил «Туркестан территориально автономным в единении с Федеративной Российской республикой».

Один из лидеров Туркестана Мустафа Чокаев указывал: «То, что творится в Центре, заставляет окраины самим заботиться о собственном спасении и о спасении великой национальной революции».¹⁵⁶

На съезде был избран Туркестанский Временный Совет:

- от Ферганской области: И.Шагиахметов, А.Кушбегиев, Н.Камалхантураев, Х.Юрали-Агаев, А.Махмудов, А.Ашурходжаев, Д.Каррабеков, А.Уразбаев, И.Мирзаахмедов;

- от Сырдарьинской области: М.Чокаев, С.Лапин, У.Ходжаев, С.Байсаитов, Т.Нарбутабеков, С.Мирджалилов, И.Губайдуллин, С.Шарифходжаев, К.Ходжинов;

- от Самаркандской области: А.Абдусалимов, С.Герцфельд, А.Дербисалин, М.Акчурин, М.Мансуров;

- от Закаспийской области: Л.Ширинский, Г.Мусабаев, А.Шакирхантураев, К.Рахманбердиев, А.Умаров, С.Юсупов;

- от Семиреченской области: М.Тынышпаев, И.Давлетшин.¹⁵⁷

Туркестанский Временный Совет назначил Временное правительство в следующем составе:

- министр-председатель и министр внутренних дел Мухамеджан Тынышпаев;

- заместитель министра-председателя Ислам Шагиахметов;

- управляющий отделом внешних сношений Мустафа Чокаев;

- управляющий отделом народной милиции и общественной безопасности Убайдулла Ходжаев;

- министр землеустройства и водопользования Хидоятбек Юргулы-Акаев;

- министр продовольствия Абиджан Махмудов;

- товарищ министра внутренних дел Абдурахманбек Уразаев;

¹⁵⁶The Asiatic Review. 1928. Vol. XXIV. P. 279.

¹⁵⁷Туркестанский вестник, 1917, 1 декабря.

- министр финансов Соломон Герцфельд.¹⁵⁸

Один из руководителей Туркестанской Автономии М.Чокаев признался впоследствии, что «у нас не было надежды на какой-либо успех».¹⁵⁹

В докладной записке Чрезвычайной делегации ТуркЦИК на имя ВЦИК (июль 1918 г.) констатируется, что мирная демонстрация 13 декабря 1917 г. в поддержку Туркестанской Автономии была подавлена, были убиты 16 жителей Ташкента, «но в глазах темной массы физически и морально она (Автономия – Б.К.) крепла и все больше сторонников привлекала к себе».¹⁶⁰

На 4-м краевом съезде Советов (19-21 января 1918 г.) позиция правящей коалиции определилась со всей полнотой. Лидер большевиков И.О.Тоболин заявил: «говорить о проведении в жизнь автономии сейчас же, немедленно, нельзя, ибо первым условием автономии был бы вывод русских войск из края. Если же мы исполнили бы это основное положение, вытекающее из понятия автономии, то мы этим самым нанесли бы удар в спину революции».¹⁶¹ Ему вторил нарком труда, большевик П.Г.Полторацкий: «автономия завоевана уже рабочим и солдатом и другой власти кроме советской быть не может». Судьба Туркестанской Автономии была решена на основе большевистской резолюции (за объявление ее вне закона – 62, против – 11, при воздержавшихся).

Совнарком Турккрая объявил Ферганскую область на военном положении с 1 февраля 1918 г. 19 февраля в Коканд прибыл отряд красногвардейцев в 330 человек с промыслов «Санто» и Кызыл-Кия и 50 человек со ст. Урсатьевская. 21 февраля прибыли войска во главе с Е.Л.Перфильевым – наркомом по военным делам Туркестанского края.

При ликвидации Туркестанской Автономии 20 февраля были использовано 12 артиллерийских орудий. Причем в зону обстрела, продолжавшегося с 1 часа дня до темноты, попали не только дома мирных жителей старого города, но и мечети, где попыталось

¹⁵⁸ Агзамходжаев С.С. Из истории борьбы за автономию Туркестана // Туркистон мустакиллиги ва бирлиги учун кураш сахифаларидан. Тошкент: Фан, 1996.С.32.

¹⁵⁹ Государственный архив Российской Федерации. Ф.1235, оп.93, д.581, л.7 об.

¹⁶⁰ Наша газета, 1917, 15 декабря

¹⁶¹ Новый Туркестан, 1918, 5 марта.

укрыться население. После чего были задействованы воинские части Перфильева и отряд боевиков партии «Дашнакцутюн». Большевик Д.И.Манжара признался: «мы открыли артиллерийский огонь по старому городу, а потом пустили вооруженных дашнаков и другие отряды. В результате начались грабежи и насилия, от которых пострадало население». «Страшную картину представляет из себя Коканд, - писал корреспондент «Нового Туркестана» Борис Ольгинский, - одна треть старого города уничтожена в полном смысле этого слова. Трудно, конечно, выяснить общую сумму убытков, но полагаю, что их нужно исчислить в сто-двести миллионов рублей. Десятки тысяч людей в Коканде остались без кровли, одежды и пищи. Коканд теперь - город мертвых. Он подобен могильному склепу, от которого веет плесенью и мертвечиной».¹⁶² По свидетельству секретаря бюджетно-финансовой комиссии при ТуркЦИК А.М.Тишковского «в кокандских событиях погибло до 10 000 мирных, ни в чем неповинных жителей и от цветущего богатого города остались груды развалин и вечные проклятия уцелевших. Это была первая кровавая страница, оставшаяся позорным клеймом на советской власти и положившая начало движению басмачества».¹⁶³

Кровавые события в Коканде стали предметом обсуждения на заседании Ташкентского Совета 23 февраля 1918 г. Г.М.Цвиллинг предложил вынести «порицание фактам захватов, имевших место среди наших отрядов». Х.Л.Вайнштейн потребовал «немедленного создания комиссии для расследования дел и привлечения к строгой ответственности всех – от рядового красноармейца до руководителей отрядов». На это лидер большевиков И.О.Тоболин цинично заявил: «вообще смешно говорить о жестокости в такой момент и в такой борьбе».

Таким образом, выявились герои и антигерои Туркестанской Автономии.

¹⁶² Российский центр хранения и изучения документов новейшей истории, ф.17, оп.65, д.380, л.78 об.

¹⁶³ Российский центр хранения и изучения документов новейшей истории, ф.17, оп.65, д.380, л.78 об.

БОЛЬШЕВИСТСКАЯ «МОДЕРНИЗАЦИЯ» ОБЩЕСТВА – СТАНОВЛЕНИЕ СИСТЕМЫ

Для понимания истинных истоков советской политики и инструментария ее осуществления сразу же после 1917 года, важно иметь в виду, что ленинская концепция социализма, да и сам строй мысли большевистских руководителей были проникнуты идеологией воинствующего терроризма. Российские марксисты во главе с Лениным восхищались якобинским террором времен Французской революции 1789 г. часто и заимствовали их терминологию и политические ярлыки, вроде «враг народа». Этот термин вождь Октября впервые употребил как криминальное обвинение против русского классического либерализма и демократии – против кадетов – буквально на второй день после прихода к власти.

Философия и психология государственного терроризма стала отличительной чертой практики большевизма в последующие после февраля 1917 годы на всем пространстве советского государства. Рельефные формы она приобрела и в Узбекистане. Большевики неустанно призывали рабочих и солдат бороться с открытыми и «замаскированными врагами революции», преподавать «реакционерам кровавый урок». Показательна в этом отношении редакционная статья, опубликованная в официальном органе большевистских властей – газете «Правда» от 4 августа 1918 г. В ней говорилось: «Рабочие и бедняки! Возьмитесь за оружие, учитесь стрелять... Встаньте против всех, кто против советской власти агитирует. Десять пуль против каждого, кто поднимет руку против нас. Господству капитала можно положить конец, когда перестанут дышать последние капиталисты, помещики, попы и офицеры»¹⁶⁴.

9 августа 1918 г. Совнарком РСФСР издал декрет за подписью Ленина о «создании особых частей из верных и преданных людей для развертывания беспощадного массового террора против кулаков, духовенства и белогвардейцев. Всех подозрительных заключать в

¹⁶⁴Правда. 1918. 4 августа.

концлагеря»¹⁶⁵. В те же дни Ленин Губисполкому Пензы рекомендует: «Провести беспощадный массовый террор. Сомнительных запереть в концентрационный лагерь вне города. Экспедицию (карательную - авт.) пустить в ход»¹⁶⁶. Большевикам Саратова приказывается: «Расстреливать заговорщиков и колеблющихся, никого не спрашивая и не допуская идиотской волокиты»¹⁶⁷.

Такая политика вызвала раскручивание мощного маховика репрессий: повсеместно создавались концентрационные лагеря, активно применялась система заложников, заключения их в тюрьмы и поголовное уничтожение. Уже в первые «революционные» годы в советской России действовало 84 концлагеря, в которые было заключено более 50 тыс. узников¹⁶⁸.

Политический экстремизм, исходящий от центральной власти, изначально охватил все регионы воздвигаемой «красной империи». Отчетливый характер он приобрел и в Узбекистане.

Насильственное внедрение советской модели социалистической трансформации национальной культуры происходило в Средней Азии по мере ее советизации. Широкий размах политика государственного терроризма приобрела в Туркестане, находящемся в составе «революционной России».

Одним из ярких проявлений большевистского экстремизма стало вооруженное свержение в феврале 1918 г. сформированного по воле коренного населения края в ноябре 1917 г. альтернативного советской власти национально-государственного образования – «Туркистон Мухторияти». Тогда многие члены правительства «Туркестанской Автономии» без суда и следствия были расстреляны, а многие участники автономии ушли в эмиграцию. Репрессии большевиков, проведенные в Коканде, стали одной из причин формирования антисоветского движения в Туркесреспублике. Против повстанцев, как известно, были брошены крупные воинские подразделения регулярной Красной армии.

В тесной связи с организацией вооруженных формирований, активные меры предпринимались по закладке репрессивного

¹⁶⁵ Ленин В.И. Полн. собр. соч. Т.50. –С.142–143.

¹⁶⁶ Там же. –С.143–144.

¹⁶⁷ Там же. –С. 165.

¹⁶⁸ Советская история. Проблемы и уроки. Новосибирск, 1992. –С. 188.

аппарата. Так, уже 14 сентября 1918 г. ЦИК Туркестанской республики утвердил положение об организации Чрезвычайной следственной комиссии по борьбе с контрреволюцией (ТуркЦК). В тот же день решением Ташсовета был учрежден Комитет красного террора. Одновременно развернулась энергичная деятельность по созданию иных карательных структур¹⁶⁹.

Повсеместное распространение получила репрессивная практика, расстрел без суда вызванных в органы ЧК по наговору сомнительных лиц по обвинению в связях с «басмачами».

Для удержания советской власти большевистское правительство направило в Туркестан дополнительные вооруженные подразделения регулярной красной армии. Их численность к началу 20-х гг. XX в. составила около 100 тыс. человек¹⁷⁰. Командование Туркестанского фронта твердо придерживалось принципа осуществления жестких мер не только в отношении вооруженной оппозиции, но и мирного населения поддерживавшего повстанческое движение. В приказах командующего Туркфронта М.В. Фрунзе недвусмысленно указывалось: «Все входящие в состав басмаческих масс должны расстреливаться как грабители и враги народа и подлежат расстрелу на месте. Все лица, а также целые общества, уличенные в сношениях или помощи басмачам, будут подвергаться самым суровым карам по закону военного времени».

Подтверждением этих мер к примеру, был случай, когда красноармейские части, захватив в ноябре 1918 г. селение Сузак, учинили в нем погром, в результате которого кишлак фактически перестал существовать: на месте его, по свидетельству очевидцев, осталась «груда развалин, пепелища и трупы полуобгорелых людей». Оставшиеся в живых жители кишлака, побросав свои жилища, укрылись на кладбище, спасаясь от расправы со стороны красноармейцев. И подобные факты наблюдались повсеместно. Так, наряду с Сузаком были стерты с лица земли селения Бозор Курган, Коканкишлак и многие другие¹⁷¹. Согласно архивными документам тех лет, только в

¹⁶⁹ЦГА РУз, Фонд Р-25, оп.1, д.27-а, л.84–85.

¹⁷⁰Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. –С.169.

¹⁷¹Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. –С. 197, 227.

Ферганской долине «было убито несколько сот тысяч местных жителей»¹⁷². В целом же общие потери туркестанцев убитыми, взятыми в плен и тяжело ранеными составили в крае более 700 тыс. человек¹⁷³.

Насильственное насаждение советской власти сопровождалось в Туркестане с созданием политических и идеологических структур. Они были направлены, прежде всего, на вытеснение несовместимого с коммунистической идеологией религиозного мировоззрения. Уже в 20-х годах развернулись масштабные религиозные гонения, выразившиеся в мерах по ликвидации вакфов, в закрытии конфессиональных школ, в запрещении судов казиев, в преследовании священнослужителей.

Наряду с этим, нетерпимость и логика конфронтационного мышления большевиков обусловили их стремление изгнать с общественной арены все «непролетарские» социальные группы и слои, а из политической жизни первоначально «буржуазные» и «националистические» партии, затем и своих союзников по правящему социалистическому блоку. Так, в Туркестане в течение 1918 г. были запрещены «Шурои Исломия», «Уламо», «Алаш», «Туркистон миллий бирлиги», затем сошли с исторической арены организации правых и левых эсеров, меньшевиков и др.¹⁷⁴.

Репрессии коснулись, прямым образом и в первую очередь, творческой интеллигенции, которая стремясь сохранить самобытную национальную культуру, через свое творчество открыто выступало с критикой реформ советской власти. Так, один из главных ударов был обрушен на литературно–лингвистическое объединение «Чагатай гурунги», созданного в 1919 г. при Наркомпросе Туркеспублики. Члены этой организации проводили большую работу по сбору устного народного творчества, подготовке реформы алфавита. Они выступали за очищение тюркских языков от засилья иностранных слов, в том числе русских. И на этом основании были обвинены в пантюркизме.

¹⁷²ЦГА РУз, ф. 17–с, оп.1, д. 36, л.43

¹⁷³Туркестан в начале XX века... –С.191.

¹⁷⁴Алимова Д.А., Голованов А.А. Узбекистан в 1917–1990 годы: противоборство идей и идеологий. –Ташкент, 2002. –С.28.

Вокруг «Чагатай гурунги» объединились в основном те писатели и поэты, которые настороженно относились к советской власти и деятельности большевистской партии, критиковали антинациональную направленность предпринимаемых социально-политических и культурных акций. В их числе А.Фитрат, А. Чулпан и др. В официальных идеологических публикациях того времени подчеркивалось, что в стихах этих поэтов нашли отражение основные черты всей «националистической поэзии», отражающей интересы и идеологию «эксплуататорских классов». Они были первоначально подвергнуты суровой критике в печати, а в последующем – в середине 30-х гг. репрессированы.

Одновременно началась первая волна репрессий ответственных партийных и советских работников из числа коренного населения, которые пытались отстаивать национальные интересы народов края, наполнить конституционно провозглашенные суверенные права Туркеспублики реальным содержанием. В этот круг входили в начале 20-х гг. Ю. Алиев, К.С. Атабаев, Х. Ибрагимов, Т. Рыскулов, А. Рахимбаев, Н. Тюракулов, Н. Ходжаев и др. На оппозиционеров стал навешиваться политический ярлык «национал-уклонистов», они обвинялись в «буржуазном национализме».

Однако в отличие от последующего, «сталинского времени», репрессивные возможности центра были тогда все же ограничены. Позиции советской власти в Туркестане оставались еще достаточно слабыми. Несмотря на все предпринимаемые усилия в социальных слоях местного общества сохранялось острое неприятие большевистского режима. Коренных туркестанцев консолидировала национальная, а не социалистическая идея. В своей подавляющей массе они противились закладке социалистических структур и не поддерживали советские органы. Обширная часть территории края находилась в зоне контроля повстанцев. Летом 1920 г. И. Любимов, председатель СНК ТАССР, писал в центр - «в крае не было настоящего советского строительства...», «зачатки советских органов существуют только в городах, в лучшем случае, распространяя свою деятельность и на уезды». По его свидетельству, «... в каких-нибудь 18-ти верстах от Ташкента не знают существует ли советская власть»¹⁷⁵.

¹⁷⁵ЦГА РУз, ф. 17, оп. 3, д. 39, л. 34.

Таким образом, политика всеохватного идеологического натиска, ее смыкание с акциями нарастающих политических репрессий наложили серьезный негативный отпечаток на жизнь народа, вызвав глубокие изменения во всех сферах жизни в Узбекистане.

Баҳром ИРЗАЕВ

“Қатагон қурбонлари хотираси”

музейи катта илмий ходими

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

Мамлакатимиз тарихининг ҳали ҳамон жиддий тадқиққа муҳтож саҳифаларидан бири, бу шубҳасиз, Туркистон Мухторияти масаласидир. Албатта, ўтган давр мобайнида бу борада қатор илмий мақолалар, китоблар, ҳатто диссертациялар ёзилган. Бироқ, мазкур даврнинг ўта мураккаб ва зиддиятларга тўла ижтимоий ҳаётини тушунтириш тарихчидан воқеъликни холис ёритишда кенг кўламли манбаларни қиёсий таҳлил этишини тақозо этади. Бу ўринда матбуот, айниқса, миллий матбуот саҳифаларида чоп этилган материаллар жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Уларда Туркистонда кечган жараёнларга маҳаллий аҳолининг муносабати, уларнинг мақсад ва интилишлари, халқнинг иқтисодий аҳволи, сиёсий маданияти даражаси ҳамда жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий зиддиятлар борича акс эттирилгани билан янада аҳамиятлидир. Тегишли даврга оид асосий маҳаллий матбуот манбалари Тошкентда татар тараққийпарварлари томонидан мунтазам чиқариб турилган “Улуғ Туркистон”, Самарқандда нашр этилган “Хуррият” ва Қўқонда босилган Туркистон Мухториятининг нашри афкори “Эл байроғи” газеталаридир. Мазкур газеталар саҳифаларида нашр этилган хабар ва мақолалар тадқиқотчилар томонидан бир қадар ўрганилган ҳам.

Мазкур мақолада эса биз “Тошкент мусулмон ишчилар шўроси” томонидан чоп этилган “Ишчилар дунёси” журнали ва унинг мазмун мундарижаси ҳақида хабар бермоқчимиз. Ўн беш кунда бир чиққан миллий ва сиёсий, иқтисодий, тарихий, илмий, ижтимоий

журналнинг 1-сони 1918 йил 4 январь куни Тошкентдаги “нашр иши ишчилари Иттифоқи” босмахонасида босилган. Ҳисом Жалолий муҳаррирлигида иш бошлаган “Ишчилар дунёси” журнаlining шиори “Яшасин Туркистон Мухторияти!” эди. Бу эса журналнинг Тошкент тараққийпарварлари томонидан Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилганлигини англатади. Журналнинг шу сони сўнгида таҳририят журналхонларга “мазкур бизнинг журнал 17 декабрга чиқарарга тўғрилаб, 12 декабрь куни “Шўрои исломия” босмахонасига берилган эди. 13 декабрда бўлган воқеа ва фожиа сабаблик босмахона ёпилиб қолди. Шунинг учун ушбу кун 4 январга кўчди” деб хабар беради.

Журналнинг “Муқаддима”, “Мақсад ва маслак” рукнлари Мулло Ғозий (таниқли журналист Ғози Юнуснинг адабий таҳаллусларидан бири-муаллиф) томонидан ёзилган¹⁷⁶. Шундан сўнг журнал асосий мақсадига кўчиб, “Туркистонда мухториятнинг эълон қилинуви” номли мақолага ўрин беради. Унда *“Октябрь охирида Тошкентда катта сўғиш бўлиб, кўп қонлар тўкилганидан сўнг Хўқанд шаҳрида 25 ноябрь куни Туркистон вилоятининг мусулмонлари съезди ясалди. Мазкур съездга Туркистон мамлакатидаги ҳар бир жамиятлардан ва ҳар бир союзлардан ва миллий шўролардан делегатлар ҳозир бўлганлари учун бу съезд 10 млн нуфуслик Туркистоннинг мусулмон халқининг тегишлик ишларига қарор берувга қодир ҳуқуқлик бўлди. Шул сабаблик бутун Туркистон халқи мазкур съездда бўлган қарорларнинг ҳаммасига рози бўлишга тегишлик (мажбурий) бўларлар. Туркистон халқининг 98% турк халқлари, яъни мусулмонлар бўлгани учун ҳар бир съезд мажлисларида бўлган қарорларда булар аксариятни ташкил қилгани сабаблик, Туркистонда яшайдирган бошқа миллатларнинг ҳуқуқлари нуфсларига мутаносиб бўлгани сабаблик, бу съездда чиқарилган қарорларни қабул қилишга мажбур бўлурлар”* дейилади. Албатта, бу вақтга келиб бутун Туркистон аҳли Мухториятнинг эълон қилинганидан хабардор эди. Бироқ, журналнинг воқеъликларни қайта эслашидан мақсади большевикларнинг кейинги вақтларда Туркистон Мухториятининг ноқонуний тузилганлиги ҳақида олиб бораётган тарғиботларини йўққа чиқариш, унинг Туркистон халқининг инон ихтиёри билан ташкил этилганлигини, қонуний эканлигини яна бир

¹⁷⁶Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.

бор таъкидлаб ўтишдан иборат эди. Мақолада “*Кўп унғойсизликлар олдинда турса ҳам бунга қарамай съезд ўз вазифа ва ишларини тавом адо этарга муваффақ бўлдилар. Съезднинг иккинчи куни 27 ноябрда Туркистонда келажакда бўладирган идора масаласи қўзғолиб, бу масала музокарага кўйилиб, тунда соат 12.00 да бир оғиздан қабул қилиниб Мухторият эълон қилинди*” дейилади. Демак, Кўкон шаҳрида ҳам худудлардан келган вакиллар большевиклар томонидан жиддий қаршиликка учраганлар. “Уламо жамияти” вакилларига нисбатан “*Бу қарорга фақат Тошкентдаги Уламо жамиятидан борган вакиллар, бу қарор сиёсий бир қарор бўлганлигидан аҳамият бермаганлар. Чунки, бу қарорни бизлар учун диний қарор эмас, деб ўйлаган бўлса керак*”, деб баҳо беради.

“*Съезднинг иккинчи куннда, яъни 27 ноябрда Туркистоннинг бутун 10 млн нуфуслик мусулмонлари эълон қилинган мухториятни фаолиятга чиқарув учун онт ичиб 54 кишидан иборат вақтинча аъзо сайланиб Халқ Шўроси ясалди. Бу, ҳам вақтинча 12 кишидан иборат Туркистон ҳукумати ташиқил этилди. Мазкур сайланган 12 идора ҳайъат аъзоларини ҳар вақтда мухофазат қилмоқ учун ваъдалар беруб ишонтирдилар. Мазкур съездда булардан бошиқа яна иш юргизадирган яна бир ҳайъат аъзоси бўлувини лозим кўрдилар. Бунга бутун Туркистон вилояти исминдан иш юргизадирган ҳайъат аъзоларини ўз ораларидан жонуби ҳуқуқлари ила муносабат қилурга элчилар сайлаб юборувни лозим кўрдилар.*”

Мазкур иш юргизадирган ҳайъат аъзосига яқинда Туркистонда бўладирган учридительний собранияга (Таъсис мажлиси) чақирувни ўз вазифаси деб билдилар”¹⁷⁷ дейди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Туркистон жаид тараккийпарварлари дастлаб большевикларнинг ҳокимиятни осонлик билан қўлга киритишларига ишонмаганлар. Улар Таъсис мажлисига қадар Туркистон Мухториятини муваққат ҳукумат сифатида шакллантириб, ўлкадаги барча сиёсий фаол кучларни унинг атрофида ягона фронтга бирлаштирмоқчи эдилар. Бирок, кутилган иш содир бўлмади. Натижада большевиклар курул кучи ва сиёсий фитналарни кўллаш орқали маҳаллий аҳоли ўртасида ички зиддиятларни авж олдирдилар.

Журналда босилган Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Туркистон халқига хитобида: “*Пайгамбар ҳазрат Муҳаммад алай-*

¹⁷⁷Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.

ҳи саломнинг тузилган ҳам вафот бўлган куни муносабати ила Тошкентда ясалган шодлик ва тинч мухторият намоиши вақтида гоят таассуфлик воқеалар бўлиб, одам қони тўкилган, ўлган ҳам яраланганлар бўлган экан. Туркистон мусулмонларининг муқаддас ҳаётларини таҳқир қилган бу воқеаларга қарши биз Туркистон ҳукуматининг миллат мажлиси ила муваққат ҳукумати аъзолари қалбларимизнинг энг теран ериндан қаттиг таассуф қилганимизни билдирамыз.

Бу хусусда биз зарур бўлган тадбирларнинг ҳар қайсисини қилиб мамлакатда тартиб ва низом, бирлашувга ижтиҳод этамыз; шунга қадар Туркистон халқини сабр ва тинчликни сақловлари гоят зарурдир” дейилади.¹⁷⁸

“Улуғ Туркистон” газетасидан олиб босилган “Сиёсий аҳвол” номли мақолада “Ҳукумат большевиклар қўлига келуви ила бир қисм халқ сулҳ бўлар деб кутган эди. Чунки, большевиклар муваққат ҳукумат билан курашганида ҳар нарсадан аввал сулҳ ваъда қилган эдилар ва шунинг учун ҳам халқ аларни тақвия қилган эди. Лекин, большевикларнинг иш бошина келувларина икки ойга яқин вақт бўлиб қолса-да номида сулҳ нишонда йўқ ва қачон бўлиши-да маълум эмас. Чунки, большевиклар иш бошина кўчуви ила мамлакатнинг ичинда ўзаро қаттиг сўғишлар боиланиб, мамлакат қизил қонга ботди.

“Большевизм” мазҳаби бошлиқлариндан Ленин ва Троцкий деган зодлар иш бошига келгач, солдат ва ишчилар ҳокимияти тузиб ишроларнинг қурол кучи ила Россияда “социализм” асосини майдонга қўюв хаёлига тушидилар. Учредительный собрания (Таъсис мажлиси) ни кутмасдан бирданига фабрика ва заводларга хусусий мулк ҳуқуқини битиратурган (бекор қилувчи) фармон (декрет) чиқардилар. Катта ер хўжаларининг ерларини крестян (ерсиз деҳқон)ларга олиб бера бошладилар, фабрика ва заводларни рабочилар (ишчи) қўлига топширдилар. Хусусий ҳам давлат бонкларини ўз қўлларина олиб бунлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларина таҳдид қилдилар.

Мамлакатда тартиб ва низом ерлашдируви (ўрнатилиши) қутилган бирдан бир ишончли маҳкама Учредительный собрание (Таъсис мажлиси) ҳанузгача очилгани йўқ, қачон очилажаги ҳам маълум эмас. Чунки, большевиклар учредительный собраниени ҳам ўзларига мувофиқ бўлмаса милтиқ учина кўтарамиз, деб таҳдид

¹⁷⁸Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.

қилолар. *Шул сабаблик ҳозир мамлакатнинг истиқболи шул қадар қоронғудир-ки, бу ҳол давом этган вақтда яқин орада ҳеч бир яхши истиқбол кутарга мумкин эмасдир...*” дейилади. Шунингдек, большевиклар нафақат Марказий Россияда, балки, чекка ўлка ҳисобланган Туркистонда ҳам барча масалани курул кучи билан ўзи истаганидек амалга оширишга интилаётганлиги ёзилади. Халқни яқинлашаётган жиддий хавфга қарши тезроқ бирлашишга чақириб, “*Бизнинг ҳеч вақт қочирмасдан (вақтни қўлдан бой бермасдан-муаллиф) бутун Туркистон жамоат ходимлари ушбу Мухторият ҳузурига йигилиб, ишларни йўлга солурга ва шулой этиб, ўз муқадротимизни (тақдиримизни) ўзимиз ҳал қила бошларга вақт етди. Йўқса, бу кун-да, эрта-да шулой (шу кетишида) турула берса, бу боришининг охири гоаят фожияли бўлурга мумкиндур*¹⁷⁹”, деган хулосага келади.

Журналнинг 2-сони 1918 йил 18 январь куни “Туркестанский ведомости” босмаҳонасида чоп этилган. Ундаги муҳим мақолалардан бири “Туркистон учун хўрлик” деб номланади. У “*Тошкент масжиди жомеъинда 5 январь, жума куни “Уламо жамияти” тарафидан катта йигин бўлиб, Умумтуркистон учун зўр кўнгилсиз воқеа бўлиб ўтди. Тарихда Туркистон учун бир қаро саҳифа очилди*” деб бошланади. Муаллиф бўлган воқеага имкон қадар ҳолис баҳо беришга интилади ва уламоларнинг масжидда Туркистон Мухториятига нисбатан билдирган ишончсизлигини қоралайди. У “*Кечагина масжиди жомеъда қарийиб 200 минг киши бир оғиздан аҳд қилиб, такбир айтиб, йиғлашиб Хўқандаги муваққат ҳукуматга байъат қилиб, керак бўлса жонимиз, молимиз, қонимиз билан ёрдам қилмоққа ваъда қилиб тарқалиб эдик. Яна иккинчи маротаба муваққат ҳукуматга содиқлигимизни ажнабий миллатларга кўрсатмак учун 13 декабрда ёшу қари, уламо-ю ишчи байроқлар кўтариб намоёниши ясаб, иккинчи қайтадан муваққат ҳукуматга содиқлигимизни изҳор қилдик. Маъ ал таассуф ўртада ҳеч нима фурсат ўтмасидан муваққат ҳукумат озми кўпми ишлаб турганида бир тўда лойқа сувдан балиқ овлайдирган иртижоъпарааст мухторият душманлари масжиди жомеъда маъвизалар ўртасинда Мухторият хусусинда сўз қўзғотиб, содда халқнинг кўзига бир дона тухумни 70 хил қилиб бўяб кўрсата бошлади. Бечора бизим халқ камоли софдиллигидан бул жанобларнинг ноҳақ сўзларин ҳақ фаҳмлаб ҳаяжонга келдилар. Шул фурсатда*

¹⁷⁹Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.

нотиқ афанди уста таъбирлар билан халққа хитоб қилиб (Халойиқ Хўқанддаги ҳукуматни бизлар билмасмиз. Муваққат ҳукумат бизга керак (эмас) деган мазмунда сўзлаб, Хўқанддаги ҳукумат керак эмас деганлар қўл кўтарсин, деб бир неча соддадил қора халқни қўл кўтартириб олдилар. Табиий, биз мусулмонлар инқилобдан буён энди қўл кўтариб ўргандик.

Маданий миллатлар каби қўл кўтарганда масалани ҳал бўлишини билмасмиз. Эшмуҳаммад қўл кўтарса Тошмуҳаммадда, Боймуҳаммадда қўл кўтарар. Уламо қиёфатида бир киши минбарга чиқиб: Халойиқ! Бизга оқ керак деса. Ҳа, тақсир оқ керак. Агарда оқ ўрнига қора керак деса. Ҳа, тақсир, албатта қора керак, деб қичқирадилар. Қисқаси, муҳтарам уламоларимиздан бир киши чиқиб қўлига бир қора қозонни тутиб, мусулмонлар қўлимдаги нарса қора эмас, шаъриятда муниси оқ дерлар деса, ҳа, тақсир, албатта оқ деб қичқиришлари табиийдир. Мунинг учун ҳеч вақт онгсиз халқни айбламаймиз. Фақат бизни йўлбошимиз бўлиб турган уламоларимизга ўпкалаймиз.

Шунинг баробаринда муҳтарам уламоларимиздан, суюқлу ёшларимиздан ўтинамиз-ки, мундан буён ҳар икки тараф ҳам соф бўлиб ҳаракат қилинғиз. Уламоларимиз қора халқ бизнинг орқамизда деб Туркистонга уят келтирадирган ишни ишласунлар. Ёшларимиз ҳам ўз фойда зарарини ажратолмаган халқимиз учун кеча кундуз раҳмат ўрнига лаънат эшитиб, бошдан оёқ қуфр печати билан печатланиб, охири ўртада бирор қонли воқеа бўлиб, бадбахт Россиянинг аҳволи Аллоҳ сақласун, бизим Туркистон бошига тушмасин деб қўрқамиз.

Биз ишчилар иттифоқни ёшлар бузадур, ёшлар ундай, ёшлар мундай дер эдик. Кейинги воқеалардан маълум бўлди-ки, иттифоқни кимлар бузар экан?...

Оҳ, ... бу қандай хўрлиқ! Қандай уятсизлиқ! Такрор айтаемиз-ки, уламоларимиз, ёшларимиз мундан буён эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилмасалар ҳозирги Россиянинг бадбахт ҳоли бизни Туркистон бошига келади...¹⁸⁰ деб фикрини яқунлайди.

Шундан сўнг журнал ўз ўқувчиларига “Хўқандда биринчи мусулмон ишчи, деҳқон ва солдатларни фавқулодда қурултойи” ҳақида хабар бериб, “Қурултой 1917 йил 26 декабрь кунини Шўрои ис-

¹⁸⁰Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

ломия идорасида иш бошлади. Мандатний комиссия тарафидан қурултойга 184 вакил келганлиги маълум бўлди. Мазкур ададни ичиндан 20 вакил Тошкент жамиятлариндан бўлиб, 10 вакил мусулмон ишчи шўросидан, 2 вакил сартарошлардан, 2 вакил туникасозлардан, 1 вакил косиблар жамиятидан, 2 вакил “Гулистон” жамиятидан, 2 вакил талабалар жамиятидан, 1 вакил Турк адам Марказияти газетасидан борди. Сирдарёдаги қозоқлар жамиятидан 5 киши, Самарқанд вилоятидаги ишчи ва солдатлар шўросидан Панамарёв, большевик Окувренколар, Самарқанд шаҳар ва уездининг ҳамма ишчи, деҳқон ташиклотларидан, Закаспий област туркманларидан, Фаргона областининг ҳамма ишчи деҳқон жамиятларидан вакиллар бор эди.

Мандатний комиссиянинг докладидан сўнг ҳайъат аъзолари тарафидан президиумга ушбу зодлар сайландилар. Улар Асфандиёров, Килиблиев, Юсуфов, Авлоний, Дадабоев, Удалоев, Мансуров, Аъзузф (Авазов), Мурсалзода, Фаномаруф (Панамарёв)лар эдилар.

Сайловдан сўнг табрик нутқлари сўзланди. Мусулмон Ҳарбий шўроси тарафидан Килиблиев, Муваққат ҳукумат тарафидан Шоҳаҳмедов, Муваққат миллат мажлиси тарафидан, социал революционер (эсер) Миллер, Хўқанд уезди халқи тарафидан комиссар Акаев, Хўқанд шаҳар думаси тарафидан Одишжон афанди ва ҳам бошқа съездга келган жамиятлар тарафидан съездни қутлаб табрик нутқлари сўйланди. Сўнгра съезд ишини бошлаб программага қўйилган масалаларни чизи поправка билан тасдиқ қилди.

Съездни программаси шундан иборат: 1. Туркистон Мухториятига қарши ва они сақламоқ 2. Съездга келган вакилларнинг докладлари 3. Ҳозирги замонга назар 4. Ўлкада усули идора 5. Туркистон мажлиси маассисони (таъсис мажлиси) 6. Бошқа миллатлар ишчиларига муносабат 7. Мусулмон ишчи солдатлари учун марказий шўро тузув 8. Деҳқон ва чорикорларни уюштирув 9. Меҳнаткашларга махсус комиссар 10. Миллий аскар тузув 11. Озиқ ишлари масалалари.

Биринчи масала юзасидан атрофлик муҳокама бўлганидан сўнг ушбу қарорга келинди: Мухторият эълон қилинган Хўқанд съездини ёлғиз бойлар ила уламолар съезди эди, деб баъзи бир фирқалар тарафидан бу съездга иснод қилинган айблар ҳақиқатга мувофиқ эмас.

Хўқандда бўлган съезд ҳақиқатда бутун Туркистон мамлакатинда бўлган мусулмонларнинг умумий съезди эди. Унда халқнинг ҳамма синфларидан вакиллар бўлди. Мусулмон рабобий ҳам солдатлар съезди, Хўқанд съезди тарафидан сайланган миллат мажлиси (совети) ила мухториятнинг муваққат ҳукуматига комил ишонч билдиради. Чунки, уларнинг ҳайъати бизнинг соф зиёлий қисмимиздан тузилган(!); улар хизматкор, рабобилар синфининг манфаатин қузатувчилар ҳам бизнинг диний тарбиячиларимиз ва бизга муқаддас Қуръон ўргатувчи ихтилолчи муллолар ва уламоларимиздур.

Шунга кўра биз уларга ишонч билдириб ҳам шул ишончимизни тасдиғи учун ва унинг рус пролетариятининг қошинда нуфузли бўлуви учун муваққат ҳукумати ҳайъатига ўз орамиздан вакиллар сайлаб қўйдик. Рус биродарларимиз бирла икки орада ихтилоф чиқишини истамаганимиз учун биз ўз тарафимиздан биринчи ҳам сўнгги сўзимизни айтамыз: Бизнинг миллий ишларимизга мувоҳаза (аралашши-муаллиф) қилинмасун. Буюк Россия демократиясининг буюк ишорларина биноан бизнинг ўз тилакларимизни ўзимиз вужудга чиқорувда бизга монельлар қўйилмасун. Туркистон ўлкасиндаги ҳарбий гарнизонлар ҳам қизил гвардиялар ё Туркистоннинг янги ҳаётини турғизувда ўзларининг сонларина муносиб равишда иштирок қилурга ёхуд алар Туркистонда яшаган муддатда ҳеч бир ишга аралашмасдан бутунлай бетараф турурга мажбурдилар.

Чор ҳукумати тарафидан Туркистонга мусулмонларни “босдирар” учун юборилган аскарларнинг ҳамонда шул сиёсатни давом қилдирарга ярамагонлиғи ҳаққинда икки турли сўз бўлурга мумкин эмас.

1916 йилда бизни империалистлар тарафидан бошланган қонли урушга қарши турғонимиз учун чор ҳукумати аскар юбориб отдирди, қирди, алла не қадар қон оқизди. Энди сиз рус демократлари бизга шул тўқилган қонларни унутарга ихтиёр берингиз. Токи, биз мусулмон пролетариати, рус демократияси тарафидан олинган ишор (лозунг) ила халқ Комиссарлари тарафидан Шарқнинг улушсиз қолдирилган фуқаросина хитоб қилиниб чиқорилган декретларининг ростлиғига ишонайлик!¹⁸¹, деб ўтинади.

¹⁸¹ Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

Журнал саҳифасидан ўрин берилган хабарлар ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Жумладан, “Иккинчи Қарор” деб номланган хабарда: “Хўқандаги мусулмон рабоби ҳам солдатларнинг 1-фавқулодда съезди. Съезд бўлинган (қўш ҳокимият-муаллиф) халқ комиссарлари советининг члени хизмат комиссарининг баёнотин тинглаганидан сўнг ҳозирги Туркистон ўлкасидаги халқ комиссарлари советининг бутун халқнинг ва кўпроқ мусулмонларнинг тилақларин сўзловчи бўлмаганликларин, Туркистоннинг тилақ ва эрки унинг 2-съезди тарафидан эълон этилган мухторият бирла изҳор қилинганлигин ҳам Туркистон идорасининг бошида фақат Туркистон Мухториятининг ҳукуматигина тура олажасин инобатга олиб, бўйла қарор берди: Умуммусулмонлар тарафидан уюштирилган ва кейинроқ мусулмон рабобий ва солдатлари тарафидан тўлдирилган съезд идора ишининг Халқ комиссарлар совети қўлидан дарҳол Туркистон мухторияти ҳукуматига ва халқ ишўросини топиширурга теюшлигига тилақ баён эта(дир) ҳам ушбу съезд мухториятлик Туркистонда демократиянинг ҳамма синфлари тарафидан чиқорилгон бўлиб Туркистондаги бутун пролетариятнинг фикрин билдирувга қодир бўлганлигидан 18 январда халқ комиссарлари тарафидан чақирилажаск солдат, рабобий, крестян, қирғиз ва мусулмон депутатлари советларининг съездин ортиқ иш деб ҳисоблайди¹⁸²” дейилган.

Журналнинг кейинги хабари **“Ишчилар съездининг телегроми”** деб номланди. У съездининг раиси Юсуфунг томонидан “Хўқанд. 1918 йил 27 декабрь” санаси билан тасдиқланган ва “Хўқандаги мусулмон рабоби ҳам солдатлари съезди тарафидан Украина, Бошқирдистон, Волгабўйи мусулмонлари, Қрим, Финландия, Кавказ, Сибиря, Лотши, Белоруссия ҳам “Алаш ўрдаси” мухторияларина ушбу мазмунда телеграмлар юборилган: мусулмон рабобий, солдат ҳам крестянларнинг 1-фавқулодда съезди мундан аввалги умум Туркистон мусулмонларининг съезди тарафидан эълон этилган қимматли Туркистон Мухториятига қувват беруб, ўз тақдирларин ўзлари ҳал қилувчиларга ҳам шунга имтилувчиларга самимий табрик юборадир.

Пролетарга махсус съезд ишонч билан айтадир-ки, биз ҳаммамиз ўзларимизнинг ташиқи ишларимизда биргалашиб, ўзимизга амалий суратда дохилий истиқлол олув йўлинда қарши турувчи ҳамма миллатларни марҳаматсиз равишда четга тоғормиз.

¹⁸²Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

*Халқнинг мухторият олув омиллари, улуг Россиядаги демократиянинг қўшма халқ жумҳуриятларини ташиқил қилиб, доимий ва нақ равишида тутаошун эди*¹⁸³ дейилади.

Журналнинг бу сонидан босилган ўта муҳим хабарлардан яна бири Кастрома шахридаги асир турк зобитларининг Туркистон Муториятини табриклаб ёзган хатидир. Унда қардош турк зобитлари Туркистон халқини Мухторият ҳукумати агрофида бирлашишга чақиради ва хатни “*Тутилон ишида муваффақият, отилон одимда музаффарият дуосин эдарак, очдигинг мажлиси, эълон этдигинг мухторияти табрик эдиёруз.*

*Истиқболинг порлоқ ўлсун. Истиқлолинг яқин ўлсун!*¹⁸⁴ деб яқунлайдилар.

Карим кули “**Уламо жамиятига саволлар**”ини “*Муҳтарам муҳаррир афанди ушбуни мўътабар журналингизда дарж қилсангиз экан*” деган мурожаат билан бошлаб, “*Камина мард эллик йилдан буён мардикорлик билан кун кўриб уламоларимиз ва бойларимизга камоли сидқ ила хидмат қилиб келган эрдим. Бултур мустабид чор ҳукуматини ноҳақ фармони бирлан фронтга бориб хидмат қилиб қанча азоб машаққатлар тортиб ҳуррият шарофати билан Ватанимиз ўлон Тошкентга келиб, мусулмонларни ўзаро бўлиб турган кўнгилсиз ишларга ақлим ҳайрон бўлиб юрган эрдим. Ноилож сўнги воқеалар муносабатлари бирлан “Ишчилар дунёси” орқали муқтадомиз ўлон уламоларимизга 4 моддалик савол берурман ва ҳам тездан жавобини журналингиз орқали кутаман*” дейди.

“*Биринчи савол 5 январда масжиди жомеъдаги митингда Уламо тарафидан Хўқанддаги мухториятни танқид қилиб, ниҳоясинда бу ҳукуматнинг ҳеч фойдаси йўқ танимаймиз, деган қарор чиқарилди. Муваққат ҳукуматимиз аъзолари миллат ватанга хизмати билан танилган уламо ва ҳам зиёлий синфларимиздан ташиқил қилинган эрди. Баъзи домлаларимизга ўхшаб ислом душмани ўлон “Остроумов” бирлан ошлашган эмас эрди. Нима учун шундай асоссиз қарор чиқардилар?*

Иккинчи савол Хўқандда бўлиб ўтмиш мусулмон ишчи ва солдатларининг фавқулудда қурултойида Шерали афанди Латинни берган маълумотига қараганда бизни шарият ҳақиқатпараст ва

¹⁸³Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

¹⁸⁴Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

камбагалпарвар. Шариатда аҳнкор ва рибохўрлик ҳаром дейдирлар. Ҳаммага маълумдирки, мазкур ҳаром ишлар тамоман бойларимиздан зухрга келади. Шундоғ бўлганда нима сабабдан уламоларимиз мусулмон ишчи ва камбагалларни ҳуқуқини ҳимоя қилмасдан аҳли сарватлар билан иш қилиб кетдилар.

Учинчи савол. Нима учун Турк давлати ва ҳам Миср, Тунис, Ҳиндустон ва шунга ўхшаш ислом ҳукуматлари диний ишларни сиёсий ишлардан ажратиб, қонуний асос чиқариб диний ишларни уламоларга дунёвий ишларни зиёлиларга топширган ҳолда алҳолгача мамлакатларини идора қилиб турубдирлар. Мазкур ислом мамлакатларини диний ишдан сиёсий ишни ажратганлари шариатда борми? Агарда шариатга тўғри бўлса бизлар ҳам шул йўлдан юрсак бўлмасму?

4-савол ҳозирги фавқулодда очлик ва қимматчилик замонинда деҳқонлардан ушр олмоқ, бойлардан закот олмоқ фарз бўлгани ҳолда нечун уламоларимиз деҳқон ва бойларимиздан олиб фақирларни мамнун қилмадилар?¹⁸⁵” каби саволларни илгари суради ва идора Каримқули афандини фикрларига қўшилиб уламолардан жавоб кутиб қолади.

Журналда нашр этилган **“Тошкентдаги мусулмон ташкилотлари қарори”** деб номланган хабарда 1918 йил 30 декабрда Тошкентдаги “Фуқаҳо жамияти”нинг Мулло Сайфуддинхон Аълам раислигида ўтказган мажлиси ва унинг қарорини келтиради. Унда: “1. Чор ҳукуматининг замонинда Туркистон крайина (ўлка) жорий бўлган положеня(низом)сини бус-бутун бекор ва луғу (асоссиз) этиб, махас шариат ҳукмларини мукамал суратда ижро этилар.

2. Аҳли ислом ила овруполилар орасиндаги 7 моддадан иборат бўлган, чунончи, қўл кесув, қасос олув, дарра урув, тошбўрон қилув ва бунга ўхшаш жисмоний жазоларнинг бадални ижро қилувга аҳли мажлис маъ ал мамнуният розилигин изҳор этар.

3. Ҳозирда қозилар уштиндан муваққат ўларак назорат қилиб турув учун 5 товушга қариши аксарият ҳоҳиши билан Хўқандаги муваққат ҳукуматга мурожаат қилурга қарор берилди(!).

4. Хўқандаги муваққат ҳукумат марка чиқорганига қадар, мажлис маркани йўқ бўлувини лозим ва мақбул деб топди.

¹⁸⁵Каримқули. Уламо жамиятига саволлар // Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

5. Николай замонида қозиларга берилган изннинг бутунлай йўқ бўлувини, печатни ҳозирда керак бўлув эҳтимоли борлигидан муваққат ўларак печат тани турувини лозим топилди. Ушбу қарорни Хўқанддаги муваққат ҳукуматидан тасдиқ ва қабул эдилийор”¹⁸⁶ дейилган. Бу эса уламоларнинг энг илғор қисмининг ўлкада фақат Туркистон Мухторияти ҳукуматини тан олишини англатар эди.

Журналнинг навбатдаги 3-сони 1918 йил 1 февраль санаси билан чоп этилди. Бу сонда ҳам тарих фани учун ўта муҳим бўлган хабар ва материалларга кенг ўрин берилди. Жумладан, “**Мусулмон меҳнаткашларининг биринчи крайовой съезди**” ҳақидаги ахборотда қуйидагиларни ўқиймиз “... шул унвонда Хўқандда чиқадиран “Эл байроғи” газетасида муҳтарам Бўлод афанди Хўқандда бўлган мусулмон ишчи ва солдатларининг биринчи қурултойин ёзиб биз ишчиларга налар лозим ва нималар қилмоқ кераклиги хусусинда тубандаги мақолани ёзадир. Биз унинг аҳамиятига кўра журналимизга айнан кўчирамиз: “Хўқанд шаҳри Шўрои Ислом биносида 25 декабрдан 30 декабрга қадар мусулмон меҳнаткашларининг I крайовой съезди бўлиб ўтди. Съезд муҳим қарор, аҳамиятлик талаблар вужудга келтирди.

Мундан бурун Фарғонада икки марта областной съездлар бўлиб, ўзларининг талабларин тилақларин, аҳволи замонга назарларин мунозара этганлар эди. Ўзларига бир хат ҳаракат чизиб, бир мунча нишона ўтқизиб ҳаракатга киришганлар эди. Лекин, халқимизнинг ҳузурида бунинг янгилик бир нарса бўлгани, хусусан халқимизнинг мундай нарсдан беҳабарлиги сабабли ул ҳаракатлар баъзи монёларга ҳам учради. Лозим даражада ривож топиб кета олмади. Аммо, ҳозирда бўлса, унга йўл очилди. Мамлакат ўз ишин ўз қўлига олмоқ тўғрисида зўр бир қадам ташлади. Ҳукумат сайланди, ишга киришилди. Агарда ҳукумат аъзолари орасига ушбу синфнинг манфаатини ҳимоя қилувчи, бунинг мустақил суратда бир ишга кирмоғини хоҳлагувчи фаол бир эркин муҳит зарур....

Маълумки, бу синф ўз ораимизда бўлган бир хил қилу қоллардан (гап сўзлар - муаллиф) қутулуб, мустақил суратда майдонга чиқа олур эди. Бизнинг мамлакатимизда бу синф янгидан дунёга чиққан эмас. Балки, Туркистон халқи қанча эски-бурунги бўлса, бу ҳам шунча эски, шунча бурунғидир. Лекин, бир партия суратида дунёга чиқиши,

¹⁸⁶Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

муқаддас бир мақсад учун курашадирган, дунё паҳлавонларининг синфига тизилиб ҳаракат этиши, бу йил инқилобдан кейин вужудга кела бошлади. Ғарб дунёсинда ва ҳам Россияда ҳозирги кунда бу синф ниҳоятта улуғ жойни ишғол қилиб истибдод биносин йиқитмоқ учун бўлган кураида биринчи сафда турадир. Аммо, бизда янги бўлиб рус инқилоби мунинг тарихий мағиз ва манбаидир.

Бу замонгача Туркистон сиёсий ҳаётида сиёсий талаида дунё мухорибасига бир нарса қўша олмаса мамлакатимизда тугулиб келадирган ушбу янги синф бирлан олий мақсад учун курашувчилардан ёнларига янги бир қувват, янги бир куч берадир. Агарда бу синфда расмий бир шаклда кириб ўзининг ҳаётин турмушининг ҳар бир томиринда тажассум этдира олса, Туркистон учун зўр муваффақият, Шарқ дунёси учун улуғ бир ҳадея бўладир. Бу синфнинг дунёга чиқиши нисбатида ҳаётига доир адабиёт, буларнинг маънавий эҳтиёжин тўлдирадирган китоб ва матбуотининг лозимига шубҳа йўқ. Бизда бу тўғрисида ҳақиқий бир мулоҳаза, жиддий бир фикр юритилмагандир. Аммо, ғарб дунёсинда буларнинг маишатида доир асар ва матбуот, зўр бир илм, улуғ бир “фан” ташиқил олгондир.

Россия инқилоби бизда миллий аскарга қанча муҳтожлигимизни кўрсатса, меҳнаткаш синфига ниҳоятда эҳтиёжимиз борлигини билдирадир. Ҳозирги кунда Туркистоннинг булғониб ётган сиёсий ҳаётида, рус рабочиси, рус красний гвардияси катта бир жойни ушлагани ҳолда, биздаги йўқлиқ, миллий талабни айтмакка, айтган миқдорини амалга қўймакка улуғ монеълардан бўлиб турадир. Масалан, Украина, Финландия меҳнаткашлари ўз халқининг истиқлоли учун курашиб, монеъларни йиқитиб синдирадирлар. Ҳар миллат маҳкумиятдан чиқиб алоҳида яшаб тараққий топганида, муқаддас мақсадга етмоғи мумкин эканлигини биладир, тушунадирлар. Чунки, маҳкум миллатнинг адабиёти ҳам миллияти ҳам қисилгани сабаблиқ ул миллат эркин юраолмайдир. Бошиқалар қаторида бора олмайдир. Нодон миллатнинг нодон меҳнаткаши, дини, миллати иккинчилар тарафиндан қисилган, жабр-зулм кўргани учун ихтиёрсиз ўз миллатини қутқармоққа капиталистлар билан бир синфда туриб миллати учун курашмоққа мажбур бўладир. Меҳнаткашни капиталистлардан айириб социализм йўлига тортишидирмоқ маданий миллатларнинг меҳнаткашлари қаторида

бордирмоқ учун мутлоқ ул миллатга истиқлол бериб, ўз ишин ўз қўлига топишмоқ ўз ихтиёри ила тараққий топдирмоқ керакдир.

Адабиёти сиқилган миллатнинг рабобиси нодон бўлгани сабаблик мазкур мақсаднинг вужудга чиқиши кечикадир. Ўзининг улуг курашчиларидан бўлган улуг бир синфни йўқотқон бўладир... Бизнинг меҳнаткашларимиз ҳам Искобулофда бўлган областной съезди ва шаҳримизда бўлган ушбу крайовой съездда биринчи қувватли овозларин эшиттирдилар... Мунинг бирлан бизнинг меҳнаткашлар синфининг ҳаётинда муҳим бир давр, умидли бир саҳифа очилди. Равшан йўл, ёруқ истиқбол хоҳлаб қоламиз¹⁸⁷ дейди.

“Уламо жамиятининг таклифи” сарлавҳали хабарда 18 январь куни Тошкентда очилган солдат, рабочи крестянлар съездига “Уламо жамияти” тарафидан киритилган таклифлар айнан келтирилади: “1-ҳозирдаги большевиклар ҳукумати жойида тўхтасин ва аммо ҳукуматини ва маслагини Туркистонда тургувчи урусларга ва ажнабийларга юргузсин ва ҳам Россия жумҳуриятининг Туркистондаги муштарақ ишларига назорат қилиб тўхтасун.

2-Туркистонга эълон қилинган мухторият то Туркистон учредителний собрания (таъсис мажлиси)га қадар мусулмонларга махсус бўлсин ва мусулмонлар ўз олдиларига алоҳида ҳукумат ташкил қилсинлар. Жами дохилий ишларни шариатга мувофиқ ижро қилиб турмоқлари учун.

3- Мусулмонлар билан ажнабийларнинг ўртасидаги ишлар ва даъволар икки ҳукуматнинг иттифоқлари ила алоҳида комиссияларда ва судларда кўрилсин.

4 – Мусулмонларнинг мухторий ташкилотлари шариатга мувофиқ бўлиб, меҳнаткаш тоифаларни ҳуқуқларини қатъий даражада ҳимоя қиладирган бўлсин, яъни капитализмга ҳеч бир йўл берилмасун, рибо ва судхўрлик йўқ бўлсин. Чекдан ташқари ноҳақ фойда қилмаслари учун катта савдогарларнинг ва заводчиларнинг ишларининг устидан тафтиш бўлиниб даромадлари ҳисобга олиниб тўхтасун. Бойлардан жорий закот ва ушр олиниб, ишчи ва камбағалларнинг фойдасига сарф этилсин. Меҳнаткашларни ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқ жиҳатида шариатга мувофиқ алоҳида қонун тузилсин ва ҳам подшолик ерлари ерсиз фақирларга тақсим топиб васиқалик билан эгаларининг тасарруфида тўхтасун.

¹⁸⁷Ишчилар дунёси.. №3. 1918 йил 1 февраль

Ушбу тартиблар то Туркистон учридительний собрания (Туркистон идора усули) тасдиқ қилинганича жорий бўлиб турсун ва аммо учридительний собранияни қақирмоқ тартибини большевиклар ҳукумати Муслмон мухторияти билан иттифоқлашиб қақирсун¹⁸⁸”, дейилган. Таклифлардан кўриниб турибдики, Тошкент уламолари Мухторият ҳукумати мутлақо рад этган эмас. Аксинча, таъсис мажлисигача Туркистоннинг туб аҳолиси учун масъул ҳукумат сифатида тан олмакда. Демак, асл зиддият жадидалар ва уламоларнинг халқ олдидаги етакчилик учун интилишлари натижаси эди. Мавжуд кўнгилсизликлар эса уламоларнинг ҳам ёшларнинг ҳам орасида бўлган айрим “хуфя”ларнинг “буюрма” асосидаги қилмишларининг самараси бўлган деб тахмин қилишимизга ҳам имкон беради.

Журналнинг мазкур сонида чоп этилган **“Миллий аскарлар”** мавзусидаги мақола эса Мухториятнинг ҳарбий аҳволини ёритишга қаратилган. Унда: *“Ҳозирда Хўқанд шаҳрида расмий суратда қўлига яроғ тутган миллий аскар ва милициямиз бир минг чамаси бўлган эди. 9 январь куни мулло Абдураззоқбойнинг боғида шуларнинг “кўрув”и (маневр) ясалди. Бу “кўрув”га Мухториятлик Туркистоннинг муваққат ҳукумати аъзоларидан Ислоҳ афанди Шоахмедов билан Убайдулла афанди Хўжаев ташириф буюрган эдилар. Бу йигитларимиз тамом йигилиб етганидан сўнг Убайдулла Хўжаев уларга хитобан: “Сизлар Мухториятлик Туркистоннинг биринчи қаҳрамон ўғуллари бўлдингиз. Сиз бу хизматларинг фахр қилсаларингиз арзийдур. Чунки, суюклу Ватанингиз ҳимоясига биринчи марта ўлароқ сизлар ўз ихтиёрингиз билан аскар бўлдингиз! Туркистон мамлакатининг келажакда бахт ва саодатга эришмоғи сизлардан бошланса керак. Сизларни Мухториятли Туркистоннинг муваққат ҳукумати аъзолари тарафидан табрик қиламан ва алар тарафидан сизларга салом эришираман ва ҳам сизларнинг тарафингиздан ҳукумат аъзоларига ҳозир бориб салом айтаман” деди. Бу сўзларни эшитганидан сўнг миллий аскаримиз ниҳоятда мамнун бўлдилар. Бундан сўнг Убайдулла афанди миллий аскарларга бир оғиздан “Омин” деб дуо қилувни сўради. Жумла йигитлар ўзларининг Ватан миллат йўлида ҳар бири фидокорликка ҳозир эканлигини сўйлаб баланд овоз ила гулдурашиб “Омин” садоларини кўкка чиқардилар.*

¹⁸⁸Ишчилар дунёси.. №3. 1918 йил 1 февраль

Бундан сўнг ҳукумат риждоллари (кишилари - муаллиф) қайтиб кетдилар. Аскар бошлиқлари йигитларни тартибга солмоқ ила машғул бўлдилар. Бу қадар турк болаларининг жон ва диллари билан Ватан ва миллат йўлида ҳар бир фидокорликка кўксиларини кериб, ҳозир турувларини кўрганда тарихдаги Чингиз ва Темур боболаримизнинг қахрамон аскарлари хотирга келиб, кишининг кўзидан беихтиёр севинч ёшлари оқар эди. Кейинги хабарларга қараганда яна бир минг аскар йигилиб, ҳозир муваққат мухторият ҳукуматининг икки минглик мукамал мусаллоҳ (қуролланган - муаллиф) аскарлари бўладир”¹⁸⁹ дейилган.

“Ишчилар дунёси” журналининг 4-сони 1918 йил 1 март сана-си билан чоп этилди. Бу пайтга келиб Туркистон Мухторияти қонга ботирилган, большевиклар ва арман дошноқлари томонидан Қўқон шаҳри вайрона айлантирилиб, халқнинг фиғони еру кўкни тутиб кетган эди. Журналдаги илк мақола “Тошкентдаги ишчиларга ҳеч ким ёрдам қилдимиз?» деб номланади. Таҳририят бу саволга жавоб қилиб, “Ҳеч ким ёрдам бермади. Бойлар урушдан фойдаланиб матоларнинг устига нарх қўйиб, ўз бойликларини оширдилар. Уламолар ёшлар билан Шўрои Исломни туздилар. Улардан уламо яна ажралиб чиқди. Сайловларда “3” (уламолар) “жсинни”, “10” (жадидлар) “дўзаху” деб бир бири билан роса ёқалашиб кетдилар. Тушган ионаларини ҳам халққа эмас кўпроқ ўзларининг урушларига сарфладилар. Бизда аввалига очганимиз духтурхона, сўнг газета чиқардик. Сабот ва матонатимиз бор, аммо пул йўқ бўлган бир оғир шароитда иш олиб бордик. Уламо бўлса мадраса ислоҳотини илгари сурди, Шўрои Ислом Туркиядаги “Иттиҳод ва тараққий” га ўхшамоқчи бўлдилар. Натижада халқни бўлиб ҳамма режаларнинг расвосини чиқариб юбордилар. Бу кетишида бир йилда Туркистон арманининг юртидан ва вайрона бўлиб кетадир”¹⁹⁰ деб фикрини яқунлайди.

“Ишчилар дунёси”нинг 5-сони 1918 йил 15 март куни дунё юзини кўрди. Журналнинг энг тушкун бир кайфиятни кўзғовчи мазкур сони бошдан оёқ Туркистон Мухториятининг машғум қисматини баён этишга бағишланган. Айниқса, “Ким айбли?” сарлавҳани ўқиган одамнинг кўз олдида мислсиз даҳшатли фожиалар намоён бўлади. Унда “Мўминнинг биродари мўмин бўлгани ҳолда мусулмон биро-

¹⁸⁹Ишчилар дунёси.. №3. 1918 йил 1 февраль

¹⁹⁰Ишчилар дунёси. №4. 1918 йил 1 март.

дарларимизнинг бошига мусийбат тушса бунинг қайғусини албатта, баробар ўртоқлашувига тўғри келади. Бу албатта инкор этилмаслик бир ҳақиқат эканлиги кун каби ошкорадир.

Иш шундай бўлса, биз саломатликни эрлари Хўқанд фожиясига қайси кўз ила қарамоқ тўғри келади. Иймон келтирганимиз тақдирни ёзмиши қарамасдан биз исломиятни бу хабарлар чин эканлигидан, разолатдан, сафолатдан, атолатдан, жаҳолатдан қутқарув умидинда умум Туркистон вакиллари съездинда (Хўқанд, 1917 йил 27 ноябрда) нафси шахсиялари қурбони ўлмасдан ҳақ ерли МУХТОРИЯТ эълон қилган эрларгами? Таъна ва билчироқлар иргитиб фақат сизлар Автономия эълон қилдингиз, бу фалокатни ўзингиз бошладингиз, фалон қилдингиз, жазоларингизни тортинг, деб мухториятни, саодатни, тўғриси дин йўлинда жон берган шаҳидларни руҳларига дуо-ю фотиҳа, ўқув ўрнига; ул шоҳидларнинг муборак жасадаларига таҳқир қилуб ўтармизми?...

Даҳо Арманистон интиқомини туркистонлилардан оламиз, деб салла ўраб мусулмонлар тарафида бўлиб, салла чопонни ташлаб, қўлларига қурол олиб истиқболимизни чечакларини (ёш болаларни) қирмоқ учун жасорат этган. У тўп пулимётларни қулогини бураган, муқаддас масжид ва мадрасаларимизга отдирган, бутун шаҳарни хароб қилганида, томлар, уйлар остинда во ҳасрато деб фигонларини фалакдан ошириб, оғизларинда миллат деб, калимаи шаҳодатни талқин қилиб жон берган ҳарбадалар ким? Мадрасалар ичинда китобларини қучоқлаб “Ё, роббий” деб руҳдан айрилган мударрис ва талабалар кимлар?

Миллатдошингиз мусулмон, ислом боласи ислом ва туғон қардошингиз, турк ўғли турк, туркистонлилардир!!!

Оҳ, минг-минг таассуфлар ўлсинким, биздан бу шаҳидларга дуою такбир ўрнига таҳқир қилув лозимдирми? Жазолари шул деб изҳор хурсандлик қиламизми? Бил фарз жазолари шул бўлганида ким айблик бўлур? Тақдирми айблик? Ё бўлмаса Мухторият олингиз, умуммусулмонлар бирлашингиз деб Исрофил суруни тортган олий марҳаматлик товориш Троцкий ила Ленин афандилар айбликми? Ёки Мухторият деб оғизларида, бўғизларида ўлка съезларида, Масков совешаниясинда, ҳар ерда митингларда мухторият деб ҳайқириб, демократический республика (халқ жумҳурияти) бўлсун автономияга

лаёқатимиз йўқ, федерация бўлганда қора кучлар куч-қувватлик чиқиб хон замони бўлиб чиқмасин, деган сўзларга қарши бир қанча сўзлар ила “ана” ёшлар кофир, эътиқодлари суст, деб такфир ва тақфир қилиб аташганлар... кўнда ўтмади бутун Тошкент аҳлини якпора иттифоқлари тўлқуни ила бўлган мухторият намоиши кунни умумни иттифоқини кўриб кайфлари учуб муваққат ҳукуматга байъат ва қасамёд қилиб туриб 4 кунгина ўтмасдан муваққат ҳукуматни қувватсиз деб асоссиз важҳлар ила умумни алдаб байъат ва қасамларини тортиб олган (кимларга истеъфода йўлини яратган) мусулмонларни ўзлари орасинда рози эмаслар, буржуазия автономияси деб, Петербурга телеграм берилурга сабабчи бўлган эҳтиромли “Уламо жамияти” айблими?

Йўқ, минг маротаба йўқ! “Вал қадар хойра ва шорра мин Аллоҳ таоло” (тақдирдаги яхшилик ҳам ёмонлик ҳам Аллоҳдандир) мазмунинча ҳеч ким айбли эмас!!!

Бу бобда яна такроран айта оламизким, тақдирга ҳавола қилганда у муқаддас маслак йўлида қурбон бўлган шаҳидлар руҳларига жонларимиз ачиб дуо-ю фотиҳа қилмасак... Исломиятга, миллатга зўр жинойят қилгон бўлсамиз керак.

Яна қўрқамиз-ким, бизларни бу таъналаримизга Худованди акбарни қаҳри келиб, бир жазои фалокатлар била бошимизга Хўқанд фожияларинданда ёмонроқ фалокат ва балоларни ёғдирмасун эди...

Омон! Ё роббий, нақадар замони азоб вақтларина қолдик. Бир тарафдан очлик, бир тарафдан муҳтарам уламои киром исми билан шуҳратланган, уламо исмларини қоралаган шахсиятпарастларни умумий бир зарарлари ва бошимизга тушган фалокатларга чиндан ўзлари сабабчи бўлган бир замонларида, бечора масъум, қонлик муқаддас ўлим топган шаҳидларимизга таъна туҳмат ва билчироқ отувлари “шаҳид эмаслар” деб. Қачон битар экан бу миллий хоинлар. Қачон қутулар экан бу хоинлар чангалидан миллати ислом ва бутун Туркистон мусулмонлари¹⁹¹ дейилади.

Журналнинг сўнгги 6-сони 1918 йил 1 апрель санаси билан босмадан чиқди. Бу сонда ҳам тегишли даврни ўрганишда ўта муҳим ўта долзарб мавзуларга бағишланган катор хабар ва мақолалар ўрин олди.

¹⁹¹Ишчилар дунёси. №5. 1918 йил 15 март.

Хуллас, “Ишчилар дунёси” журнали Туркистон Мухторияти тарихини ёритишда шубҳасиз, ўта муҳим тарихий манба ҳисобланади. Боиси Қўқон билан мунтазам алоқада бўлган журнал тахририяти “ишчи”лар номи остида фаолият юритиб Тошкентда, умуман ўлкада бўлаётган барча воқеъликлардан хабардор эди. Айниқса, журнал саҳифаларидаги “Мулло Ғозий” (Ғози Юнус), “Ишчи” (Ғози Юнус) ва Ғулом Зафарийлар қаламларига мансуб мақолалар, шеърлар, ўлкадаги очарчилик воқеалари ва кундалик хабарлар ҳам ўқувчи учун тегишли даврнинг ўткир ижтимоий муаммолари ҳақида кенг ҳамда ишончли ахборот беради.

Ринат ШИГАБДИНОВ

стариший научный сотрудник

Института истории АН Республики Узбекистан

ТУРКЕСТАН И АХМЕДЗАКИ ВАЛИДИ В 1917 ГОДУ – ВРЕМЯ НАДЕЖД

Февральская революция 1917 года была началом нового этапа в истории России, Туркестана. Но это еще было и временем когда, по словам будущего лидера «Туркестанской Автономии» Мустафы Чокаева: «... в начале революции среди мусульманских (тюркских) национальных групп не было открыто сепаратистских течений. ... Ненависть к старому режиму смягчалась у нас слепым доверием к русской революционной демократии... Были, разумеется, отдельные лица, но партий и национальных групп требовавших самостоятельности не было»¹⁹².

В общественно-политической жизни Туркестане тех лет оставил яркий след Ахмедзаки Валиди (1890-1970) - одна из виднейших фигур в национально-освободительном движении мусульманских народов Российской империи.

Туркестан за короткое время проделал заметную политическую эволюцию. В результате к апрелю 1917 года политическая картина

¹⁹²Из истории российской эмиграции: Письма А.-З. Валидова и М. Чокаева (1924-1932 гг.). М.: 1999. С. 101.

Туркестана была весьма пестрой, и здесь, вопреки наметившейся тенденции установления двоевластия, подобно российскому, налицо было троевластие, представленное: - туркестанскими советами как органы европейских рабочих и солдат; - исполнительными комитетами общественных организаций - «Шурои Исламия»¹⁹³.

Первое заседание «Шурои Исламия» состоялось 14 марта 1917 года. В состав правления этой организации вошло 15 человек: Абдувахид кары, Мунавар кары, Каттаходжа Бабаходжаев, Убайдулла Ходжаев и другие. Но наиболее активной силой «Шурои Исламия» были известные лидеры джадидского движения – Убайдулла Ходжаев, Муннавар кары, Абдулла Авлони. Влияние этих деятелей сказалось на работе и программных документах организации¹⁹⁴.

Первый краевой съезд (7-15 апреля 1917г.), на котором присутствовали 263 делегата – представители европейских национальностей. Призыв-предупреждение, выступившего на этом съезде эсера Вадима Чайкина, указавшего «делегатам, что при назначении высшей краевой власти» обязательно должно быть учтено стремление мусульман к созданию единой, выражающей интересы коренного и пришлого населения, власти, и что съезд просто не правомочен решать этот вопрос, поскольку по своему составу не представлял всего населения края и прежде всего его коренных народов¹⁹⁵, был услышан лишь в том смысле, что съезд просто не высказал своего отношения к вопросам автономии Туркестанского края, ликвидации неравенства, оставив их решение Учредительному собранию.

В отношении к национальному вопросу партия кадетов исходила из представления о незыблемости единства страны. В своей речи на VIII съезде партии (май 1917 г.) П.Н. Милюков указывал, что партия, лидером которой он являлся, «пытается найти решение, которое, давши возможность отдельным местностям России создать у себя местную автономию на началах местного законодательства, в то же время не разрушило бы государственного единства России.

¹⁹³ Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Ташкент: «Шарк», 2000. С. 24-25.

¹⁹⁴ Туркестан в начале XX века – С. 21-22.

¹⁹⁵ Туркестанские ведомости, 1917 г., 12 апреля.

Разложение государства на суверенно независимые единицы представляется ей совершенно невозможным»¹⁹⁶.

Естественно, что и местные туркестанские кадеты придерживались той же линии в национальном вопросе и всеми силами старались удержать Туркестан в составе России, выступали против федерализма страны, спасаясь, что это станет началом ее распада. Туркестанские джадиды, окрыленные февральской демократической революцией, надеялись, что после нового устройства России, Туркестан получит автономию¹⁹⁷.

Идея автономии, как первого шага к полной независимости, обретала среди населения особенно среди интеллигенции, все большую популярность и веру в её достижение. Этому в значительной степени способствовала деятельность организации «Шурои Исламия», которая вела работу не только в Ташкенте, но и по всему Туркестану, посылая по областям своих организаторов¹⁹⁸.

Популяризации идеи способствовала и публицистическая деятельность лидеров национального движения М. Бехбуди, Мунаввара кары, А. Байтурсунова и других.

Валиди к тому времени стоял на позиции федерализма, которую отстаивал в своих статьях и указывал пути достижения независимости. В одной из них - “Уюшмаган миллат инкирозга махкум”, заложив в само название свою позицию, он анализирует процесс зарождение организаций и партий в Туркестане, проблемы национального движения мусульман и рассматривает возможные пути достижения автономий от России. Сложности же в достижении автономии Валиди усматривал в том, что у многих организаций отсутствовала четкая программа, устав, а сами организации и их члены были разобщены. Он предупреждал: “Если не будет организаций с четкой программой, уставом, руководством, а народ будет разобщен, не только автономии не будет, но и сама нация исчезнет”¹⁹⁹.

¹⁹⁶Революции и национальный вопрос. Документы и материалы по истории национального вопроса в России и СССР в XX веке. Под редакцией С.М. Диманштейна. М.: 1930. Том 3. С.79.

¹⁹⁷Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. – Ташкент: «Узбекистон», 2000. С. 10.

¹⁹⁸Абдуссатаров С. Шура Исламия //Красная летопись Туркестана. Ташкент: 1923, № 1-2. С 54.

¹⁹⁹Валидов А. Уюшмаган миллат инкирозга махкум //Кенгаш, 1917, №3.

На проходившем с 9 по 16 апреля в Ташкенте съезде Исполнительных Комитетов Туркестанского края, из 171 делегата, представлявших 74 общественные организации, 99 человек представляли европейское население, а 72 - коренное²⁰⁰. Такое этно-представительство, а также поддержка федеративного устройства демократической России со стороны некоторых делегатов-европейцев определили решение съезда по главному вопросу – будущей форме устройства страны.

Для того, чтобы преодолеть мнение части делегатов – европейцев, которое высказывал делегат из Коканда Л.С. Некора: «Революцию сделали русские революционеры, русские рабочие, русские солдаты. И поэтому управление в Туркестане и власть принадлежат нам – русским. А местное население должно довольствоваться тем, что мы им дадим²⁰¹», потребовалась жаркая полемическая борьба. Валиди пришлось «усиленно бороться» с Н.Г. Маллицким, бывшим городским головой Ташкента и одним из лидеров кадетской партии.

Немаловажным обстоятельством послужило и то, что в национальных районах России, в том числе в Туркестане, эсеры, в отличие от кадетов, пользовались большой популярностью²⁰².

Бехбуди очень много выступавший на съезде, признавая, что солдаты и рабочие завоевали свободу и «простые мусульмане это отлично сознают», в то же время подчеркивал, что «мусульмане Туркестана, Кавказа и других местностей России по численности занимают второе место в государстве и их голос должен иметь значение»²⁰³

Идея федерации была принята после бурных дискуссий. Весьма жаркие дебаты имели место и при обсуждении вопроса о реформе городского самоуправления. Доклад Н.Г. Маллицкого, в котором

²⁰⁰Протоколы съезда делегатов Исполнительных Комитетов Туркестанского края. – Ташкент, 1917. С.3-4.

²⁰¹Чокай М. Истиклол жаллодлари: (1917 йил хотиралари). – Тошкент: Гофур Гулом Номидаги нашриёт. 1992. 23с.

²⁰²Абдуллаев Р.М. Национальный вопрос в программных положениях политических партий и организаций Туркестана (февраль-октябрь 1917г.) //Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. – Ташкент: «Фан», 1991. С. 96.

²⁰³Садиков Х. Убайдулла Ходжаев. Штрихи к политическому портрету // Человек и политика (Ташкент), 1991, №11. С.80.

был представлен проект о разделении городского самоуправления на два отдельных самостоятельных органа – для европейского населения края был встречен критически многими участниками съезда, поскольку в нем усматривали опасность противопоставления народов и усиления национальной розни.

Валиди, принимавший участие в прениях по докладу своего коллеги и в то же время политического оппонента, указывал, что обособление коренного населения от русского весьма вредно. «В этом обособлении, - говорил он, видно желание вести какую-то особую политику. Но в свободной России такой колониальной политики управления – как в английской Индии или французском Алжире не должно быть места. Обособление русских от туземцев при разделении на 2 городские Думы уменьшат влияние культурной части туземцев и среди туземного населения возьмут верх реакционеры, которые уже не допустят, чтобы во главе их были лица, как нынешний председатель мусульманского съезда или такой, по их мнению, мальчишка, как Убайдулла Ходжаев». И далее Валиди говорил против продолжавшейся колониальной политики²⁰⁴.

В последующие месяцы 1917 года политическая обстановка в Туркестане, менялась достаточно быстро, как впрочем, и на территории всей России. А пока, в апреле, Валиди и его соратникам удалось обеспечить победу сторонников федерализма на I Всeturкистанском съезде мусульман (16-21 апреля). В президиум съезда вошли известные в то время политические деятели – среди которых были Мунаввар кары, Убайдулла Ходжаев, Шерали Лапин, Мустафа Чокаев и другие общественно-политические деятели, в том числе и Ахмедзаки Валиди.

Программа съезда была достаточно разнообразной, однако среди многих вопросов выделялись: 1) отношение к новому правительству; 2) будущий политический строй России; 3) подготовленные к Учредительному собранию²⁰⁵.

Национальные силы в 1917 года боролись за создание парламентской республики, действующей на двухпалатной основе, руководствующейся законами Российской демократической Республики и законами мусульманского кодекса для местного

²⁰⁴Протокол съезда делегатов ... С. 29.

²⁰⁵Революция и национальный вопрос. Том. 3. С. 345.

населения. Такая программа государственного устройства позволяла достичь перемен без глубоких потрясений, революций и гражданских войн.

В своих резолюциях съезд призвал к разработке Российской Конституции, которая основывалась бы на демократических и федеративных принципах, равных прав для мусульман. Съезд поддержал идею утверждения в России Федеративной демократической республики с предоставлением широкой автономии всем областям, в том числе Туркестану.

Съезд продемонстрировал зрелость туркестанцев, обсудил и вопрос об определении своего отношения к событиям в Бухаре и решил выразить резкий протест действий реакционеров и свою готовность «защитить всеми силами выступления младобухарцев»²⁰⁶.

На съезде был сформирован Центральный совет мусульман Туркестана (Марказий “Шуро-Исломия”), призванный защищать интересы местного населения. Членами Шуро были избраны Муннавар кары, Махмуд Ходжа Бехбуди, Убайдулла Ходжаев, Обиджан Махмуд и другие. В эти же дни Валиди выезжал в Коканд, Самарканд для организации местных отделов, «Шуро-Исломия». Он принял участие и в организационной работе ташкентского «Шуро-Исломия»²⁰⁷. Убеденный, что пока движение за автономию не увенчалось успехом в Туркестане, оно не могло победить ни в Казахстане, ни в Башкирии. Он много работает в направлении объединения местных национальных прогрессивных сил для достижения единства. Основной задачей Валиди в это время являлось следующее: прийти к Российскому Учредительному собранию сплоченной группой от Туркестана и остальных восточно-тюркских народов. Именно с Учредительным собранием участники национального движения, в том числе и Валиди, связывали свои надежды.

Однако летом 1917 года огромный край вступил в период резкого усиления противостояния политических сил. Туркестан захлестывали многочисленные конфликты на национальной почве, как колониального характера, так и охватывающие целые регионы края. А после сентябрьских событий, т.е. первой попытки

²⁰⁶ Революция и национальный вопрос... том 3. С346.

²⁰⁷ Шигабдинов Р.Н. Ахмад Заки Валиди и идея автономии Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги кураш саҳифаларидан. Т.: «Фан», 1996. С. 35.

захвата большевиками власти в Туркестане и неудачи карательной экспедиции во главе с генералом П.А. Коровиченко 1 ноября 1917 года в Ташкенте власть была захвачена Советами.

В Туркестане, на который возлагал надежды Валиди, опыт существования национальной государственности в условиях большевистского господства был недолог и трагичен. После того как прошедший с 15 по 22 ноября III краевой съезд советов солдатских, рабочих и крестьянских депутатов, на котором почти не было представителей коренного населения, провозгласил советскую власть и образовал правительство - Совнарком Туркестанского края из представителей только европейского населения из числа большевиков и левых эсеров, в конце ноября в Коканде на IV краевом мусульманском съезде, под руководством туркестанских джаидов, было провозглашено образование Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти)²⁰⁸.

Эта государственность строилась на принципах пропорционального представительства всех национальных групп. При этом руководители Временного правительства Туркестанской Автономии не ставили вопрос о разрыве с Россией. Однако туркестанские большевиками не собирались делить власть, тем более отдавать ее в руки «несознательным националам» и поэтому в ответ на предложение о поиске компромиссных форм взаимоотношений, последовали преследования демократических сил, закрытие «буржуазных газет»²⁰⁹. И в феврале 1918 года с помощью военной силы, включая артиллерийский обстрел Коканда, Туркестанская Автономия была уничтожена²¹⁰.

²⁰⁸ Туркестан в начале XX века... С. 70-77

²⁰⁹ Агзамходжаев С.С. Туркистон мухторияти: Борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.) Автореф. Док.ист.наук. – Ташкент. 1996. С. 45-47

²¹⁰ Хасанов М.К. Альтернатива. Из истории кокандской автономии // Звезда Востока. 1990 №7. С. 105-120

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИДА ФАРҒОНА ЖАДИДЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

1917 йилда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири, бу Туркистонда янги бошқарув усулидаги давлатчиликни ташкил этиш эди. Тез орада турли шаҳарларда “Шўрои Исломия”нинг шўъбалари ташкил топди. 1917 йил 25 майда Қўқонда Фарғона вилояти мусулмонлари съезди бўлиб ўтди. Вилоят “Шўрои Исломия” ташкилоти ушбу съезднинг ташкилотчиларидан бўлди. Съездда 42 мусулмон ташкилотидан 98 делегат иштирок этди²¹¹. Жадидлар оммани “Шўрои Исломия” атрофида жипслашишга даъват этдилар. “Шўрои Исломия” Қўқон бўлимининг аҳолига мурожаатномасида шу муносабат билан қуйидагилар айтилади:

“...Хурматли озод мусулмонлар! Ишончингиз комил бўлсинки, Қўқон мусулмонлари бир овоздан ташкил этган “Шўрои Исло” янги ташкилоти ҳар доим мусулмонлар манфаатига хизмат қилади.

Бу ташкилот доимо тинчлик ва хотиржамлик учун ҳаракат қилади. Агар барча мусулмонлар биргаликда тинчлик ва тартибни сақлашса, бу, биз, ҳамма мусулмонларнинг фойдасига бўлади. Лекин тинчлик-хотиржамликни намоён этмай, ҳар хил куруқ гапларга кулоқ солсак, бизга берилган Озодликдан фойдалана олмаймиз!”²¹².

1917 йилнинг март ойида Қўқонда I- мусулмон маданий-маърифий жамияти тузилди. 1917 йилнинг 20 мартида Қўқонда бўлиб ўтган мусулмон фуқораларининг умумий йиғилишида “Мусулмон маданий-маърифий жамияти” тузилганлиги эълон қилинади.

Андижон шаҳрида август ойининг бошларида мусулмон хунар аҳлининг “Санойи ул-ислом” шўроси тузилди. Унга 1500 киши аъзо бўлиб кирди²¹³. Шаҳар Думаси учун бўладиган сайловларга барча ташкилотлар томонидан қизғин тайёргарликлар кўрилди. 14-17 июл кунлари Андижонда уезд-шаҳар мусулмон ташкилотлари “Шўрои Исломия”, “Муфтах ул-маориф”, “Ҳаваскорони маориф”

²¹¹ Туркестанские ведомости.-1917.-22 июн.

²¹² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият,2000.-Б.39.

²¹³ Норқулов Н. Мухториятнинг тугатилиши //Фан ва Турмуш.-1990.-№8.-Б.8.

ва бошқаларнинг съезди бўлиб ўтди. Съездда 11 та масала кўрилди: яъни, Қозонда бўладиган Бутунроссия Муслмонлари съездига делегатлар юбориш; Таъсис Мажлиси учун бўладиган сайловларга маҳаллий аҳолини тайёрлаш учун уездларга ташвиқотчилар юбориш; аҳоли рўйхати ҳақида, шаҳар Думаси сайловларида аёлларнинг иштироки ва ҳ.з.²¹⁴.

Бутун Туркистонда бўлгани каби, Фарғона водийсида ҳам жадидлар томонидан барча маҳаллий жамиятларни ягона ташкилот қилиб бирлаштириш ҳаракатлари давом этди. 12-14 июл кунлари Скобелев шаҳрида Фарғона вилоят муслмон ташкилотлари вакилларининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди. Ушбу съездда 137 делегат иштирок этди. Анжуман барча муслмон ташкилотларини сиёсий жиҳатдан бирлашишга чақирди.

Ушбу съезднинг муҳим аҳамияти, “Турк Адами Марказияти” фирқасининг тузиш ҳақида қарор қабул қилиниши бўлди. Делегатлар тузилажак фирқанинг низомномаси ва маромномаси лойиҳаси билан қисқача таништирилдилар. Ушбу қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқишда фарғоналик жадид ва уламолардан Камолуддин кози Раҳмонберди ўғли, Мулло Муҳиддин, Махдум аълам мулло Муҳаммад, Мулло Боки Охунд домолло Одилбой ўғли, Мулло Нуриддин Аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли, Мулло Муҳаммаджон Камолжонбоеф, Мирзо Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қушбегиев, Обиджон Маҳмудов, Миродил Мирзоаҳмад ўғли иштирок этдилар²¹⁵.

Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида янги партиянинг ташкилий йиғилишлари бўлиб ўтди. Жумладан, 23 август куни Андижонда “Ҳаваскорони маориф”, “Турон”, “Талабалар жамияти” ташкилотлари вакиллари томонидан “Турк Адами Марказияти” фирқасининг Муваққат кўмитаси тузилди²¹⁶.

20 августда Марғилон шаҳрида 2000 кишилик митинг бўлиб ўтди. Унда маҳаллий “Шўрои Исломия” ташкилоти фаоллари йиғилганларни шаҳарда федералистлар фирқаси шўъбасини тузишга чақирдилар.

Тараққийпарвар зиёлилар томонидан ишлаб чиқилган фирқанинг маромномасини ўлкада демократик кўринишдаги давлат қуришнинг

²¹⁴ Ўз МДА. 1760-фонд, 1- рўйхат, 24-иш, В. 26-27.

²¹⁵ Туркистонда халқ жумхурияти //Фан ва Турмуш.-1990.-№7.-Б. 8.

²¹⁶ Турон.-1917.-6 сент.

назарий асоси эди дейиш мумкин. Бу фикрни Маромноманинг куйидаги бандлари билан изохлаш мумкин: “Фирканинг мақсади: 1) Русияда маҳаллий ва миллий адами марказият (федерация) асоси узра Халқ Жумҳурияти ташкил этмакдур. 2) Фирка Туркистон, Қирғизистон, Қофқоз ва Бошқирдистон қитъалари (ўлкалари) учун ва бошқа миллий ва маҳаллий мухторият, Идил бўйи ила Қрим тоторлари учун ва бошқа Русияда яшайдургон турк қавмлари учун миллий мухторият талаб қиладур... 4) Миллатнинг йигирма ёшга етуб, ақлият пайдо қилгон ҳар бир фарди: эр бўлсун, хотун бўлсун - синф, дин ва мазҳаб айирмасиға бокмасдан сайламак ва сайланмак ҳақина моликдур. 5) Юқорида мазкур барча мухториятли қитъалар марказий ҳукумат ила Ватан мудрофааси, пул чиқармак, бож ва хорижий ҳукуматлар ила муносабатда бўлмоқ хусусларида алоқа ва иртиботини (боғлиқликни) муҳофаза қилур. 6) Мухториятли қитъалар доҳилий масъалалар (идорий, молий, шаръий, маданий, адлий ва маориф ишлари)да мустақилдур...”²¹⁷. Демак, демократик Россия таркибида мухторият ташкил қилиш учун кураш 1917 йил давомида тараққийпарварларнинг асосий мақсад- интилишлари бўлди.

Ўлкадаги демократик жараёнлар ривожда водийдаги қирғиз миллий жамиятлари ҳам фаол қатнашдилар. 1917 йилнинг 17 июнида Андижонда “Элагия” жамияти тузилди. Жамият ўз олдиға куйидаги вазифаларни қўйган эди: 1) Кўчманчи аҳолини Россиядаги янги давлат тузуми ғоялари билан таништириш; 2) Таъсис Мажлисига тайёргарлик; 3) Янги ижтимоий-сиёсий жамият учун таянч бўлувчи жамоатчи кучларни ташкил қилиш; 4) Қирғизлар орасида ҳуқуқий-тартиботни жорий қилиш; 5) Қирғиз, қипчоқ ва қозоқларни ўз миллий ва сиёсий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси учун ягона иттифокқа бирлаштириш ғояларини ташвиқ қилиш; 6) Газета ташкил қилиш ва х.³²¹⁸.

Водийнинг Андижон, Наманган, Скобелев каби шаҳарларида октябрь воқеалари арафасида ҳам ўлкадаги миллий ҳаракатлар ривожланиш жараёнини ўзида ифода этган кўплаб йиғинлар бўлиб ўтди.

Бирок, 1917 йил октябр-ноябр ойига келганда ўлкадаги сиёсий вазият кескин ўзгарди. Петроградда ҳокимиятни

²¹⁷Туркистонда халқ жумҳурияти //Фан ва Турмуш.-1990.-№7.-Б.6-7.

²¹⁸Знамя свободы.-1917.-21 июн.

болшевиклар томонидан зўрлик билан қўлга олиниши Туркистон тараққийпарварларини ўз режаларини ўзгартиришга мажбур этди.

“Шўрои Исломия” ва бошқа маҳаллий ташкилотларнинг ташаббуси билан 1917 йил 26-29 ноябрь кунлари Қўқонда ўлка мусулмонларининг IV-фавкулудда съезди бўлиб ўтди. 27 ноябрь куни съезд Таъсис Мажлисининг чақирилишига ҳеч қандай умид қолмаганлиги ва ягона йўл мухторият эълон қилиш эканлигини эътироф этгани ҳолда, Туркистон Мухторияти тузилганлигини эълон қилди²¹⁹.

Туркистон Мухторияти таркибида кўплаб фарғоналик жадидлар масъул лавозимларда ишладилар. Фарғоналик жадидлар бутун фаолиятлари давомида Мухториятни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни тарғиб ва ташвиқ қилдилар.

Халқ Мажлисига Фарғона вилоятидан Шоислом Шоаҳмедов, Абдурахмон Ўразаев, Ҳидоятбек Юрали Акаев, Носирхонтўра, Тошхўжа Ашурхўжаев, Миродил Мирзааҳмедов, Абдулқодир Қушбегиёв, Обиджон Маҳмудов, Жамшидбек Қорабековлар кирдилар²²⁰. Съездда миллий пул жамғармаси ташкил этилиб, фарғоналик тараққийпарварлардан Миродил Мирзааҳмедов 10 000 рубл миқдорида пул ўтказди²²¹.

1918 йил 10-11 январ кунлари Андижонда “Муайян ул-ислом” жамияти идорасида мусулмон жамоат ташкилотларининг съезди бўлиб ўтди. Делегатлар томонидан уезд маъмуриятидаги барча шахслардан Туркистон Мухторияти Муваққат Ҳукуматини тан олганлиги ҳақидаги тилхатни олиш учун съезд президиуми аъзоларидан махсус комиссия тузиш ҳақида таклиф билдирилди. Бундан ташқари, Мухториятни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун ҳар бир волостдан вакилларни жалб этган ҳолда халқ милициясини ташкил қилиш ҳақида қарор қилинди²²².

Болшевиклар ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, Туркистон Мухториятига халқни қарши қўймоқчи бўлдилар. Бунга жавобан, Фарғона вилояти мусулмон меҳнаткашларининг съезди (1917

²¹⁹Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: Борьба за свободу и независимость (1917-1918гг.): Автореф. дис. Д-ра. Ист. Наук.-Ташкент, 1996.-С.45.

²²⁰Свободный Самарканд.-1917.-5, 8 дек.

²²¹Ўша манба. 1917.-5 дек.

²²²Свободный Туркестан.-1918.-15 фев.

й. декабрь) мусулмон меҳнаткашларини барча воситалар билан Мухториятни қўллаб-қувватлашларини билдирди²²³.

Туркистон Мухториятини Фарғона водийси аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланганлиги тўғрисида архив ҳужжатлари ва миллий матбуот саҳифаларида кўплаб маълумотлар берилган. Жадидлар ушбу митинг ва намойишларни асосий ташкилотчилари бўлдилар. Жумладан, 1 декабрда Наманган уездида 100 мингга қадар киши иштирок этган намойиш бўлиб ўтди. Намойишчиларнинг байроқларига “Яшасун мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!” сўзлари ёзилган эди.

7 декабрда Қўқон шаҳрининг 42 жамоат ташкилотлари номидан йиғилган вакилларнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорда кўп миллионли Туркистон халқига табриклар йўланди²²⁴.

Мухторият ҳукумати томонидан маданий маърифий ишларни яхши йўлга қўйиш мақсадида махсус “Мусулмон халқ маорифи” бўлими ташкил қилинди. Унинг раҳбари этиб, Фарғона “Шўрои Исломия”сининг фаолларидан Саййид Носирхонтўра тайинланди²²⁵.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор этилиши ва шундан кейин маҳаллий аҳолига қарши жазо кампаниясининг авж олиши, водийда истиклолчилик ҳаракатининг келиб чиқишига, Ватан ва миллатнинг, аввало Фарғонанинг асл фарзандларини эрк ва озодлик учун қўлларига қурол олишга мажбур этди.

²²³Свободный Самарканд.-1917.-16 дек.

²²⁴Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти-жадидлар миллий-демократик давлатчилик ғояларининг амалдаги ифодаси. Жадидчилик: ислоҳот, янгилашни, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Даврий тўплам№1).-Т.: Университет, 1999.-Б.158-159.

²²⁵Свободный Туркестан.-1918. 31 янв.

Умар РАШИДОВ
Бух ДУ, т.ф.н., доцент
Ю.ҲАЙДАРОВ
т.ф.н., доцент.

ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТОМОНИДАН МУХТОРИЯТ ҲУКУМАТИНИНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ

Туб ерли халқлар давлатчилиги тарихида 1917 йил 28 ноябрдан бошлаб “Туркистон Мухторияти” деб аталган²²⁶ ҳукуматнинг ташкил топиши муҳим воқеа бўлди. 1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Бутунтуркистон ўлка мусулмонларининг фавкулдада IV курултойи тугагач, 1 декабрда Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати аъзолари (8 киши) имзолаган махсус Мурожатнома эълон қилинди. Ушбу мурожатномада Туркистондаги барча аҳоли: ирки, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, яқдиллик ва ҳамжиҳатликка даъват этилган эди.

Тарихий маълумотлар шундан далолат берадики, Мухторият ҳукумати Туркистон халқлари томонидан қизгин қўллаб-қувватланган. 1917 йил 6 декабрда Тошкентдаги Жомеъ масжидида ўтказилган митинг бунинг ёрқин далилидир. Митингда 60 минг киши қатнашган эди. “Улуғ Туркистон” газетасида келтирилган маълумотларга кўра, “Масжиднинг ички саҳни ва томлари одам билан лиқ тўлган”. Митинг Саидғани Махмуд раислигида ўтиб, Мунаввар қори, Мулла Одил, Шерали Лапин ва бошқалар унинг ўринбосарлари эди. Митингга йиғилганлар Мухториятни бир овоздан маъқулладилар ва бундан буён Туркистонда ана шу Муваққат ҳукуматдан бошқа ҳеч қандай ҳукуматни тан олмасликка қарор қилдилар. Митинг якунида Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаш бўйича қарор қабул қилинди. Унда шундай дейилган эди: “Биз мусулмонлар синф ва даража айирималарига қарамасдан, Туркистон Мухториятини олқишлаган ҳолда, Қўқондаги фавкулдада съезд тарафидан эълон этилган Туркистон халқ ҳукумати вужудга келтирув ҳақидаги қарорга бутун вужудимиз бирла қўшилиб..., биз ўлкамиздаги ҳамма мусулмонларни Мухториятли Туркистон

²²⁶“Улуғ Туркистон”, 1917й, 8 декабрь, “Туркестанский вестник”, 1917, 1декабрь

хукумати атрофида жипслашиб, ҳозирга ўлка идораси бошида бўлиб турган муваққат ташкилотлар билан қандай бўлмасин душманларча муомала қилувдан сақланишга даъват қиламиз.

Туркистон Мухторияти амалий суратда тезроқ вужудга келиши учун тинч ва тотувликни сақлашимиз керак. Яшасин Мухториятли Туркистон!”²²⁷

Туркистон халқлари томонидан мухторият ҳукуматининг кўллаб-қувватланганини ўлканинг турли шаҳар ва қишлоқларида Мухториятни олқишлаб, кўп минг кишилик намоишлар бўлиб ўтганлигида ҳам кўриш мумкин. Масалан, 1 декабрда Наманган уездида 100 мингга қадар киши иштирок этган намоиш бўлиб ўтди. Унда намоишчиларнинг байроқларига “Яшасин мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!” -деб ёзилган сўзлари ҳилпираб турар эди.

6 декабрда Жалолобод волостида қарашли Хонобод қишлоғида ҳам Мухторият эълон этилиши муносабати билан намоиш ўтказилди. Бир неча мингдан ортиқ киши Фозилхон мазоридан то бозорга қадар ййғилиб турди. Намоишда Абдулла эшон ва Ҳусейн Валидий сўзга чиқиб, халққа Мухториятнинг ташкил этилиши, мақсадларини тушунтиришди. 7 декабрда эса Кўқон шаҳрида, декабр ойида Самарқандда ҳам туб ерли аҳолининг Мухториятни кўллаб-қувватлаган мажлислари бўлиб ўтди. Каспийорти вилоятида чақирилган вилоят совети съездида Туркистон Мухториятига кўшилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Миллий матбуотда Туркистоннинг таниқли маърифатпарварлари, сиёсий ва жамоат арбоблари ўз мақолаларида мухториятни табрикладилар. Жумладан, Абдурауф Фитрат “Мухторият” деб номланган мақоласида Туркистон Мухторияти ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини куйидагича ифодалайди: “Туркистон Мухторияти... Темур ҳоконининг чин болалари ёнида, туркистонли тубчак турклари орасинда, мундан уғурли, мундан муқаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлиғига ишонмайман. Туркистон туркнинг конини қайнатувчи, иймонини юксалтирувчи бир қувват бор эса ёлғуз шу сўзда бордур: Туркистон Мухторияти!

Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, кўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопонди, еримиз босилди,

²²⁷“Улуғ Туркистон”, 1917й, 8 декабрь

молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остига олинди - тузумли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруқга бўйсундик, бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшунтирдик, иймонларимизла авраб сақладик: Туркистон Мухторияти!

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруксиз турмаларда ётганда, йиртғувчи жандарманинг тепгуси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурилганда, диндошларимиз осилганда онгимиз йўқолди, миямиз бузулди, кўзимиз ёруксиз қолди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда, тушгун руҳимизни кўтармак учун шул қоп қоронғу дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб турар эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўра эди. Ул нима эди? Туркистон Мухторияти!²²⁸

“Туркистон Мухторияти” ҳақидаги маълумотларни туб ерли аҳолига етказиш учун газета ва журналлар саҳифаларидан кенг фойдаланилди. “Эл байроғи”, “Бирлик туғи”, “Свабодный Туркестан”, “Известия Временного Правительства Автономного Туркестана” каби ҳукумат газеталари ўзбек, қозоқ ва рус тилларида нашр қилина бошлади. Айниқса, аввал чиқаётган “Улуғ Туркистон” газетаси ўз саҳифаларида мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида ўрин бера бошлади. Нашр ишларини яхшилаш учун О.Маҳмудовнинг босмаҳонаси ҳукумат ихтиёрига ўтди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзолари имзо чеккан “Мурожатнома”да съезд қарорлари ва ҳукуматнинг яқин иш режалари хусусидаги маълумотлар билан бирга, бутун Туркистон аҳлига чақирик ҳам бор эди. Унда Туркистоннинг барча фуқаролари-мусулмонлар, руслар, яҳудийлар, ишчилар, аскарлар ва дехқонлар, ўлкада яшаб турган барча элатлар ва халқлар, шаҳар ва земство бошқармалари, сиёсий, ижтимоий ва қасаба уюшмалари, барча давлат, жамоат ва хусусий муассасалар Туркистон халқ ҳокимияти атрофида бирлашиб, унинг зиммасига юкланган вазифаларни ҳаётга жорий этишда қўмак беришга чақирилган эди.

Туркистон Мухторияти эълон қилинганининг дастлабки даврларида туб ер аҳолисининг мухторият ҳукуматини қўллаб-

²²⁸“Хуррият”, 1917й., 5 декабрь

қувватлаган митинг ва намойишлари янада жонланди. Тошсоветга ўша кунлари Эски шаҳар аҳолиси номидан митинг ва намойиш учун ариза тушди.

Тошсовет қарорига кўра, митинг ва намойиш Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ўтказилиши маъқулланиб, Янги шаҳарда ўтказилишига рухсат берилмади. Туркистон большевикларининг нашрига айланган “Наша газета”нинг ахборотига кўра, “Тошсовет бу билан мусулмон аҳолисининг кенг оммаси рус аксилинқилобчи тўдаларининг найрангларига учиб, кўр-кўрона равишда жабрдийда бўлиб қолмаслигининг олдини олган”²²⁹ эди. “13 декабрь куни эрта тонгда Эски шаҳар байрам қиёфасида эди”-деб ёзилади “Улуғ Туркистон” газетасида. Ҳар тарафдан, кўча ва тор кўчалардан Шайхонтохур масжиди томон гуруҳ-гуруҳ одамлар оқиб кела бошлади. Соат 12 ларда кўп минг кишилик йигин тўпланди. Ҳукумрон партияларнинг раҳбарлари ва Халқ Комиссарлари Совети (Совнарком) аъзолари митингга қўшилди”²³⁰. Намойишга мусулмонлардан ташқари руслар, яҳудийлар, арманлар, шунингдек, большевиклардан бошқа турли ижтимоий сиёсий ташкилотларнинг вакиллари ҳам чиқишди. Намойишчилар Шайхонтохур масжиди олдида йиғилди. Тўпланганларнинг бошлари узра 100 га яқин қизил-мовий ва яшил байроқлар ҳилпирарди. Митингни Мунаввар қори очади. Митингда турли ташкилот ва уюшмалар вакиллари нутқ сўзлади. Ушбу митинг қатнашчилари Мухтор Туркистон ҳукуматини бир овоздан маъқулладилар ва Туркистонда энди ушбу муваққат ҳукуматдан бошқа ҳеч қандай ҳукуматни тан олмасликка қарор қилганликларини эълон қилдилар.

Мухторият ҳукумати миллий қўшин ташкил қилишга киришди. Ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев иштирокида 1918 йил бошларида ўтказилган кўрик вақтида аскарлар 2000 киши бўлган. Ҳукумат иқтисодий соҳада 30 миллион сўм миқдорида ички заём чиқаришни йўлга қўйди. Шунингдек, ҳукумат аъзолари очарчилик чанғалида қолган Туркистон аҳолисига Кавказдан Оренбург орқали ғалла келтириш муаммосини ҳал қилиш учун амалий қадамлар ташлади.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа муддат ичида халқ орасида катта эътибор қозонди. Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари ўзбек

²²⁹“Наша газета”, 1917., 15 декабрь

²³⁰“Улуғ Туркистон”, 1917й, 13 декабрь

халқининг оташин шоирлари мухторият ҳукуматини алқаб шеърлар битдилар.

Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун мавжуд бўлган бўлса ҳам, у эркесвар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этди. Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил топганининг 100 йиллиги нишонланаётган фарахбахш кунларда миллий давлатчилигимизнинг тарихи ҳақида ёш авлодга кенгрок маълумот беришда Туркистон Мухторияти ҳукуматининг қисқа фурсатда амалга оширган тадбирлари, туб ерли аҳолининг бу ҳукуматни қўллаб-қувватлаши масалаларини илмий асосда таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Баҳром ИРЗАЕВ

“Қатағон қурбонлари хотираси”

музейи катта илмий ходими

Икром ҚОДИРОВ

ТТЕСИ қошидаги академик лицей

маънавият-маърифат ишлари бўйича

директор ўринбосари

ҒОЗИ ЮНУС ВА ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ

“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи илмий жамоаси томонидан яқиндагина нашр юзини кўрган “Тарихнинг номаълум саҳифалари” даврий тўпламининг 6 – китобида жадидшунос олим Сирожиддин Аҳмаднинг “Ватан ва халқ манфаатини кўзлаган адиб” номли мақоласида таниқли журналист, ношир, драматург Ғози Юнус (1887-1942) ҳаёти ва унинг публицистик мероси ҳақида атрофлича маълумот берилган эди. Айниқса, унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ янги, шу вақтгача бирор жойда эълон қилинмаган ахборот китобхонлар томонидан илиқ қарши олинди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ғози Юнуснинг бадиий ижодий, публицистик мероси, таржималари, хуллас фаолият кўлами ниҳоятта улкан ва уни бир ёки бир неча мақола доирасида қамраб олишнинг асло иложи йўқ. Олим Сирожиддин Аҳмаднинг мазкур мақоласини эса Ғози Юнус ижодини ўрганишда шубҳасиз, яна бир залворли қадам бўлди, дейиш мумкин.

Куйида биз Ғози Юнуснинг Туркистон Мухторияти билан боғлиқ ижоди ва фаолияти ҳақида тўхталамиз. Дарҳақиқат, мадрасада ўқишни давом эттиришга имконияти бўлмаган Ғози Юнус бир муддат отаси билан бирга устачилик қилади. Бу жараёнда рус тилини ўрганган Ғози Юнус 1916 йил мардикорликка олинади ва “7-сотий таржимон” унвонида Лапландия губерниясида тилмочлик билан шуғулланади. Ғози Юнус мардикорчиликда юрган даврда душман ўқидан яраланади. Шундан сўнг 3-гурух ногирони сифатида хизматдан қайтарилади. Марказий Россиядаги аҳвол билан яқиндан танишган Ғози Юнус Тошкентга келиб, сиёсий кураш майдонига киради ҳамда Тошкент шаҳар Мусулмон ишчилари шўросини ташкил этишда бош-қош бўлади. У Мусулмон ишчилари шўросида ижроқўм саркотиби, хазиначиси вазифаларини бажаради. Шунингдек, унинг ташаббуси билан шўро қошида дўхтирхона, китоб дўкони ва қироатхоналар иши йўлга қўйилади. Ғози Юнуснинг бевосита раҳбарлиги остида Тошкент шаҳар Мусулмон ишчилари шўросининг нашри афкори сифатида “Ишчилар дунёси” журнали ташкил этилади. Журналнинг мазмун мундарижасидан шу нарсани англаш мумкинки, гарчи муҳаррир бошқа бўлсада, унинг моҳиятини Ғози Юнус мақолалари очиб беради. Журналнинг “Муқаддима”, “Мақсад ва маслак” деб номланган кириш мақолалари ҳам жаҳид матбуоти анъаналарига зид ҳолда муҳаррир эмас, айнан Ғози Юнус томонидан ёзилгани ҳам юқоридаги даъвомизни асослантиради. У муқаддимада дастлаб, юз берган инқилобни қўллаб-қувватлайди ва бир пайтда маҳаллий аҳолини сиёсий фаолликка чақиради. *“Ишчилар танбал бўлманг, алданманг фаол бўлинг акс ҳолда яна қонингизга ташна кучлар ҳокимиятни эгаллаш пайида шошилишмоқда. Пайтдан унумли фойдаланинг бирлашинг”*²³¹ кабилидаги ташвиқоти билан Мулло Ғозий (Ғози Юнус) барчани большевикларнинг таҳдидига қарши қўлни қўлга беришга чақиради.

“Мақсад ва маслак”да эса у *“Маслагимиз программамизни тўлиқ амалга ошириш. Унда шариати набавияда устивор туриб, қўл учи билан кун кўрувчи фақир халқимизни моддий ва маънавий жиҳатларини яхшиламакка интилиш, шу йўлда съездлар, йигинлар ташкил этиш, иш бориши билан ишчилар учун мактаблар, дорулфунунлар,*

²³¹ Мулло Ғозий. Муқаддима // Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.

қироатхоналар, шиғохоналар ва маданий муассасалар бунёд этиш, саноатни йўлга қўйиш, сиёсатда чор микробларини суриб ташлаб, ўрнига турк ислом сиёсати ўрнатмоқ йўлида жон фидо этмакдир. *Вассалом*” деб маҳаллий тараққийпарварларнинг асл максадларини очиқ баён этади. Журналнинг илк сонидаги “Адабиёт рукни” да Ғози Юнус “Ишчи” имзоси билан ёзган шеъри юкоридаги фикр ва гоёларини назмий тилда ифодалайди.

Мулла Ғозийнинг **“Бизда ташкилотлар”** мақоласида баҳорги гиёҳлардек қисқа вақтда пайдо бўлган кўплаб уюшма ва ташкилотларнинг орадан озгина вақт ўтмай ички низо ва нифоқлар натижасида фаолиятсизланиб боришини ёзади. Бунда сиёсатни ичидан тушунмаган, сайловларни фақат депутат бўлиш деб билган манфаатпараст, худбин инсонларнинг сиёсий ташкилотларни халқнинг, миллатнинг ягона бирлигини юзага келтириш учун бир имконият деб билмасликларидан ташвишланади. Халқнинг золим Николай ва Мачаловлар томонидан кўрkitиб қўйилгани, Остроумов ва унинг шоғирдлари томонидан диннинг таҳқирланиши, уларнинг ғаразли сиёсатлари оқибатида ўлкадаги инсонлар ва гуруҳларда ички зиддиятларнинг юзага келтирилгани ҳамда ҳамон бу низоларнинг илдиз отиб бораётганига эътибор қаратади. У халқни сиёсий курашда бирликка даъват этиб, *“Биродар ишчилар қўйинг гафлатни, ташланг нифоқни, ушланг иттифоқни!!!* деган чақириқ билан мақолани яқунлайди”²³².

Ғози Юнуснинг **“Ишчилар съезидга бўхтон”** номли мақоласида *“Хўқанд шахрида 25 декабрда Туркистондаги мусулмон ишчи, деҳқон ва солдатларининг фавқуллода қурултойлари чақирилди. Бу қурултой Туркистон ўлкаси учун ҳокимият ва усули идора масаласини ҳал қилажаги учун мусулмон ишчи ташкилотлари яхши аҳамият бердилар. Қурултойга вакиллар кутилганидан ортиқ йиғилдилар. Съезд Тошкентдаги марказий ҳарбий шўронинг ташаббуси ила чақирилган эди. Туркистондаги ҳамма ишчи ва солдатлар ташкилотга телеграмлар юборув, устига газеталар воситасида умум хитобнома чиқорилган эди. Мусулмон ишчилари шўроси Қўқондан телеграм олув билан Тошкентдаги ишчи жамиятларидан вакил чақириб, Хўқанддан келган телеграмни ўқиб эшиттирди ва ҳар бир ишчи жамиятидан вакил юбормакка тавсия қилди ва мусулмон ишчилари шўроси ўз*

²³²Мулло Ғозий. Бизда ташкилотлар // Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.

тарафидан 10 киши юбормакка қарор қилди. Бошиқа жамиятлардан ҳам вакиллар юборилмакка ҳаракат қилди. Таассуфки, бир неча большевик тарафдори ишчи жамиятларимиз очиқдан очиқ Хўқанддаги мусулмон ишчи, солдат биродарларини съездига вакил юбормакдан имтиноъ (рад) этдилар.

Хўқандда ҳам бир неча большевик тарафдорлари мусулмон ишчилари съездини бузмоққа ҳаракат қилдилар, муваффақ бўла олмадилар. Съезд ўтгандан кейин большевикларнинг наири афкори (“Наша газета”)да Хўқандга йиғилган мусулмон ишчилар буржуйларга сотилган, мандатний комиссия ҳам бойларнинг тарафидан қўйилган, қарорларни ҳам бойлар ёзиб киргизган деб билчироқ (бўхтон) сўзларни ёзган ишчи, албатта ўз миллатини бир қадоқ нонга сотган мусулмон ишчиси бўлса керак. Ёки ҳақиқатда мусулмон бўлмаса керак. Шундоқ ёлгон билчироқ келишмаган сўзларни ўзини ҳукумат деб турган большевиклар, умумрабочилар фикри деб ёзиб чиқориши гоят аҳмоқликдир²³³, дейди. Мақола Туркистонда большевиклар фитнаси кундан кунга авж олаётган бир пайтда эълон қилинди. Боиси, бу пайтга келиб большевиклар Туркистон Мухторияти ҳукуматини тор-мор этиш масаласига жиддий киришган эдилар. Бунда Тошкент уламоларининг азалдан чор оҳранкаси билан ҳамкорлик қилган ўта мутаасиб ва қўрқоқ қисми ҳамда ўзларини маҳаллий ишчилар вакиллари деб кўрсатган айрим миллий хоинлардан фойдаланади.

“Ишчилар дунёси”да чоп этилган Ғози Юнуснинг энг ёрқин мақолаларидан бири **“Хурриятми ёки истибод!”** дир. Унда муаллиф большевиклар ҳукуматининг иккиюзлама сиёсатини аёвсиз фош этади ва журналхонларга буюк бир жасорат билан большевикларнинг ҳақиқий сийратини кўрсатиб беради: “Россиянинг буюк инқилоби соясинда вужудга чикмиш хурриятдан тўрт кўз ила кутдигимиз умидлар бутун бўшга чикди. Хурриятнинг энг яхши шиорлариндан бўлган хуррияти калом, хуррияти матбуот большевиклар ҳукумати тарафиндан шундоғ доирага келдики, Николай Романов замонасиндан-да бадтар бўлди. Мустабид аталган Николай ҳам матбуот оламин бу даражада исканжага олган эмас эди.

Хуррияти калом эса ўз оғзингдаги тилингга тишларингни цензор қилиб қўймасанг халқпарвар аталган (товаришлар) зулминдан омон бўлмассан. Хуррият эълон қилингандан сўнг

²³³Мулло Ғозий. Ишчилар съездига бўхтон //Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

Россия демократиясининг программасида ёзилган “бирлик, биродарлик”, дин, миллат айирмаси йўқ ҳамма ҳуқуқда баробар, деб қичқирганлари ҳаммаси кўз бўямаси экани кун каби ошқора бўлди. Ҳукуматнинг бўяма демократлар ҳукуматни ўз қўлларига олганича халқни алдаганлари маълум бўлди.

Эндиликда ҳукуматни қўлларига олиб, (қоч, баҳо олдин гаврон тегадир) деб аввалги фикр, маслақларин тамом ўзгартиб ҳурриятга фақат рус ишчи, солдатлардан бошқа ҳеч бир кимса ноъил бўлолмас, дерлар. Далил учун бошқа миллат ишчиларига неча хил номлар қўюб улгурганлар.

Агарда ўртадан сўз қўша қолсак аллақанча жавоблар тайёр. Чунончи, сиз мусулмон ишчилари организованный эмас, буржуйларга сотилган каби йўқ сўзлар бирлан жавоб қайтарурлар. Тўғриси, бизим шаъриятга боксак коммуна ва социализация ер хусусинда Туркистон мусулмонларига тўғри келмайдир²³⁴. Шунинг учун биз уларнинг кўп ишларига қарши турамыз. Шунинг учун биз мусулмон ишчиларни бойларга сотилган деб тухмат қилодирлар.

Хулосаси: биз ҳам тутган йўлимиз демократия, яъни халқпарварлик маслагидир. Агарда биз бу йўлни ташлаб, большевик биродарларимизнинг ногорасига ўйнасак, албатта, бир оз таваришларимиздан фойдаланган бўлур эдик. Бизни буржуйларга сотилган, деб тухмат ҳам қилмасдилар. Ҳар бир миллатин ватанин суйган ишчи иштирокиюнлик (коммунистлар) мазҳабидан қочса керак.

Социалистлик ер хусусинда бизни Туркистон учун энг хўрлик экани ҳар ақли салимнинг маълумидир. Чунки, Туркистон мусулмонларини 95% ерлик сувликдир. Энг озчиликни ташкил этган 5% ерсиз киши шиорни:

Мискин эшак айлади дум орзу,

²³⁴ Ер социализацияси хусусинда Германиянинг биринчи социалистларидан К.Маркснинг таснифлариндан энг аҳамиятга жоиз жойлариндан қўриб, иншааллох журналимизни келаси номерларига ёзиб турармыз. Бизнинг Рус социалистларига тамом социалистликни ўзгартириб, анархистлик йўлига тушиб кетдилар. К.Маркснинг фикрларига қараганда социализмда ҳеч ер бўлмоклик чикмайдир. Биз ҳам социализация хусусинда К.Маркснинг шариатимизга татбиқ қилиб бир хил фикрига қўшиламыз. Большевикликни ҳам шариатимиз масоъида қилган ерига қарши эмасмыз...

Топмади дум, берди илкиндан қулок! – деганига ўхшаш. Бу иш мусулмонларни кўп миқдорда эпкин жойлари ажнабий миллатлар қўлига ўтмоғига сабаб бўлса керак. Келажак Туркистонни истиқболга буюк бир зарба бўлиб тушадир. Бинобарин, биз мусулмонларни огоҳлантирамизки, Туркистонга асло социалистлик қонуни ер хусусинда жорий қилиб бўлмайди. Бу йўлда шариатимиз, жуғрофий ҳолимиз асло масоъида этмас. Аллоҳ сакласин, биз мусулмонлар Туркистонда ер социализациясига йўл берсак, ўйламайликки, ўз еримиз, ўз қўлимизга тегадир деб, энг мунбит туфроқимизга чифта кафш (чибота) кийган жонуворлар эга бўлиб, бизларга хўжалик қила бошларлар.

Таассуфки, биз мусулмон ишчилари ўртасига социализм маъносига тушунмаган кишилар кириб ишчиларни миясини чирита бошлайди. Ишчи халқимизни огоҳлантирамизки ажнабийларнинг дасиса(фитна)сига учмасдан аввалдан шарлотонлиги билан маълум бўлган маслағи бузуқ шайтонларнинг сўзларини эътиборга олмасдан ҳар ишда маслаҳатларингиз бўлса, “Мусулмон ишчилари шўроси”га мурожаат қилсангиз экан. Шунинг баробаринда ҳар миллат ўзини миллий ғоясини вужудга чиқармакка чолишмоғи табиийдир. Шунинг учун биз, мусулмон ишчилари, миллатимизга зарар келтирадирган ҳар бир ишдан ижтинок қилиб Ватанимиз миллатимизни тараққий таолосига чалишсоқ керак.

Биз, мусулмон ишчиларини тутадирган йўлимиз шариат асосига қурилган демократлик йўлиндадир, демократликни айни асоси бизни шариатимизда бўлган сабаблик биз, албатта, шу йўлда хизмат қиламиз.

Бир фирка мусулмонлар ўртасида қора кучлар фаҳри коинот афандимиз ҳазратларининг энг дўст тутган демократликларини қаршисига чиқиб, латиф демократни қоралаб, ўзларинча йўқ, нолойиқ маънолар бериб халқни демократ лутфидан кўрқитиб битирдилар. Аслида демократия лутфи Оврупода умум бир лисон бўлиб, том маъноси бирлан халқпарвар деган сўз, албатта, пайғамбаримиз ҳам халқпарвар эдилар.

Замонларча инсоният оламинда ҳеч маслақ халқпарварлик маслағидан яхши эмас. Мана, биз, мусулмон ишчилари демократлик маслағини ўз шариатимизга тадбиқ қилиб ҳоҳ хуррият, ҳоҳ мухториятни демократлик нуқтаи назардан қараб Туркистонда

яшагувчи тамом миллатларга бир текис бўлмоғини хоҳлаймиз. Бир миллат ёки бир фирқа хуррият, мухториятдан фойдаланиб, бошқалар билъакс зарар кўрар эканлар. Биз муни хуррият демай, балки истибод деймиз.....

Ҳозирда ҳаммани маълумидирки, рус ишчи биродарларимизнинг тутган йўли мустабид чор ҳукуматининг тутган йўлидан ҳам зиёда бўлиб кетди. Мунга бир неча далиллар келтириб ўтамиз. 31 декабрда Тошкентда мухторият намойиши вақтида бутун дунё ишчилари бизни туғишган биродарларимиз деб мақтанган товоришларимиз Ўрда оғзинда мусулмон ишчилари байроғида русча “Яшасун бутун дунё ишчилари” деб ёзилган ёзувни кўра туриб милтик, пулимиётдан отиб бир неча ўнлаб биродарлари пролетариатни ноҳақ ўлдирдилар.

Иккинчи бутун Туркистонга ҳақиқий мусулмон ишчи ва солдатларнинг Хўқанддаги краёвой съездларида большевиклар вакиллари биз бу съездни пролетариат съезди, бу қилинган талабларни тамоман ҳақлик талаб биламиз, деган эдилар. Съезд ўтганидан кейин маълум 1-2 виждонсиз ишчи фикрин Бутун Туркистондаги мусулмон ишчиларининг фикри деб “Наша газета”да босиб чиқардилар.

Учинчи, Чор ҳукуматининг энг ёмон одатидан бўлган газета журналларни ёнув, муҳарририга жазои нақдия солув, ҳибс қилув каби ишларда большевиклар цензори Николай цензорларидан неча даража ошурдилар.

Тўртинчи, рус ишчилари эски ҳукумат замонасиндаги бир генерал вазифасин олиб турган ҳолда мусулмон ишчилари ош тополмай, ялонғоч юрибдурлар. Қисқаси большевик биродарларимизнинг қилиб турган хатоларини ёза берсанг бир неча жилд китоб бўлади.

Хурриятдан мусулмонлар ва биз мусулмон ишчилари бир тийинлик фойда кўрмадимиз. Билъакс, Николай замонидан ҳам бадтар кунларни ўткариб турибмиз. Ҳеч вақт биз мусулмонлар бунни хуррият деёлмаймиз²³⁵” деб хулоса қилади Мулло Ғози.

Мулло Ғозий Туркистон маҳаллий аҳолисининг большевиклар ва бошқа партиялар томонидан тобора партиячилик фитнасига тортилаётганидан ташвишга тушади. Унинг **“Фирқа ва маслаклар хусусинда”** номли мақоласида *“... Хурриятдан кейин ҳеч бир қулоқ эшитмаган фирқа ва маслаклар пайдо бўлиб маданиятда энг тубан бўлган бизнинг мусулмон халқининг миясини қотирди. Маданиятлик*

²³⁵Мулло Ғозий. Хурриятми ёки истибод // Ишчилар дунёси. 1918 йил 1 февраль

овруподан чиқган бу партиячилик, маданиятсиз Туркистонимизнинг бошига битган балои азим бўлди. Бечора бизим ишчи халқ бир нуқта йиғилиб, бир ерга мушт урадирган фурсатда ажнабийларга қуйруқлик вазифасин адо эта бошладилар. Хурриятдан илгари ҳеч бир нарсани маъносин билмаган мусулмонларимиз ҳозирда фирқачилик даъвосин қила бошладилар. Лекин, ҳеч бир партия ўзининг тутадирган йўлини ва қиладирган ишини билмайди. Бинобарин, биз мусулмон ишчи биродарларимизни аввало иттифоқга даъват қилиб четлардан нажот кутмасдан ҳаммамиз бир байроқ тағига йиғилиб ўз ёзмишимизни ўз қўлимизга олмоқликни тавсия қиламиз”²³⁶ дейди. Муаллиф журналнинг шу сондан дунёдаги илм-фан янгиликлари, фалсафий қарашлар, партиялар ҳақида маълумотлар бериб боришни ўқувчиларга ваъда беради. Шундан сўнг Мулло Ғозининг социалистик ғоялар, унинг ватани ҳамда асл моҳиятини уқтиришга қаратилган йирик бир мақоласи босилди. Мақола мазмунидан шу нарса маълум бўладики, Туркистон зиёлилари, хусусан, Ғози Юнус социализм ғояси, унинг келиб чиқиш сабаблари ва Германия, Франция социалистик қарашлар тарихидан жуда яхши хабардор бўлганлар. У ҳаттоки, большевиклар илгари сураётган ғоялар социализм ғояларигагина эмас, ҳеч бир инсоний ғоя ва қарашлар қолипига мос эмаслигини ҳам исботлаб беришга эришади.

Ғози Юнуснинг **“Большевиклар ва Мухторият ҳукумати истеъфо”** мақоласида *“Тошкентда бўлган ишчи, солдатларнинг съездида большевикларнинг аксарият бўлиб Кўқонда эълон этилган Мухториятни тарқатмакка қарор берилди”* дейилади. Муаллиф большевикларнинг ноҳақ даъволари ҳақида тўхталиб, *“Тошкентдаги мусулмон ташиқлотлари демократик жиҳатдан қурилмаган. Шунинг учун улар демократический ташиқлот бўлганича ҳукумат халқ комиссарлари қўлида турадир. Кейин мусулмон ишчиларига топширишга қарор қилдилар. Биз уларга таҳсинда!?”*²³⁷ деб аччиқ истехзо қилади.

“Уламо жамияти”нинг “Ал-Изоҳ” журналида мулло Пирмуҳаммад Аъламнинг “Баёни ҳақиқат зарифона” мақоласи чоп этилган эди. Унда муаллиф Туркистон мухториятни бадий бир

²³⁶Мулло Ғозий. Фирқа ва маслақлар хусусинда // Ишчилар дунёси. 1918 йил 1 март.

²³⁷Мулло Ғозий. Большевиклар ва мухторият ҳукумати истеъфо // Ишчилар дунёси. 1918 йил 1 март.

тўқима орқали номаълум ҳомила билан қиёслайди. “Ишчилар дунёси”да “Ишчи” (Ғози Юнуснинг адабий таҳаллусларидан бири) эса “Диний мажаллада эътиборсизлик” номли мақоласи билан унга қарши ўзининг жуда қаттиқ нафрат билан норозилигини баён қилади ва Туркистон халқларининг азалий орзуси бўлмиш муқаддас Мухториятни улуғлайди²³⁸.

Ғози Юнус журнал саҳифаларида нафақат Туркистон Мухторияти ҳукуматини тарғиб ва ташвиқ этиш, балки Туркистонда кечаётган ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга, муаммоларга ҳам кенг эътибор қаратади. Жумладан, халқни оғир аҳволга солаётган очарчилик билан боғлиқ воқеликлар ҳақида ёзиб, *“Кўқонда очлик авж олиб, очлар тиланчилар гуруҳлари пайдо бўлди. Ҳатто, очликдан айрим одамлар шишиб ўла бошлади. Мухторият ҳукуматининг таклифи билан Кўқон шаҳрида “Закот ва хайрия” жамияти тuzилиб, шаҳарнинг 16 ерида қозонлар очилди. Унда ҳафтада бир кун ош, қолган кунлар гўшт, мош, ёғлардан бир мартадан таом тайёрланиб, оч ва қашшоқларга текин тарқатиш йўлга қўйилди”*²³⁹, деб хабар беради. Шу хабар билан Тошкент бошқа шаҳарлар бойларини ҳам шундай жамиятлар очишга ҳамда ёшларнинг бу ишда ҳар доим хизматда бўлишларини ташвиқ қилади.

“Ўринлик иона ва ҳам бошқа маҳаллалар учун ўрناق” номли хабарда эса Тошкентнинг Себзор даҳаси 3-Охунгузар маҳалласида Абдухалил Маннофхўжа эшон ва Мулло Ғозийлар ташаббуси билан мухтожлар фойдасига иона йиғилгани ёзилади. Тадбирда бойлардан жами 9225 сўм йиғилган ва журналда бу ҳимматли бойларнинг рўйхати, уларнинг берган пуллари миқдори келтирилади. Мулло Ғози бу ишни янада давом эттирилишини журналхонларга ваъда беради²⁴⁰. Журналнинг 4-сонида “Очлик балоси” номли хабарда-мулло Ғози, “Тошкент атроф мусулмонларидан кетган очлар билан тўлди. Масжиддаги йиғинда 50 сўм пул йиғилиб, бир қирғиз оиласига бердик. Аммо, у ҳеч нарсага етмайди, уларга худонинг раҳми келсин”, дейди. Шунингдек, Тошкент савдогарларидан хайрия йўли

²³⁸Мулло Ғозий. Диний мажаллада эътиборсизлик // Ишчилар дунёси. 1918 йил 1 март.

²³⁹Ишчилар дунёси. 1918 йил 1 февраль.

²⁴⁰Ишчилар дунёси. 1918 йил 1 февраль.

билан 115 сўм йиғилгани ва Хўжа Аҳмадбой Шераҳмадбой ўғлининг ўзи 100 сўм иона қилганини ёзади²⁴¹.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ғози Юнус ўзининг ўтли мақолалари ва фаол ҳаракати билан Туркистон Мухториятини охиригача қўллаб-қувватлади. Бутун халқни Мухториятли Туркистон ғояси атрофида бирлашишга ундади. Қизил қўшин томонидан Мухторият тор мор этилганидан сўнг эса унинг аччиқ қисматиға ҳаммадан кўп ачинди, большевикларнинг истибдодига қарши халқни яна курашга чорлашда давом этди. Ғози Юнус бу курашни то умрининг сўнгги кунларигача тўхтатмади. Унинг журналистлик қалами тарихимизнинг энг жўшқин ва энг таҳликали онларида чархланди. Элим, юртим, миллатим, истиклолим, истикболим деган зотларнинг қони дарё бўлиб оққан вақтларда ҳам Ғози Юнус қўрқув нималигини билмай ижод қилди ва у тарихимизда ёрқин ватанпарвар ҳамда чексиз жасорат соҳиби бўлган журналист сифатида қолди.

Абдуҳолиқ МИНГНАРОВ

т.ф.н., доцент

Тошкент молия институти

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ВА УНИНГ ҚИСМАТИ ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

1917 йил февраль ойидан бошлаб Россиянинг миллий ўлкалари, шу жумладан Туркистонда ҳам “мухторият” ғояси илгари сурила бошлади. Ўша давр миллий матбуотида Туркистон Мухториятининг фаолияти ва унинг қисматиға доир жуда кўп маълумотларни учратиш мумкин. Ушбу мақолада Мухторият ҳукуматининг фаолияти ва унинг қисматиға оид баъзи бир манбаларға тўхталиб, уларни таҳлил этиб ўтамиз.

Татар зиёлиларидан Нуширвон Ёвушев: “Мухториятни қўлга киритгандан кейин уни бошқариш масаласи ҳам юзага келади. Бунинг учун моддий ва маънавий куч керак бўлади. Баъзи бировлар халқ ночор, деб бунга қарши турибдилар. Тўғри, ҳозир айрим етишмовчиликлар бор. Лекин ёш тараққийпарварлар билан

²⁴¹Ишчилар дунёси. 1918 йил 1 март.

ишга киришилса, кенг йўллар очилади. Шундан кейин тез орада мамлакатни бошқара оладиган даражага етамиз”²⁴², деган эди.

Зиёлилардан Ислом Шоаҳмедов томонидан Туркистон мусулмонларининг II курултойида муҳокама қилиш учун тайёрланган “Туркистон федерацияси”²⁴³ номли лойиҳа катта аҳамиятга эга. Лойиҳа 27 моддадан иборат бўлиб, унда мухторият ҳукуматининг барча жабҳалари қамраб олинган.

Курултой кунлари Қўқон шаҳри аҳолиси ва бутун халқ мухторият ҳукумати тарафдори эканлигани кўрсатди, уни қувватлаб кўпинг кишилиқ намоишлар бўлганлигини маълумотлар тасдиқлайди. Халқимиз: “Туркистоннинг ери – бизнинг танамиз, суви – қонимиздир. Кимда – ким иккисига тегадиган бўлса, бизни қонимизни тўкиш билан баробардир”²⁴⁴, -деган шиорни илгари сурдилар.

1917 йил 1 декабрда Наманган уездида ҳам аҳолининг мухторият ҳукуматини қўллаб-қувватлашга бағишланган намоиши уюштирилди. Бу намоишда 100 минг киши иштирок этди. Қўчалар аҳоли билан тўлиб, “Яшасин Туркистон Мухторияти ва унинг ҳукумати”²⁴⁵, -деган шиорлар ёзилган плакатлар кўтариб хурсандлигидан йиғлар эди.

Шу йилнинг 3-4 декабрь кунлари мухторият байрамини ўтказдилар. Россия ва Кавказдан келган мусулмонлар биргаликда мусиқа садолари билан янги шаҳарга келдилар. 4 декабрда “Иттифоқ” жамият идорасида мактаб болалари байрам уюштирдилар. Ўша куни мактабда дарс бўлмади. “Иттифоқ” жамият аъзолари, мактаб ўқувчилари ва мусулмон аскарлари билан биргаликда мусиқа садолари остида эски шаҳарга бориб маҳаллий аҳолини Андижон татарлари номидан мухторият эълон қилинганлиги муносабати билан табрикладилар²⁴⁶.

13 декабрда Тошкент шаҳрида Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлашга бағишланган 100 минг кишилиқ намоиш бўлди.

²⁴² Туркистонга автономия олув ҳақида. //Улуғ Туркистон, 1917 йил 5 май.

²⁴³ Туркистон федерацияси.//Улуғ Туркистон 1917йил 7,10 сентябрь.

²⁴⁴ Туркистон мухторияти.//Улуғ Туркистон 1917йил 8 декабрь.

²⁴⁵ Мухториятга Туркистон мусулмонларининг шодлик намоишлари // Эл байроғи. 1917 йил.9 декабрь.

²⁴⁶ Андижонда мухторият намоиши // Улуғ Туркистон 1917йил 16 декабрь.

Намойишда “Уламо жамияти” аъзолари ҳам кўшилдилар. Мусулмон жамиятлари билан бир қаторда европалик жамият аъзолари томонидан маърузалар ўқилиб, улар ҳам ўзларини халқ комиссалари деб атаётган большевикларнинг зўронликларидан шикоят қилдилар ва биргаликда намойишни янги шаҳарга кўчиришни илтимос қилдилар²⁴⁷.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг, умуман мусулмонларнинг мухторият эълон қилгандан кейин рўй берган вазиятни эътиборга олиб, муҳитга берган баҳосини Ориф Клевлеевнинг Петроградга юборган телеграммасидан ҳам билиш мумкин. Унда шундай сатрлар ёзилган: “Туркистон халқи бир овоздан Туркистон Мухториятини эълон қилиб, ўлканинг бошқарув усулини Туркистон Таъсис мажлиси томонидан ишлаб чиқишни таклиф қилди. Руслар ва европаликлар ўлканинг 2 фоизини ташкил қилсада, халқ шўроси (миллий мажлиси М.А.) га сайланганларнинг 33 фоизини ташкил этди. Бироқ, Россия комиссарлари томонидан Туркистон Мухториятини тугатиш йўлида ҳаракатлар қилмоқдалар. Сизни Россия демократик жумҳуриятининг олий идораси эканлигингиздан бошқарувни Тошкентдаги комиссарлар советидан Туркистон Мухторияти ҳукуматига топширишга буйруқ беришингизни илтимос қиламан. Токи орада тортишув бошланиб, Туркистон мамлакати ҳалокатга дучор бўлмасин. Ҳарбий шўро раиси Ориф Клевлеев Қўқон 1917 йил 26 декабрь”²⁴⁸.

Кейинги сиёсий жараёнлар, бу большевикларнинг Туркистонда олиб борган босқинчилик сиёсатини кўриш мумкин. “1918 йил 18-25 январь кунлари Тошкентда бўлган большевикларнинг съезди Туркистон Мухториятини тугатишга қарор қилиниб, Мухторият аъзоларини дарҳол ҳибсга олиш кераклиги илгари сурилган”²⁴⁹. “Туркистондаги барча миллий маҳкамалар тугатилди, суд ишлари тўхта-тилди. Буларнинг ўрнига оддий рус солдат ва ишчиларидан “жамоат ҳукми” деган янги судлар ташкил қилинади. Маҳаллий аҳолининг ерларини қурол кучи билан тортиб олиб, большевиклар ўзлари ер кўмиталарини тузиб, Туркистон ерларини ерсиз рус крестянларига олиб бера бошладилар. Большевикларнинг фикрига кўшилмаган

²⁴⁷Тошкент мухторият намойиши // Улуғ Туркистон 1917йил 16 декабрь.

²⁴⁸Петроградга юборилган телеграмма // Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

²⁴⁹Сиёсий аҳвол // Улуғ Туркистон. 1918 йил 28 январь.

хукумат муассасалари ва бошқа миллий жамоат идораларининг барчасини фаолияти тўхтатилиб, уларнинг ўрнига рус солдат, ишчи ва крестянларидан тайинлай бошладилар²⁵⁰.

“Улуғ Туркистон” газетаси саҳифалари маълумотнинг гувоҳлик беришича, “Солдат ва ишчилар бир неча бор қуролланиб эски шаҳарга тушиб озик-овқат ва ғалла топиш учун тинтув ўтказадилар. Янги шаҳар (руслар яшайдиган қисми – М.А.)да ўзларининг озик-овқатлари тугаши билан Эски шаҳар (мусулмонлар яшайдиган қисми – М.А)га кўз олайтира бошлади. Мусулмонлар бу ҳолни адолат юзасидан бўлмаётганлигини маълум қилдилар²⁵¹. Шунингдек, “Эл байроғи” газетасида эътироф этилганидек, 1918 йил 13 январда қайсидир комиссарнинг фармонида кўра бир гуруҳ қазил аскарлар Қўқонга келдилар ва Ўрдани ишғол қиладилар. Учинчи куни эса барча банкларни ўз тасарруфига ўтказишади. 14 январь куни бир неча миллион сўмни олиб кетадилар. Бу маблағ Туркистон халқининг меҳнати эвазига ҳосил бўлганлигини маълум қилса,²⁵² иккинчи бир манбада шундай маълумотлар бор: “Ушбу банклардан олинган маблағларни Тошкентга келтириб, ундан фойдаланиш ҳуқуқи фақат комиссарлар совети ихтиёрида бўлиши кераклиги айтилган. Ўша куни Қўқон банкидан 8 миллион 223 минг сўм 17 тийин олиб кетилган²⁵³.

Бунинг устига Россиядан ғалла келтириш тўхтаб қолган эди. Большевиклар маҳаллий халқнинг бор-будини талай бошлайдилар. Аҳоли оч-яланғоч ҳолатига тушиб қолади. Натижада Туркистон Мухторияти хукумати ва миллий зиёлилар бошчилигида “Очларга ёрдам” қўмитасини тузилиб, халқни ушбу ҳолатдан олиб чиқиб кетишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир даҳаларнинг марказий қисмида кўплаб қозонларда овқат тайёрланиб текин тарқата бошлайдилар. Большевиклар талончилик, босқинчилик қилаётган бир вақтда, аждодларимиз, миллий зиёлиларимиз ва ўзига тўқ табақа кишилари ана шундай олийжаноблик ишларини амалга оширганлар. Буни қуйидаги манбалардан ҳам кўриш мумкин:

²⁵⁰Маҳкамаларни ўзгариши // Улуғ Туркистон. 1917 йил 20 декабрь,

²⁵¹Эски шаҳарда тинтув // Улуғ Туркистон. 1918 йил 4 январь.

²⁵²Мухториятли Туркистоннинг миллий мажлиси // Эл байроғи. 1918 йил 23 январь.

²⁵³Банклардан ақча олув ҳақида // Улуғ Туркистон. 1918 йил 21 январь.

№	Мақолалар	Нашри	Йил	Ой,кун
1	“Овқат масаласи”	“Улуғ Туркистон”	1917 йил	31 декабрь
2	“Дахшатли очлик олдидан”	“Улуғ Туркистон”	1918 йил	4 январь
3	“Очлик балоси”	“Улуғ Туркистон”	-/-	24 январь
4	“Очдан ўлганлар”	“Улуғ Туркистон”	-/-	3 февраль
5	“Очларга ёрдам этайлик”	“Улуғ Туркистон”	-/-	3 февраль
6	“Очлар фойдасига”	“Улуғ Туркистон”	-/-	23 февраль
7	“Оч қолган ишсизлар фойдасига”	“Улуғ Туркистон”	-/-	23 февраль
8	“Очлар фойдасига театр”	“Улуғ Туркистон”	-/-	2 март
9	“Очларга ёрдам”	“Улуғ Туркистон”	-/-	7 март
10	“Очларга ёрдам”	“Улуғ Туркистон”	-/-	12 март
11	“Очларга ёрдам”	“Улуғ Туркистон”	-/-	14 март
12	“Очлик қурбонлари”	“Улуғ Туркистон”	-/-	8 июнь
13	“Ва яна жамияти хайрия”	“Хуррият”	-/-	26 декабрь
14	“Жамияти хайрия”	“Хуррият”		22 март
15	“Очларга ёрдам”	“Хуррият”		22 апрель

Миллий матбуот саҳифаларида большевикларнинг бу миллий мухторият ҳукуматини шавқатсиз тарзда бостирганлиги тўғрисида жуда кўп манбаларни учратиш мумкин. Хусусан, “Улуғ Туркистон” газетасининг 1918 йил 26 февраль сониди “Туркистон мусулмонларининг фожеаси”, 8 март кунги сониди “Қўқон фожеаси”, 9,12,14,19 март кунги сонларида эса “Қўқон фожеалари”, 3 май кунги сониди “Қўқон мухториятини авф умумий”, 30 май кунги сониди “Қўқонда бўлган воқеа” номли маълумотлар бор.

Қўқонлик фуқаро Юсуф Халилий Қўқон фожеаларини шундай таърифлайди: “Қўқон кўчалари тамом ёниб бўлди. Маданий мусасалар, оптика, типография, банклар, нотариус конторалари, амбулатория, бозорлардаги барча дўконлар, жумладан 11 минг ҳовли, 19 та мадраса, 37 та масжид ёниб кулга айланди. Мусулмон оилалари дашноқ арманлари қиличи билан ўлдирилмоқда. “Қарокчи қум” станциясидан Олтиариқ станциясигача бўлган 117 чақирим ердаги қишлоқлардаги мусулмонлар дашноқ арманлари томонидан ўлдирилиб, уйларига ўт қўйиб юборилмоқда. Мусулмонлардан тортиб олинган ғаллалар тўғридан-тўғри қалъага олиб келтирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлардаги мусулмонларнинг пули, ғалласи, қўй ва

моллари қолмади. Ҳаттоки, эски қози ва мингбошиларни тутиб келтириб эллик ва юз минглаб пулларини тортиб олдилар. Фарғонада ҳар бир рус солдати ўзи ҳоким, ўзи подшодир. Улар нимани хоҳласа, шу ишни қиладилар. Бу ғаламисликларни жавобгарликка тортиш у ёқда турсин, ҳатто суриштириб ҳам ўтирмайдилар²⁵⁴,- деб ёзади.

Бойлик талашишда, ҳатто большевикларнинг ўзлари ўртасида ҳам ўзаро келишмовчиликлар келиб чиқа бошлади. 1918 йил 8 март куни Ўрта Осиё темир йўл хизматчилари билан касаба иттифоқи аъзолари катта намоиш қилиб, комиссарлар советидан нима сабабга кўра Першин ва бошқа комиссарларга йилига 12 минг сўм даромад тайинланганлигини, комиссарлар газеталарни зўрлик билан ёпишгани, матбуотда ҳақиқий воқеаларни ёритишга рухсат бермаётганлиги ва шунга ўхшаш 18 тага яқин саволларига жавоб беришларини талаб қилдилар. Шунингдек, Бухородаги давлат банк шўъбасидан олинган 40 миллион сўм пул билан 175 пуд (1пуд- 16,3кг) кумуш, ва 37 кадоқ (1кадоқ-409,5грам) олтин қаерга қўйилганлигини сўрадилар. Аммо комиссарлар совети бу намоишни тарқатиб юборишади.²⁵⁵

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, 1917-1918 йиллардаги миллий матбуот саҳифаларида Туркистон Мухториятига доир манбаларни тўлиқ ўрганиб, уларни таҳлил этгандагина ушбу давр воқеаларига, сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнларига тўлақонли баҳо бериш мумкин. Қолаверса, Туркистон Мухториятига доир воқеъликлар ҳақида қизиқувчилар ҳам ҳаққоний маълумотларга эга бўла оладилар.

²⁵⁴Хўқанднинг ҳоли // Улуғ Туркистон. 1918 йил 2 апрель.

²⁵⁵Большевиклар ҳаракатида бухрон // Улуғ Туркистон. 1918 йил 12 март.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ЗАМОНДОШЛАР ҚАРАШЛАРИДА

Миллий давлатчилик қурилиши масаласига ёндошиш, Туркистоннинг тўла мухторият олиш ғоясини илгари суриш миллий газета саҳифаларида 1917 йил апрел ойидан бошлаб кўзга ташланади²⁵⁶.

1917 йил апрелида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонлари I қурултойининг туб мақсади ҳам мамлакатни қандай идора қилиш ҳамда миллий ҳукумат тузишга ҳозирлик кўриш эди. Газеталарнинг апрел, май ойи сонларида берилган мақолаларда 1917 йилнинг 1 май куни Москвада чақирилган I Умуммусулмон съезди, кун тартибига қўйилган масалалар: Бутунроссия мусулмонлар кенгашининг тузилиши, мусулмонларнинг Таъсис мажлисида қатнашиши, маданият, фан, дин, жойлардаги бошқарув ва бошқалар хусусида ҳам сўз юритилди²⁵⁷.

1917 йилнинг ёзига бориб, диний ислохотлар, аёллар масаласи, Россия билан Туркистоннинг давлат тузилмаси каби бир қанча масалалардаги фикрлар қарама-қаршилиги натижасида “Шўро исломия” ташкилотидан “Уламо жамияти” ажралиб чиқди. Бу бўлинишга қарамай, ҳар икки гуруҳ ҳам Туркистонни мустақил давлат сифатида бошқарилиши тарафдорлари эдилар. 1917 йилнинг 21 июлида эса Қозонда II Бутунроссия мусулмонлари съезди очилди. Ўн кун давом этган ушбу съездда асосий масалалар қаторида миллий мухториятни вужудга келтириш масалаласи ҳам муҳокама этилди. Шу йилнинг кузига борганда Туркистондаги миллий демократик ҳаракатларда

²⁵⁶ Яшасун ҳуррият // Ал - Изоҳ. 1918, 1 апрель. – Б.812- 817; Тоҳирий И. Ҳуррият // Ал - Изоҳ. 1918, 1 апрел. – Б.814-820; Абдушукур Аълам. Ҳуррият ҳақида // Ал - Изоҳ. 1918, 1 апрель. – Б.820- 822; Васлий. Ҳуррият ҳақида // Ал - Изоҳ. 1918, 15 апрель. – Б.853- 855; Мулла Ҳошим Махсум. Ҳуррият ҳақида // Ал - Изоҳ. 1918, 15 апрель. – Б.858- 859; Умумий Туркистон мусулмонларининг съезди // Турон. 1917, 17 апрель; Ёвушев Н. Бу кунги вазиғамиз // Турон. 1917, 25 апрель ва б.

²⁵⁷ Нажот. 1917, 23 апрель; Шомаҳмудзода М. Умумий Русия съезди // Ҳуррият. 1917, 29, 30 май.

сиёсий кучлар ўртасида бирлашиш жараёни кузатилади. 1917 йилнинг 17-20 сентябрь кунлари “Уламо” ташаббуси билан Тошкентда чақирилган Туркистон ва қозоқ мусулмонларининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда Туркистоннинг деярли барча ҳудудлари ҳамда Урал ва Тўрғай вилоятларидан беш юзга яқин вакиллар қатнашди. Қурултойнинг Туркистон Мухторияти тузишга қарор этганлиги матбуот саҳифаларидаги асосий мавзулардан бири бўлди²⁵⁸.

Миллий мустақиллик учун ана шундай сиёсий ҳаракатлар авж олган бир вақтда Октябрь тўнтариши бўлиб ўтди. Бирок, бу тўнтаришдан кейин ҳам қутилган натижаларга эришилмади. Яъни, большевиклар ҳукумати миллий сиёсатда кўплаб жиддий хатоларга йўл қўйди: улар марказий ҳокимият раҳбарлар томонидан эълон қилинган ҳужжатларга қарама-қарши бўлган қарорларни эълон қилиб, чор ҳукуматининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсатинининг бевосита давомчилари сифатида сиёсат олиб бордилар. Улар ҳам ўлкада ўзларининг ҳукмронлик сиёсатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Бу айниқса, 1917 йилнинг 15-21 ноябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган ишчи, деҳқон, солдат депутатларининг III съездида ўз аксини топди. Съездда ўлкани бошқаришда мусулмонларнинг иштирок этиши нолайик деб топилди. Бунинг сабаби большевикларнинг фикрича, “шўролар ҳокимиятига маҳаллий аҳоли муносабатининг ноаниқлиги ва улар орасида пролетар синфий ташкилотининг йўқлиги”²⁵⁹ да эди.

Маҳаллий аҳоли ўзининг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларидан, миллий давлат қурилишида иштирок этиш имкониятидан маҳрум қилинди. Буларнинг барчаси туркистонликлардаги миллий озодлик тўғрисидаги шиорларга бўлган ишончини сўндирди. Туркистон Мухторияти давридаги ўлкада мавжуд ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларга, айниқса, советлар ҳокимияти томонидан амалга оширилган сиёсатга норозилик кайфиятлари ўша давр замондошлари қарашларида акс эттирилган бўлиб, муаллифларнинг кўпчилигини

²⁵⁸ Улуғ Туркистон. 1917, 30 сентябрь; Ал-Изоҳ. 1917, 4 октябрь.

²⁵⁹ Идора. 16 ноябрда Тошкентда бўлган мусулмон краевой съездининг қарори // Ал - Изоҳ. 1917 йил 28 ноябрь; Туркестанские ведомости. 1917, 21 ноябрь.

Туркистон ўлкасининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларида бевосита иштирок этган давлат ва жамоат арбоблари, маҳаллий зиёлилар ташкил этади. Улар ўзларининг нутқ ва мақолалари, асарлари, хатлари орқали ўлкадаги миллий демократик давлат қурилиши, унинг истиқболи, большевиклар ҳукуматининг бу борадаги сиёсати ҳамда ундаги камчиликларни таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар.

Дастлаб Туркистон Мухториятининг ташкил топишида бевосита иштирок этган жаҳид намоёндаларининг бу масалага қарашлари ҳақида фикр юритмоқ жоиз. Туркистон тараққийпарварларининг айнан Туркистон Мухторияти тарихи масалаларига бағишланган мақолаларини кўпчилиги уларнинг ўз ҳисобларидан очган миллий матбуот саҳифаларидан ўрин олган. Биргина “Улуғ Туркистон” газетасининг ўзида мухторият ташкил топган пайтдан бостирилгунга қадар бўлган давр мобайнида 30 га яқин²⁶⁰, “Ҳуррият” (Самарқанд)

²⁶⁰Бакир М. Туркистон Мухториятининг барпо бўлишига куч керак // Улуғ Туркистон. 1917, 24 декабрь; Ўша муаллиф. Туркистон мажлиси муассасони» (Эл қурултойи) // Улуғ Туркистон. 1918, 19 февраль; Ўша муаллиф. Булутлар куйиладур // Улуғ Туркистон. 1918, 21 январь; Ўша муаллиф. Хасталикларимиз // Улуғ Туркистон. 1918, 28 март; Ўша муаллиф. Мудофаа // Улуғ Туркистон. 1918, апрель; Шермухамедов М. Туркистон ёшларининг эътиборина // Улуғ Туркистон. 1917, 23 август; Сайфулмулк Н. Учиридительный собрания не нарса? // Улуғ Туркистон 1917, 8 май; Ўша муаллиф. (Иброҳим Тоҳирий билан) Халқ жумҳурияти // Улуғ Туркистон 1917 20 май; “Солдат”. Миллий сармоя керак // Улуғ Туркистон. 1917, 18 август. Аҳмаджон А. Туркистон Мухторияти // Улуғ Туркистон. 1917, 13 декабрь; Явушев Н. Туркистонга автономия олув ҳақида // Улуғ Туркистон. 1917, 5 май; Янгулатов Х. Миллий ва маданий мухторият // Улуғ Туркистон. 1917, 27 июл; Шоаҳмедов И. Туркистон Мухторияти ва иқтисодий автономия // Улуғ Туркистон. 1917, 18 ноябрь. (Муаллифи кўрсатилмаган). Туркистон Мухторияти ишлари // Улуғ Туркистон. 1918, 4 январь; Шамъун. Мухторият ва Тошкент уламоси // Улуғ Туркистон. 1918, 11 январь; (Муаллифи кўрсатилмаган). Туркистон Мухторияти ва қозоқлар // Улуғ Туркистон. 1918, 11 январь; (Муаллифи кўрсатилмаган). Муваққат Туркистон Мухторияти ишлари // Улуғ Туркистон. 1918, 31 январь; (Муаллифи кўрсатилмаган). Большевизм ва мусулмонлар // Улуғ Туркистон. 1918, 21 февраль. (Муаллифи кўрсатилмаган). Хўқанд фожеалари // Улуғ Туркистон. 1918, 9, 12, 14, 19 март; Юсуф Халил. (замондош) Хўқанднинг фалокати // Улуғ Туркистон. 1918, 2 апрель; (Муаллифи кўрсатилмаган). Тошкент совети ва Туркистон Мухторияти // Улуғ Туркистон. 1918, 16 апрель.

газетасида 15 га яқин²⁶¹, “Эл байроғи” да 10 га яқин²⁶², “Ал-Изоҳ”, “Ал-Ислоҳ”, “Изҳор-ул ҳақ” ва бошқа миллий журналларда ҳам бир неча²⁶³ ижтимоий-сиёсий мақолалар чоп этилган.

Туркистон тараққийпарварлари Туркистонда келгусида тузиладиган миллий давлат шакли, унинг Россия билан муносабати ва алоқалари масалалари юзасидан февраль инқилобидан кейинқ кизгин баҳслар юритдилар. Айниқса, давлат тузилмаси шакли борасидаги баҳслар қизгин кечди. Улар Туркистон ўлкаси батамом мусулмон республикаси бўладими ёки Россия федерацияси таркибида мухтор бўладими каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Зиёлиларнинг бир қисми федерация йўлини танлаган бўлса, бошқа бир қисми тўла мустақил бўлиш йўлини маъқул топдилар²⁶⁴. Хусусан, 1917 йилнинг 16-21 апрель ойда Тошкентда ўтказилган Умумтуркистон мусулмонлар I съезида Мунаввар қори Абдурашидхонов, М.Чўқаев ва С.Мақсудийлар ўша вақтда “миллий

²⁶¹ Фитрат А. Сиёсий ҳоллар // Хуррият. 1917, 7 ноябрь. Ўша муаллиф. Иш замона ўтмасдан // Хуррият. 1917, 14 ноябрь; Ўша муаллиф. Мухторият // Хуррият. 1917, 5 декабрь; Ўша муаллиф. Туркистонда руслар // Хуррият. 1918, 2 январь; Ўша муаллиф. Таксими аъмол // Хуррият. 1918, 16 январь; Бехбудий М. Туркистон Мухторияти // Хуррият. 1917, 19, 22 декабрь; Ўша муаллиф. Даъват // Хуррият. 1918, 12 январь; Ўша муаллиф. Қозоқ қардошаларимизга // Хуррият. 1918, 5 январь; Хожи Муин. Большевиклар ва биз // Хуррият. 1918, 9 январь; Ўша муаллиф. Оғир ҳоллар // Хуррият. 1918, 22 февраль. (Муаллим) “М.Н.К”. Яшасин Туркистон Мухторияти // Хуррият. 1918, 2 январь; Ўғузхон. Сўз ва иш // Хуррият. 1918, 19 январь; Ўша муаллиф. Сиёсат оламинда // Хуррият. 1918, 19 февраль; Нажиб. Мухим кунлар // Хуррият. 1918, 22 январь; С.А. Маънос бўлмаслик керак // Хуррият. 1918, 1 март; (Муаллифи кўрсатилмаган). Хўқанд фожеаси // Хуррият. 1918, 5 март.

²⁶² А.Бек. Виждон имтихонлари // Эл байроғи. 1917, 4 ноябрь; Қипчок. Бугундан киришурга // Эл байроғи. 1917, 4 ноябрь; Ўғизхон. Наманганда большевик ҳаракати // Эл байроғи. 1917, 23 январь; Тешабой. Мухторият эълон этилди // Эл байроғи. 1918, 28 январь; (Муаллифи кўрсатилмаган). Улуғ байраимиз // Эл байроғи. 1917, 7 ноябрь; (Муаллифи кўрсатилмаган). Химмат ва ғайрат керак. Нима учун керак? // Эл байроғи. 1917, 9 ноябрь; (Муаллифи кўрсатилмаган). Мухториятли миллатлар ва большевиклар // Эл байроғи. 1918, 23 январь; (Муаллифи кўрсатилмаган). Англайдургон вақт // Эл байроғи. 1918, 26 январь; Абдуллабек. (номсиз мақола) // Эл байроғи. 1918, 26 январь ва б.

²⁶³ Васлий С. Мухторият учун нутқ // Ал - Изоҳ. 1918, 14 февраль. – Б.231-232; Ўша муаллиф. Тараққий ва Ватан ҳақида // Ал - Изоҳ. 1918, 14 февраль. – Б.232 -234.

²⁶⁴ Алимова Д.А. Жадиҳчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Жадиҳларнинг давлатчиликка оид қарашлари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: Шарқ. 2001. – Б.149-172.

худудий мухториятга эришиш керак эмас, чунки мусулмонлар ер-сув ишларини бошқаришни ўзлари уддалай олмайдилар, шунинг учун маданий-маърифий масалаларда мухториятга эришиш керак”²⁶⁵, деб ҳисобладилар. Н. Явушев эса Туркистонга мухторият бериш зарур²⁶⁶, деб ҳисоблади.

Туркистон жадидларининг йўлбошчиси ҳисобланган, миллий давлатчилик ғояларини ривожланишига бекиёс ҳисса қўшган М. Бехбудий Туркистон мусулмонлари ўз шариат ва одатларига мувофиқ тирикчилик қилишлари, ўлкада яшовчи барча халқлар манфаатлари ҳисобга олиниши зарурлиги ҳақида фикр юритар экан, у Россия таркибидаги мухторият масаласини кўтариб чиқди. Ҳатто “Россия таркибида туриб ҳам мустақилликка эришиш мумкин”, деб ҳисоблади. Унинг фикрича, “Россия мусулмонлари учун Россия пойтахтида бир мусулмон марказий идораси вужудга келади, рус, яҳудий ва бошқалар қўшилгани ҳолда Туркистон ҳукумати таъсис этилиб, мазкур ҳукуматнинг ўз парламентаризми бўлиши лозим” эди. Шундай қилиб, мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятнинг олий органлари, бошқаруви ва суд механизмлари, ўз давлат тузилишини барпо этишга киришган тараққийпарварлар бошқарувнинг республика шаклини, давлатнинг тузилиши жиҳатдан мухторият шаклини танладилар. Устивор мақсад қилиб, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган, конституцион жиҳатдан кафолатланган демократик жамиятни шакллантириш белгиланди.

Тараққийпарварларнинг миллий давлат барпо қилиш борасидаги орзуниятлари қийинчилик билан бўлсада, рўёбга чиқди. “Шўрои Исломия”, “Турк Адами марказияти”, “Иттифоқ” ва бошқа фирқалар ташаббуси билан 1917 йилнинг 26-29 ноябрь кунлари Туркистон ўлка мусулмонларининг Фавкулудда IV қурултойида ўлкадаги дастлабки миллий демократик давлат – Туркистон Мухторияти эълон қилинди²⁶⁷.

Мухториятчиларнинг миллий давлатчилик ғоялари биринчи навбатда халқни маърифатли қилиш, мамлакатни илғор ривожланган

²⁶⁵ (Муаллифи кўрсатилмаган). Умумтуркистон мусулмонларнинг қурултойи // Улуғ Туркистон. 1917, 25 апрель; (Муаллифи кўрсатилмаган) Миллий идорасинда алмашинув ва Туркистон // Улуғ Туркистон. 1917, 25 апрель.

²⁶⁶ Явушев Н. Туркистон автономиясини олув ҳақида // Улуғ Туркистон. 1917, 5 май.

²⁶⁷ Туркистон Муваққат ҳукумати тарафиндан // Улуғ Туркистон. 1917, 8 декабрь.

давлатлар қаторига қўшиш учун миллий кадрлар етиштириш, иктисодиёт, фан ва маданиятни ривожлантириш, ижтимоий, диний ва миллий келиб чиқишидан қатъий назар бутун мамлакат учун демократик ҳуқуқ ва эркинликлар бериш каби тамойилларга таянган ҳолда фаолият олиб бордилар.

Туркистон аҳолисини мураккаб сиёсий вазиятлар таъсирида вужудга келган иктисодий тангликдан олиб чиқиш вазифаси мухториятчиларнинг биринчи галдаги вазифалари қаторидан ўрин олди. Шуни назарда тутиб янги сайланган ҳукуматга “тез орада Туркистоннинг Таъсис мажлисини чақириш, ғалла ва озиқ-овқат ҳамда биринчи даражада зарур бўлган нарсалар билан халқни таъмин этиш ва шу мақсадда “Жанубий-Шарқий иттифоқ”²⁶⁸ билан вақтинчалик музокара қилиш, мухторият учун молияни вужудга келтириш, миллий армияни ташкил этиш, Туркистонда бўлган турли миллатларнинг ҳуқуқини таъмин этиш”²⁶⁹ каби бир қанча масъулиятли вазифалар юклатилди.

Мухторият эълон қилинган, Туркистондаги деярли барча миллий матбуот саҳифаларида бу қувончли воқеа ҳақида мақолалар, хабарлар²⁷⁰ кетма-кет босиб чиқарилди. Қурултой ишини ўлкада фаолият олиб борган «Свободный Самарканд» (“Озод Самарканд”),

²⁶⁸“Жанубий-Шарқий иттифоқ: Оренбургдан Жануб ва Шарққа қадар бўлган барча худудларни (Оренбург, Урал, Кубан, Семиречьедага казак қўшинларини, козок, киргиз, калмик, бошқирд ерларини, Кавказ тоғликлари ва Озарбайжон татарларини) ўзи раҳбарлигида бирлаштиришни мақсад қилиб олган бўлиб, иттифоқнинг асосий ғояси инқилоб маркази бўлган собиқ Россия губернияларининг хом ашё ва нон базаси худудларида аксилинқилобни мустаҳкамлашдан иборат бўлган. // Қаранг: Алексеев П. Кокандская Автономия. – Ташкент: Узгиз, 1931; Алексеев П. Кўкон Автономияси (М. Усмон таржимаси). – Тошкент: Уздавнашр.– 75 б.

²⁶⁹Мухториятли Туркистоннинг Муваққат ҳукуматидан (1917 йил 29 ноябр) чиқарилган қарорлар // Эл байроғи. 1917, 4 декабрь.

²⁷⁰Идора. Мусулмон краевой сиездининг багафсил қарори // Ал - Изох. 1917 йил, 28 ноябрь; Идора. Тошкентда Мухторият намойиши // Ал - Изох. 1917 йил, 25 декабрь; Туркистон Мухторияти // Улуғ Туркистон. 1917, 8 декабрь; Хўқанддаги съезд қарори // Ал - Изох. 1917, 11 декабрь; Тошкент хабарлари. Тошкентда Мухторият куни // Чаён. – Тошкент. 1917. – № 8-9. – Б. 14-15; Мухториятли Туркистоннинг Муваққат ҳукуматидан (1917 йил 29 ноябрда чиқарган қарорлар) // Эл байроғи. 1917, 9 декабрь; Туркистон Мухторияти // Улуғ Туркистон. 1917, 8 декабрь; Мусулмон ишчи дехқонлар съезди // Улуғ Туркистон. 1917, 4 январь.

«Туркестанский вестник» каби русийзабон газеталар ҳам ўз саҳифаларида муҳокама қилиб борди²⁷¹.

Курултой томонидан қабул қилинган қарорлар асосан бутун Туркистон халқининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. “Ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи кафолатланиши, Туркистонда яшаётган бошқа миллатлар ҳам Туркистон Мухториятининг тенг бир ҳуқуқли аъзоси сифатида келажаги таъминланиши кўзда тутилгани²⁷² ҳам миллий матбуот саҳифаларида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Курултойда кўрилган асосий масалалардан яна бири – янги тузилган миллий ҳукуматнинг “Жанубий-Шарқий иттифок”қа муносабати масаласи²⁷³ эди. Совет даври тадқиқотларида мазкур съезднинг иттифокқа кўшилиши тўғрисидаги қарори унинг “аксилинқилобий” моҳиятини очиб беришда муҳим асослардан бири сифатида хизмат қилди. Ҳозирга қадар бу масала етарли даражада ўрганилмаган.

Курултойнинг Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар мазкур иттифок билан вақтинчалик шартнома тузишга қарор қилганлигига қандай омил сабаб бўлган? Бу саволга «Свободный Туркестан» газетасидан ўрин олган Б. Ельчиевнинг “Туркистон Мухторияти ва Жанубий-Шарқий иттифок” номли мақоласи²⁷⁴ бирмунча аниқлик киритади. Мақола мазмунидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, курултой “Жанубий-Шарқий иттифок”қа совет тарихчилари ёзганидек, “совет ҳокимиятига қарши курашишда аксилинқилобий кучлар билан бирлашиш мақсадида” эмас, балки ўлкада кечаётган қийин иқтисодий вазиятни олдини олиш мақсадида, ундан чиқиш йўллари ҳисобга олиб, унга аъзо бўлиш ҳақидаги қарорни қабул қилган.

Хуллас, миллий газета ва журналларда чоп этилган мақолалар, ёритилган муаммолар хилма-хил бўлишига қарамай, улар биринчи

²⁷¹Свободный Самарканд. 1917, 7 декабрь; (Муаллифи кўрсатилмаган). Туркистон Автономияси ҳақида рус матбуоти // Улуғ Туркистон. 1917, 10 декабрь; Туркестанский вестник. 1917, 9 декабрь.

²⁷²Улуғ Туркистон. 1917, 8 декабрь, Известия Временного правительства Автономно-го Туркестана. 1917, 13 декабрь.

²⁷³Тарихчи П. Алексеевнинг ёзишича “бу масала курултой кун тартибига Оренбург казак аксилинқилоби раҳбари атаман Дутов таклифи билан қўйилган. Қаранг: Алексеев П. Кокандская Автономия.– Ташкент: Узгиз, 1931. – С.21.

²⁷⁴Ельчиев Б.И.Туркестанская автономия и Юго-Восточный союз // Свободный Туркестан. 1918, 30 январь.

навбатда халқ онгида ўзликни англаш, маданият, билимни ўстиришга асосий эътиборни қаратган эдилар. Уларда мухторият ҳукуматининг вужудга келтирилиши халқнинг асрий бир орзуси натижаси сифатида катта хурсандчилик билан қарши олинганлиги акс эттирилди, ташкил топган янги ҳукумат равнақи хусусида кизгин фикрлар юритилди. Туркистон большевиклари эса халқни бундай ғояларидан узоқлаштириш мақсадида турли йўллارни излаб топдилар. Биринчи навбатда кўплаб миллий матбуот нашрлари фаолияти тугатилди ва совет матбуотига эътибор қаратилди. Бу даврда бирор қаламкашнинг совет матбуотида иштирок этиши ўша ёзувчининг “услуги, моҳирлиги, қалами ўткирлигига қараб эмас, балки унинг умуман тутган йўлига қараб, унинг ўз таълимоти билан ишчилар оmmasига қандай фойда келтиришига қараб фикр юритилиши лозим эди”²⁷⁵.

«Наша газета», «Туркестанская искра», «Советский Туркестан», «Новый путь» каби номлар билан фаолият юритган совет матбуоти²⁷⁶ мухториятнинг “аксилинқилобий” моҳиятини очиб беришда большевикларга дастлабки қурол вазифасини ўтади. Айниқса, 1917 йил апрель ойида ташкил топган «Наша газета» бу йўлда алоҳида хизмат кўрсатди²⁷⁷. «Новый путь» газетаси ҳам Туркистон Мухториятини “бой ва рус авантюристлари томонидан эълон қилинган ҳукумат”²⁷⁸, сифатида баҳолади. Мазкур газета саҳифалари Туркистон мусулмонларининг Фавқуллодда IV ўлка қурултойига умуммусулмон ишчилар, мусулмон меҳнаткаш пролетариатидан вакиллар кiritилмаганлиги²⁷⁹ сабабли бу қурултой умуммусулмон съезди бўла олмаслигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

²⁷⁵ Абдуллаев В., Тоғаев В.О., Шомахсудов А., Пидаев Т. Ўзбекистон матбуоти 50 йил ичида. – Тошкент: ТошДУ, 1967. – Б.13.

²⁷⁶ Бу ҳақда қаранг: Орипов Қ. Совет матбуоти тарихига бир назар. Тош дав.пед. инс. Илмий асарлар. 43–жилд. – Тошкент. 1965. – Б.135-144; Джамбакиев Х. Развитие национальной партийно-советской печати и её роль в борьбе за победу и упрочение советской власти в Туркестане (1917-1920 гг). – Ташкент: ТашГУ. 1972. – 20 с.

²⁷⁷ Заседание съезда ташкентских солдат, рабочих депутатов (1917 г. 19 январь) // Наша газета. 1918, 21 январь; Заседание ташкентских солдат, рабочих депутатов // Наша газета. 1918, 23 февраль.

²⁷⁸ Автономия Туркестана // Новый путь. 1918, 25 январь, На краевом съезде советов и рабочих депутатов в заседании 23 января, по вопросу об автономии Туркестана // Новый путь. 1918, 27 январь.

²⁷⁹ К съезду мусульман в Коканде // Наша газета. 1918, 2 декабрь; Жизнь национальностей 1918, 15 декабрь.

Большевикларнинг “адолатпарвар”, “халқчил” ҳукуматига катта умид боғлаган миллий зиёлилар уларнинг асл қиёфаси намоён бўлгач, мақолалар орқали ўз норозиликлари билан чиқа бошлади²⁸⁰.

Тараққийпарварларнинг тузилажак миллий давлатнинг иқтисодий жиҳатлари хусусида қарашлари қандай эди?

Улар келажакда чет давлатларга қарам бўлмаган, бой давлат бўлиши учун миллий мухторият ҳар жиҳатдан моддий ва иқтисодий қувватга молик бўлгандагина таъмин эта олиниши, бунинг учун эса энг аввало эҳтиёжга молик биринчи даражада бўлган нарсаларни ортиғи билан Туркистоннинг ўзида етиштириши, завод ва фабрикалар қуриш, суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш, чет эл техникаси билан танишиш, миллий ҳазинани ташкил этиш, молияни ислоҳ қилиш, солиқ ва закотларни бир интизомга солиш зарурлиги²⁸¹ни таъкидладилар.

1917 йилнинг 15 декабрида эса совет ҳукуматининг “Ер ва суғориш тизимларини национализация қилиш тўғрисида”ги Декрети қабул қилинди²⁸². Декретга биноан барча хусусий банклар (транспорт ва ташқи савдо ҳам) мусодара этилди, давлат заёмлари бекор қилинди.

1918 йил январь ойининг иккинчи ярмидан большевикларнинг талон-тароғликлари бошланиб кетди²⁸³. Мухторият ҳукумати имкон қадар тиришсада, I Жаҳон уруши, очлик ва қимматчиликнинг таъсири, мухториятчиларнинг иқтисодий вазиятни енгиллаштиришга қаратилган тадбирларига тўсқинлик қиларди. Бундан ташқари мухториятчилар олдида миллий армия ташкил этиш вазифаси ҳам бор эди.

Туркистон Мухторияти эълон қилинган тарихий ўлка муслмонларининг Фавқулодда IV қурултойида Туркистонда яшовчи

²⁸⁰ Хожи Муин. Большевиклар ва биз // Хуррият. 1918, 9 январь; (Муаллифи кўрсатилмаган). Англайдурғон вақт // Эл байроғи. 1918, 21 январь.

²⁸¹ Ёвушев Н. Хитой ва Рус туркистонлилари орасидаги муносабат // Вақт. 1917, 8 январь; Шоаҳмедов И. Туркистон Мухторияти ва иқтисодий автономия // Улуғ Туркистон. 1917, 18 ноябрь; Мухтор Бакир. Туркистонда миллий банк очмок керак // Улуғ Туркистон. 1917, 19 январь; Ўша муаллиф. Туркистон ва туркистонлилар // Улуғ Туркистон. 1917, 20 декабрь ва бошқ.

²⁸² Подготовка и проведение Великого Октябрьского социалистического революции в Узбекистане. Сб. документов. – Ташкент, 1947. – С.241.

²⁸³ Наша газета. 1918, 23 февраль; Хабарлар // Улуғ Туркистон. 1918, 19 январь; Хабарлар. Хўқанд // Хуррият. 1918, 22 январь.

миллатларнинг ҳуқуқларини сақлаш мақсадида миллий кўшин ташкил қилиш ҳам муҳокама этилган асосий масалалар қаторидан жой олди²⁸⁴. Мухторият ташкилотчилари ўзларининг ҳар бир нутқ ва мақолалари орқали туркистонликлардан миллий аскар ташкил этишга даъват этиб бордилар. Большевикларнинг мухториятга бўлган муносабати миллий армияни янада мустаҳкамлашни тақозо этарди.

Большевиклар миллий кўшин ташкил этилишини ҳам “аксинқилобчилик ҳаракат”²⁸⁵ деб баҳолади ва имкон қадар таъкиб остига олишга ҳаракат қилдилар. Буни англаган тараққийпарварлар очиқ-ойдин танқидий фикрларни билдирдилар²⁸⁶. Бироқ, Туркистон ўлка советларининг 1918 йил 23 январида бўлиб ўтган IV съездида Қўқондаги ҳукуматни тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилинди²⁸⁷. Шу даврдан бошлаб вазият янада чигаллашди: 31 январдан эътиборан Туркистон Мухториятининг аскарари билан большевиклар орасида қуролли тўқнашув бошланди²⁸⁸. Хуллас, Туркистон аҳолиси томонидан кенг қўллаб-қувватланган, уларнинг орзу-истаклари заминидан вужудга келган Туркистон Мухторияти етмиш икки кунгина умр кўриб, большевиклар томонидан бостирилди.

Мазкур фожеа ва унинг салбий оқибатларига оид қарашларни 20 йиллар ўргаларига қадар бўлган даврда кўплаб учратиш мумкин²⁸⁹.

²⁸⁴ Туркистон Муваққат ҳукумати тарафиндан // Улуғ Туркистон. 1917, 8 декабрь.

²⁸⁵ Самарқанд хабарлари. Таъкиб (мусулмонлардан милиция) // Хуррият. 1918, 12 январь., 1918, 16 январь; Хабарлар. Расулов ва Мирабдилов // Хуррият. 1918, 19 январь; Эл байроғи. 1918, 26 январь.

²⁸⁶ Эл байроғи. 1918, 26 январь; Бакир М. Булутлар қуйиладур // Улуғ Туркистон. 1918, 21 январь; Ўша муаллиф. Туркистон Мухториятини барпо бўлишига куч керак // Улуғ Туркистон. 1917, 24 декабрь.

²⁸⁷ Новый путь 1918, 25 январь; Наша газета. 1918, 25 январь.

²⁸⁸ Фожеа тафсилотлари манбаларда ҳамда мустақиллик даври тадқиқотларида бирмунча тўлиқ акс эттирилганлиги боис бу ҳақда ҳам кўп тўхталмаймиз.

²⁸⁹ Ҳожи Муин. Большевиклар ва биз // Улуғ Туркистон. 1918, 9 январь; С.А. Маънос бўлмаслик керак // Хуррият. 1918, 1 март; Х. Али. (Хидоятилла Алиев – С.М) Ким айбли? (муносабати ила...) // Улуғ Туркистон. 1918, 30 март; Тарихи хароби Хўқанд // Ал - Изоҳ. - 1918. №. – Б.396; Камий. Афсуснома (Хўқанд фожеасина) // Ал-Изоҳ. 1918, 21 март. – 395. (Муаллиф араб алифбосида “Ғ.З” деб берилган – бизнингча Ғуллом Зафарий) Миллий мухорабадан бир лавҳа (Қўқон воқеасидан бадий кўриниш) // Ишчилар дунёси. – 1918. – №5. – Б.3; Шокир Мухторий. Туркистон Мухторияти // Меҳнаткашлар товуши. 1918, 11 июн, 16 июл; Рафикий. Фарғона ваҳшиятига кимлар сабаб // Меҳнаткашлар товуши. 1920, 20 октябрь.

Хуллас, Кўқон шахрининг вайрон қилиниши, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ағдариб ташланиши ҳамда ҳокимиятни большевиклар томонидан ноқонуний равишда қўлга киритилиши ҳам замондошлар томонидан турлича баҳоланди. Шу ўринда Туркистондаги миллий ҳаракат йўлбошчиларидан бири Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг 1920 ва 1923 йилларда Туркистондан В.И. Ленин номига жўнатилган икки хати²⁹⁰ни келтириш ўринли. Уларда большевикларнинг Шарқ, шу жумладан Туркистон халқларига нисбатан олиб борилаётган миллий сиёсати таҳлил этилиб, бундай сиёсат “иккиюзламачилик, ёлғон, бўхтон асосида, адолатсиз олиб борилаётганлиги, большевикларнинг сиёсати совет ҳукумати томонидан 1917 йил 20 ноябрда эълон қилинган мурожаатномасини инкор қилиб, миллатларнинг ўз тақдирларин ўзи белгилаш ҳуқуқини амалда йўққа чиқарганлиги” таъкидлаб ўтилди. Фитрат эса адолат ва садоқат билан эълон қилинган мухториятни большевиклар томонидан нима сабабдан қабул қилинмай турганлиги ҳақида ажабланиб ёзса,²⁹¹ М.Чўқаев миллий давлат қуриш имконини беришга умид бағишлаган 1917 йилги инқилобдан алданганлигини²⁹² таъкидлайди.

Хожи Муин ҳам юқоридаги фикрларни таъкидлаган ҳолда, большевикларнинг “ўз маслакларини қабул этмаган миллатларга хуррият ва истиқлол бермаслик, истиқлол тилагида бўлган ҳар миллатларнинг мамлакат идорасини советлар қўлига топшириш, мамлакатнинг барча бойликлари, ер, мол-мулк умумий деб улар ихтиёрига топширилиш, агар бу тилаклар бажарилмаса ҳеч бир миллат хуррияти тасдиқ бўлинмайди”, деган талабларига қарши чиқди. Шу билан бирга муаллиф “большевикларнинг бу ғайритабиий тилаклари, бузуқ ғаразларини Россияда бўлган ҳеч бир миллат қабул қилмаган”²⁹³ ини таъкидлайди.

Матбуот саҳифаларида мухториятни бостирилиши, унинг оқибатларига оид мунозаралар, мақолалар бериб борилиши мухторият бостирилгандан кейин ҳам бир қанча вақтгача давом этди. Масалан, “С.А” таҳаллусли тараккийпарвар “Маъюс

²⁹⁰ Валидий Тўғон. Хотиралар. (турк тилида) Истанбул. 1969. –Б.340-341.

²⁹¹ Фитрат. Туркистонда руслар // Хуррият. 1918, 5 январ.

²⁹² Мустафо Чўқай. Истиқлол жаллодлари. – Тошкент: Ф. Ғулом, 1992. – Б.8-9.

²⁹³ Хожи Муин. Болшевиклар ва биз // Улуғ Туркистон. 1918, 9 январ; Хожи Муин. Оғир холлар // Хуррият. 1918, 22 феврал.

бўлмаслик керак” мақоласи орқали Туркистон халқига Туркистон Мухториятининг бостирилиши бу дунёда бўлаётган урушлар олдида бир намуна шаклида эканлиги, бундан умидсизликка тушмаслик кераклиги ҳамда туркистонликлар учун саодат юлдузлари яқин кунларда келишини²⁹⁴ уқтиради.

“Х. Али” тахаллусли замондошлардан бири эса “Ким айбли?” мақоласида мухториятнинг қонли бостирилишида айбдор ким эканлигини очишга ҳаракат қилиб, шундай ёзади: “...Ким айбли бўлур? исломиятни куфрлар чангалидан, розолатдан, сафолатдан, жаҳолатдан қутқарув умидинда умум Туркистон вакиллари съездинда (Хўқанд 27 ноябр) нафси шахсиялари қурбони ўлмасдан ҳақли ерли мухторият эълон қилган эрларми? Ё бўлмаса мухторият олингиз, умуман мусулмонлар бирлашингиз деб Исрофил сўзини таратган олий марҳаматли товариш Троцкий ила Ленин афандилар айблими?... Мусулмонларни ўзлари орасиндан недовольный буржуазия автономияси” деб Петроградга телеграмм берилишига сабабчи бўлган эҳтиромли уламои жамиятлари айблими?... Бизларни бу ўринсиз таъналаримизга Худовандои Каримни қаҳри келиб бир жузъий фалокатлар ила бошимизга Хўқанд фожеаларидан ёмонрок фалокат ва балоларни ёғдирмаса эди...”²⁹⁵.

Кейинги йилларда, яратилган баъзи адабиётларда²⁹⁶ бу борадаги қарашларда анча ўзгариш кузатилади. Бунга ўша даврдаги уларга нисбатан бўлган тазйиқ оқибати, сиёсий вазият маҳсули сифатида қарамоқ керак. 20-йилларнинг ўрталаридан зиёлиларга, хусусан жадидларга муносабат ўзгара бошлади. Ўтмишнинг ҳар бир ҳодисасига синфий-сиёсий ёндашиш кучайди. Фанда ҳам бошқа соҳалар каби сохтакорлик, тарихни инкилоб ва янги тузум манфаатларига мослаб ёзиш тамойили пайдо бўлди. Шунга қарамай, шу давр маҳаллий матбуот саҳифаларида советлар томонидан олиб борган мустамлакачилик сиёсатига доир берилган бирмунча ҳолис баҳоларни учратиш мумкин. Жумладан, ўша давр кишиси М.Исаев большевикларнинг мустамлакачилик руҳини йўқота олмаганликлари

²⁹⁴ С.А. Маъюс бўлмаслик керак // Хуррият. 1918, 1 март.

²⁹⁵ Ким айбли? // Ишчилар дунёси. – 1918. – № 5. – Б. 1-2.

²⁹⁶ Бакир М. Туркистон китъаси (Араб ёзувида) – Тошкент: Союз рабочих печатного дела, 1918. – Б.77, 101; Мунаввар қори Абдурашидхонов. Истиклол фидойилари. Хотираларимдан. – Тошкент: Шарқ., 2001.– Б.51.

сабабли Туркистон халқи уларга нисбатан ишончсизлик кўзи билан қараётганликларини²⁹⁷, “Усмонхон” таҳаллусидаги яна бир замондош большевикларнинг бебошликлари ҳаддан ошиб кетганлиги, улар октябрь тўнтаришидан сўнг миллатлар устидан ҳокимлик ўрнатмоқчи бўлиб, зўрлик билан озодликка олиб чиқишга уринган ва бу йўлда талов, номуссизликларни амалга оширган²⁹⁸ликларини ёзади. Бундай қарашлар С.Шумский ҳамда А.Кузьминларнинг мақолаларида²⁹⁹ ҳам ўз ифодасини топган.

Туркистон Мухториятининг сиёсий аҳамияти ва уни большевиклар томонидан бостирилишини ўлкадаги европалик сиёсий арбоблар қандай баҳолаган? Бу баҳо 1918 йилнинг 23 февралда Тошкент советининг ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг “Кўқон воқеаларига доир ва социалистик армия” деган масалага бағишланган йиғилишда ўз аксини топган. Унда большевикларнинг Туркистон Мухториятини бостириш иши яқунларини муҳокама қилиниб, турли мазмундаги нутқлар³⁰⁰ тингланди. Йиғилишда интернационалистлар фракцияси вакили, меньшевик А.Вайнштейн ҳамда Скобелев шахри ҳокими сифатида фаолият олиб борган В.Д.Дориомедовлар³⁰¹ большевикларнинг Туркистон Мухторияти билан боғлиқ сиёсатидаги камчиликларни очиқ ойдин танқид қилиб чиқдилар. Мазкур йиғилишга мажлисга раислик қилган И.О.Тоболин эса интернационалистлар фракцияси томонидан социалистик ҳукуматнинг Туркистон Мухторияти ҳукуматига нисбатан шафқатсизлиги тўғрисидаги танқидларга жавобан “ким кимни енгиши ҳал бўлаётган даврда шафқатсизликнинг бўлиши табиий бир ҳол”³⁰², – деб ҳисобла-

²⁹⁷ Исаев М. Шўролар ҳокимиятининг 5 йили // Туркистон. 1922, 7 ноябрь.

²⁹⁸ Усмонхон. Октябр инқилобининг мазлум миллат нуктаи назаридан кўриниши // Туркистон. 1922, 17 ноябрь.

²⁹⁹ Шумский С. Самоопределение Туркестана // Свободный Туркестан. 1918, 16 январь; Кузьмин А. Автономия и «Автономия Туркестана» // Свободный Туркестан. 1918, 27 январь; Кузьмин А. Автономия и «Автономия Туркестана» // Свободный Туркестан. 1918, 27 январь.

³⁰⁰ Заседание Ташкентского совета 21 февраля 1918 г (О событиях в Коканде и о вопросе социальной армии) // Наша газета. 1918, 26 февраль.

³⁰¹ Вайнштейн. А. Автономия Туркестана // Новый путь. 1918, 25 январь; На краевом съезде советов и рабочих депутатов в заседании 23 января, по вопросу об автономии Туркестана // Новый путь. 1918, 27 январь; Дориомедов В. Д. Кокандские события // Знамя свободы. 1918, 2 март.

³⁰² Қаранг: Хасанов М. Туркистон Мухторияти: хақиқат ва уйдирма // Фан ва турмуш. – Тошкент. 1990. – №11. – Б.6-7.

ди. Бундай қарашлар бошқа яна бир қанча замондошлар хотираларида ҳам ўз ифодасини топган³⁰³.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон Мухториятини вужудга келишида бевосита иштирок этган ва гувоҳи бўлган замондош кишиларнинг маҳаллий матбуот саҳифаларидан ўрин олган мақолалари ва асарлари мазкур ҳаракатнинг асл тарихини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Уларда мазкур ҳаракат советларнинг мустамлакачилик сиёсати оқибатида келиб чиққанлиги, совет ҳукуматини маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватламагани, аксинча, улар ўлка тараққийпарварлари орқасидан борганлиги, Мухториятни зўрлик билан тугатилиши эса большевикларга қарши ҳаракатларни пайдо бўлишига олиб келганлиги ҳақидаги умумий қарашлар ўрин олган. Туркистон Мухторияти тарихининг асл манзарасини ақс эттирувчи мазкур манбалар эса узоқ йиллар давомида илмий истеъмолга киритилмади.

Баҳром ИРЗАЕВ

*“Қатагон қурбонлари хотираси”
музейи катта илмий ходими*

ҒУЛОМ ЗАҒАРИЙ ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ИЛҲОМЧИСИ

Ўтган аср бошларида ижод қилган Туркистон тараққийпарварларининг йирик вакили Ғулом Музаффар ўғли Зафарий (1889-1937) нафақат ўзбек мусиқаси билимдони, миллий театр санъати дарғаларидан, балки, етук драматург, шоир ва журналист ҳам бўлган. Унинг болалиги кўҳна Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида, Катта боғ маҳаллада ўтди. Оддий мисгар оиласида дунёга келган Ғулом Зафарий ўз иқтидори ва ўткир салоҳияти билан жуда ёшлик

³⁰³Калашников Ш., Черненко С. Записки о кокандских событиях (Личные воспоминания красноармейцев Черненко С., Ш. Калашникова) // Коммунистическая мысль. – Ташкент. 1920. – № 6-7. – С.4-11; Бауман В. Борьба за власть советов в Ташкенте. (Воспоминания). – Ташкент, 1922. – С.10; Сазонов. Кокандская автономия. (Воспоминания) // Красная летопись Туркестана. –Ташкент. 1923. – №1-2. – С.88-94.

онларидан Тошкент зиёлилари орасида танилиб улгурди. Ғ.Зафарий дастлаб, жадид муаллими сифатида Ўш ва Фарғона водийси шаҳар ҳамда қишлоқларида педагогик фаолияти билан шуғулланди. Айни пайтда “Турон” маърифий жамияти аъзолари билан мустаҳкам ижодий алоқани йўлга қўйди, Туркистонда дунёга келган жадид матбуотининг фаол қаламкашларидан ва тарғиботчиларидан бирига айланади. Биз бу мақолада Ғулом Зафарийнинг миллий тарихимиз саҳифаларида жуда қисқа муддат умр кўрган, аммо ниҳоятта муҳим ўрин тутган Туркистон Мухторияти билан боғлиқ ижодий фаолияти ҳақида тўхталмоқчимиз.

Ғулом Зафарийнинг “Ишчилар дунёси” журналидаги мақолалари ўзининг ёрқин ҳиссиётларга бойлиги, ватанпарварлик туйғуларига лиммо-лим тўлганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, муаллиф “Қувватимиз аскардир” мақоласида Туркистондаги мавжуд вазият ҳақида ўқувчиларга хабар бериб, уларга *“Ҳимматпарвар туркистонликлар!”* деб, мурожаат қилади. *“Биз туркистонлик турк болалари Мухторият эълон этдик. Энди Мухториятимиз барқарор ўлсун десак, бизга қувват лозим. Ул қувват аскарликдир. Қувватимиз бўлган аскарликка эсон дил ила боқуб, қалбимизни унга туфҳа этайлик. Асло унутмайлик. Оч сувсиз турсак ҳам бошқа бир нарсага қарамасдан фақат қаҳрамон аскаримизни тушунайлик! Зеро, бу ислоният, бу турклик, бу миллат бунинг ила яшайдир. Бунинг ила буюк бўладир. Бунинг ила шон берадир, бунинг ила ҳаёт бўладир, бунинг ила музаффариятга ноил ўлуб жаҳонни титратадир. Бунинг ила аждод атомиз бўлган фотиҳларнинг, қаҳрамонларнинг руҳларини шод этайлик, мозийимизни хотирга келтириб истиқболимизни таъйин этайлик. Ҳаракат этайлик. Бир биримизла ёмон ҳаракатларда бўлмасдан, душманларимизла олишиб ном-шон олайлик, ифтихор этайлик. Шараф боб ўлайлик, лекин бу қувват қайси йўл ила вужудга келур?”* дейди. Шундан сўнг мақсадга кўчиб, барчани муқаддас Ватан ҳуррияти йўлида фаол бўлишга чакиради. *“Эшитингиз! Туркликла ифтихор этган миллатлар. Бу кун роҳатимизни тарк этиб, ухламай, фақат бунларни тушунайлик. Завқ ва сафога толмайлик, тўй томошаларга мўл-кўл пуллари харж этмай, иқтисодга риоя этиб, орттирганимизни иона этайлик. Уйимизда кийим-кечак, уй асбобларимизни орттирмоққа ҳаракат этмай қувватимизни орттирмоққа ҳаракат этайлик. Инак, қимош ва бошқа нарсаларда*

иқтисод этайлик, сандиқларни, халталарни, юкларни тўлдирмакка гайрат этмай, қувватимизни тўлдирмакка гайрат этайлик. Қимматлик нарсаларга, яъни олмосга, жавоҳирга, зумрадга, маржонга, ёқутга ва кумуш асбобларга олтунларимизни беруб сандиқларга ҳибс этсак буларнинг на давлатга, на миллатга, на Ватанга, на аскарга фойдаси бўлмас. Сандиқларда шундоқча қолар. Балки-да эгасигада фойда бўлмас”..., дейди. Ғулом Зафарийнинг юқоридаги чақириғи ҳамма замонлар учун ҳам муҳим хитобдир. Зеро, ҳарбийларда “ўз аскарини боқа олмаган халқ, ўзгалар аскарини боқишга маҳкумдир” деган гап бор. Муаллиф фақат аскар ва қудрат билангина хуррияти кўлда тутиб қолишга ишонади ва ҳаммани шу ғояга ишонтиришга интилади. У фикрини қуйидагича тушунтиради: “*Бу кун бизни аскаримиз нақадар кўп бўлса, ул қадар қувватлик, ҳайбатлик бўлурмиз. У вақт биз душманлара кўкрагимизни кериб қарармиз. Ҳамда орзу этган масалаларимиз тўпсиз, тўфангсиз, салоҳсиз, масорифсиз ҳосил ўлурми? Унинг учун доимо тўпимиз, тўфангимиз, аскаримиз мавжуд бўлмогин тақозо этар. Ҳар ҳолда бу йўлда гайрат этайлик, берайлик. Бас энди кўп бердик демайлик. Ҳар кун, ҳар соат берайлик. Суръатла, рақобатла, ташвиқотла берайлик. Оз вақтда кўп иш кўрайлик. Илоҳимизи, давлатимизи, Ватанимизи суяр эсак берайлик. Молга мулкка, зийнатга, завққа, сафога тутунмай ҳаммамиз бирдан кўзимизни очайлик. Сарф масоъи этайлик, мақсадимизни ҳосил этайлик”.*

Ғулом Зафарий агар шу кунларда истиқлолни қўлга киритадиган бўлсак, Туркистон тез орада ривожланган минтақага айланади деб ишонади ва “*Фикри қосиронамга кўра, 2-3 сана ичинда ҳейли таоло ва тараққий этмоғимизга аминман. Аскарларимиз майдонда саф-саф бўлиб тизилиб турса, биз турк болалари тўғриликла, садоқатла чолишайлик. Жаноб ҳақнинг ваҳдониятига сигинайлик.*

*Яшасун ҳимматли бойларимиз, яшасун аскарларимиз, яшасун миллат, яшасун Ватанимиз. Маҳв ўлсун думанларимиз... қаҳр ўлсун Ватан хоинларина...*³⁰⁴ деб халққа мурожаат этади.

Журналнинг шу сонидан Ғ.Зафарийнинг “Ишчиларга хитоб” шеъри ҳам ўрин олган. Унда халқни Мухторият ҳимояси учун майдонга чақиради ва унинг муаззам тарихини эсга олиб:

³⁰⁴Зафарий Ғулом. Қувватимиз аскардир // Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

Кенглик замони, келди ишчилар,
Бизни тилагимиз аввалдан эрди(!).
Мухториятимиз эълон этилди,
Бизлардан хизмат кутади энди.
Салоҳ устига отилинг, ишчилар,
Тариха боқинг, ким эдик бизлар.
Чингиз, Чигатой, Темур боболар.
Бизларга салаф эди, у эрлар,

.....

Этсамиз ғайрат, яшаюр миллат.
Барқарор ўлур, бу Мухторият,
Душманга тараф юрингиз, ишчилар.
Жойланур майдонда сифуру нафир,
Бир қўлда ялов, бир қўлда шамшир.
Отни ўйнатиб, ёвга отинг тир,
Тизилинг майдонга шерлар, ишчилар³⁰⁵ деб ҳайқиради.

Журналнинг навбатдаги сонида Ғ.Зафарийнинг “Ғоямиз” шеъри чоп этилди. У ўз вақтида худди Мухториятнинг мадҳиясидек жаранглади, қалбида Ватан, миллат озодлиги мустаҳкам инсонларнинг дилларини янада ларзага солди.

Туғди хуррият куни, биз энди олға борамиз,
Шонли замон мозийимиз, керак биз эсга оламиз.
Сабза ялов кўтарилиб, майдонда хилпираб турар,
Турк уруғлари ҳамма ул ялов остига борамиз.
Чалинди сифур ила санж, карнай-сурна-ю нақор,
Самоларга кўтаргумиз, ғулғулаю альоламиз.
Душманимиз нишон этуб, ўқлар отиб, от ўйнатуб,
Найзани кўксига тираб, бағрини тигла ёрамиз!

.....

Бу турк ўғуллари ҳамма, Туркистоннинг ҳар ерида,
Йиғилдилар ялов тутиб, у эрди бир ишорамиз.
У эрлар айтдилар “Омин”, ер ила кўкни титратиб,
Ким бўлса ёғий бизлара, дер онинг сари борамиз!
Эй, шонли туркнинг авлоди, майдонга саф тузиб тизил!
Душманимизни илқидан Ватанни қутқариб оламиз.

³⁰⁵ Зафарий Ғулом. Ишчиларга хитоб // Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

Бориб ёзил йигитликка, юракда бўлса ғайратинг,
“Сақла мани бўтам” деюр, бизга бул мушфиқ онамиз.
Эр ўгли йўқму даҳрда, бу бахти қаро модарнинг,
Қутқариб ола онасин, йўқса уятга қоламиз.
Ёшу қари ва барчамиз, зафар тилашиб Аллоҳдан,
Иттифоқ этсамиз агар қутқарамиз бу онамиз³⁰⁶.

“Ишчилар дунёси”нинг 4-сонида Ғ.Зафарийнинг “Тошкент ёшларига” деб номланган шеърий мурожаати босилди. Қўқондаги Туркистон Мухторияти учун большевиклар ҳукумати хавфи тобора ошаётган бир пайтда Зафарий барчани қўлга қурол тутишга, солдатликка ёзилишга чорлаб:

Тонг отди ётма! Олам ёришди
Тездан туғар кун, ғафлатдан уйғон!
Бошқалар энди ишга киришди,
Бошингни кўтарғил кўп ётма уйғон!

....

Зиёлий, олим, фидоий ёшлар,
Иттифоқ айлаб, келингиз тездан.
Беришиб қўлни қўлга ишланглар,
Кутадиρ миллат, ишни сизлардан!
Сизга ишониб қилдилар эълон,
Шундоғ муқаддас МУХТОРИЯТни!
Эй, қаҳрамон турк, эй, паҳлавонлар,
Топширди сизга МУХТОРИЯТинг!

...

Борсиз-му ёшлар, ё йўқ-му, асло!
Бўлсанг, бўлукка боқ ғайрат ила!
Бир иш қилиб ол, вақтдир ғанимат,
Фойдаланиб қол, шундоғ замондан,
Жамъ айлаб йиғ бир ерга қувват,
Қутқор! Элингни ўзга қўллардан!³⁰⁷, дейди.

³⁰⁶Зафарий Ғулом. Ғоямиз // Ишчилар дунёси.. №3. 1918 йил 1 февраль

³⁰⁷Зафарий Ғулом. Тошкент ёшларига // Ишчилар дунёси. №4. 1918 йил 1 март.

Афсус, минг-минглаб афсуски, тарих бу сафар музаффариятни душман пешонасига битган экан. Хўқанди латиф бир неча соатлик тинимсиз замбараклар ҳужумидан бутунлай вайронага айлантирилди. Куролсиз тинч аҳоли, марвариддек гўзал шаҳар узра қоқ туш (13 00)дан то шом (18 30)гача артиллерия тинимсиз олов ёғдирди. Журналнинг 5-сонида Ғулом Зафарий “Ғ.3” имзоси билан ёзган “Миллий муҳорибадан бир лавҳа” хикоясида Хўқанднинг ўша машъум кечадаги ҳолини тасвирлайди. Унда “*Тўлган ой кечагина бутун бўлиб бугун харобага айланган катта бир мадраса орқасидан нима бор экан деб қўрқиб мўралагандек қараб, кўчада чўзилиб-чўзилиб ётган ўликлар устига маюсона нурин сочмоқда эди.*

Мўминжон бир мунча вақт ойнанинг кўтарилиб бутун кўчани равишан қилмогин кутиб тургани бир замонда ўликлар орасинда бир неча қора нарсалар ҳаракат этиб юрганин кўрди-да унларни душманлар тарафидан ўликларни ёнида бор нарсаларин олмоқ қасдила юрган одам гумон этиб, қўрқиб ўзин бир ўлик орқасига олиб бир қанча вақт ётиб олди. Бир вақт бошин кўтариб қараса ҳамон бир жойда қўзғолмай ҳаракат этур. Шул вақт бир тарафдан яна бир нарса эмакляб келаётгандек бўлиб, камоли қўрқувидан кўзи тиниб кўринган нарсаларни нима эканин била олмасдан қўрқув ва ҳижолатлар ила хаёли учди.

Ҳар тараф ўликлар ҳайбати, гумбур-гумбур тўплар, потр-путр пулимёт, милтиқлар овози, ҳам тилинда калимаи шаҳодат талқин этиб, бўғилган овозлари ила: Оҳ.. муқаддас Ватанимиз, хароб бўлди. Оҳ, дин, миллат... уҳ, жоним... вой болам, деб ҳар тараф инграб тўлгонган ярадорларнинг дод-фарёдига бутун атрофни даҳшат ўраб, тамоми бўшашган эди. Бирдан бир овозга чўчиб тамом бадани иссиқ-совуқ бўлиб жимирлаб қўрқувдан ўзидан кетаёзди. Базўр тўхтониб қаради-ки кўзига одам бўлиб кўринган нарсалар итлар, келган овозлар дин миллатин ҳимоя қилув учун шаҳид бўлганларнинг, бадбахт ўликларини еб қутурган итларнинг талошиб қилган гавголари экан.

Мўминжон қўлига бир тош олиб, итларни қувлаб ўликларни қидирмоққа бошлади. Кўрди-ки, бирин бошидан, бирин кўкрагидан, бирин биқинидан ўқ еб ўлиб ётибдир. Баъзиси қўлидан, оёғидан, ён бошидан ёрадор бўлиб, уларнинг ярасин боғлаб хolidан хабар олувчи йўқ. Тўлғониб, оҳ фигон қилиб ётибдирлар. Улар орасидан ўтиб

нарироққа борса, бир неча одам тўпнинг ўқидан титилиб, таниб бўлмаслик ҳолида ётибдир. Оҳ, қандай фожея!

Мўминжон буларни кўриб яна атрофин қўрқув даҳшат ўраб ёнига қараса бир йигит қўлида пичоқ душманин маҳкам сочидан ушлаб пичогин бўғзига санчганича пешонасидан ҳам кўкрагидан ўқ еб баробар йиқилиб ўлиб ётибдир.

Шул ерда бу қадар инсон болаларини золимона ҳаракатларини ўйлаб бутун атрофин қўрқув даҳшат ўраган ҳолда хаёл дунёсига гарқ бўлиб қараб қолди.

Ҳар тараф куйган, йиқилган иморатлар,.. Ҳар жой ҳар жойда куйгандан қолган раста тилларнинг устунлари ила бутун шохлари куйган дарахтларнинг таналари кўринур эди. Баъзи жойда ярмиси куйиб, баъзи шохлари омон қолган дарахтлар устида ётган қаргалар бу даҳшатдан қўрқибми? Ёки ётган ҳарбзада миллий шаҳидлара мотам тутибми? Биздан “ҳайитлик” (қағ қағ) дегандек овозларига чўчиб, ўзининг бул ерга нимага келганлигин ёдидан чиқариб, бир оз ўйлаб, кўнглида бир гудур бор эканлигин сизди. Ул гудур бир нарса қидириб юрганлигин ёдига солиб, яна ул кўнглига қадар келтурган нарсасин қидирмоққа давом этди. Бирдан нарироқдан бир овоз эшитилди. Овоз қўлогига ошно туюлуб, юраги дукур-дукур тефа бошлаб яқинроқ борди.

Оҳ! Бу фалокатда Мўминжон нимани кўрсун? Отаси! Отаси оёғидан кўкрагидан ҳам ярадор бўлиб инграб ётур. Бирдан “оҳ, отажон, сизга нима бўлди” деб устига ўзин ташлади. Отаси ўглин овозин эшитиб, ҳолсиз бир овоз ила “ўғлим... ўғлим... сув бер... суввв...” деди.

Мўминжон отасининг ўлум ҳолатида бу ерга қўюб, у ён бу ён югуруб, ўлукларга қоқилиб, суриниб, гоҳ йиқилиб, туриб сув қидирмоқда эди. Бирдан кўрди-ки тўп ўқи ила вайрон бўлган дўкон олдида ярмиси ерга қўмилган хум турибдир. Хум олдида бир сирли хум ётибдир. Қараса хум тўла сув, хурсанд бўлиб дарҳол сир хумни сувга тўлдириб олиб отаси тарафга қараб югурди. Келиб қараса отаси жуда ҳолдан қолибдир. Отасин бошин кўтариб, “отажон, мана сув” деди. Отаси сир хумни икки қўли бирла маҳкам тутиб, кўзларин катта-катта очиб сувдан симириб ичиб, “Алҳамдулиллаҳ” деди-да, ўзин ўглин қучоғига ташлади. Бир мартаба кўзин ола-кула қилиб,

*атрофга қараб узоқ нафас тортиб “оҳ... хароб... бўлди... Хўқанд...” деди-да жонинг ҳаққа таслим қилди*³⁰⁸.

Ҳа, отанинг кўзига йўқотилган мулки ҳам, хазон бўлган умри ҳам, дилбанди ҳам кўринмади. Унинг сўнги сўзи унинг учун ҳар недан азиз муқаддас Ватани, Хўқанди Латиф бўлди. Бу ҳам Ғулом Зафарийнинг Ватан ҳақидаги фикри нақадар улуғ эканлигини орадан аср ўтибдики, исботлаб турибди.

Журналнинг энг сўнги сониди ҳам Ғ.Зафарий ўзининг “Даъват” шеъри билан қатнашди. Шеър татар шоири Неъмат Басир ғазалига таҳмис сифатида битилган бўлиб, у чархи кажрафторнинг бевафолигидан, инсонлар ўртасидаги низою ноҳақликлардан фарёд чекади:

*Не учун исломи Ёраб етмаюрсан додина
Инсон авлодини золим айладинг ўз зодина.
Боқмаюрлар бир бирининг додина фарёдина,
Бор йири оҳим кўтарсам, бу жаҳон айвонина,*

*Неча биз ҳақ деб йиғиб, халқни қилурлар анжуман,
Ҳеч парво айламас, маҳв ўлади миллат, ватан,
Неча халқ қурбон бўлди, нечаси қолди беватан,
Ушбу бизда бор, йўқдир фақат йўл кўрсатан,
Осий ўлмишидир бутун ўз маслагу иймонина.*

*Эй, биродар, бу ўланлар диндошингдир, раҳм қил,
Юрган очлар дарбадар миллатдошингдир, раҳм қил,
Жон берувчи ош деб ватандошингдир, раҳм қил,
Эй биродар, навъи инсон қардошингдир, раҳм қил,
Бер қулоқ қаршингдаги мазлумлар авгонина.*

*Хайр этинг бу очларга, дин миллат номина,
Дўст тутан фақир у тим, соҳиб шарият номина,
Ёрдам элтинг тезликда одамият номина,
Раҳм этинг мазлумлара ҳақ ва ҳақиқат номина,
Чунки, чорлар Ҳақ сизи бир кунда ўз девонина*³⁰⁹.

³⁰⁸ Зафарий Ғулом. Миллий мухорибадан бир лавҳа // Ишчилар дунёси. №5. 1918 йил 15 март.

³⁰⁹ Зафарий Ғулом. Даъват // Ишчилар дунёси. №6. 1918 йил 1 апрель.

Шу жойда яна бир марта бўлса ҳам ўқувчилар учун Ғ.Зафарийнинг кейинги ҳаёт йўли ҳамда ижодий фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ҳа, Туркистон Мухторияти большевик зўронлари томонидан шафқатсизларча тор-мор этилди. Бирок, миллий хурриятни орзу қилган ва бу йўлда курашни ўзларининг тақдири деб билган Туркистон зиёлилари бир лаҳза бўлсин ортга чекинмади. Фақат энди улар кураш усулини бироз ўзгартирадilar.

Ғ.Зафарий “Турон” жамиятининг маърифий тадбирларида Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Муҳаммад Амин Афандизода, Башрулла Хўжаев, Салимхон Тиллахонов, Комилбек Норбўтабековлар билан елкадош бўлди. Уларнинг саъйи ҳаракати билан Маннон Уйғур, Босит Қориев, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятлов каби ёш иқтидорлар тарбия топди ва кейинчалик улар ўзбек санъатининг етук дарғаларига айланганлар. 1919 йил Абдурауф Фитратнинг Тошкентга келиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Унинг ташаббуси билан тузилган “Чигатой гурунги” ташкилоти Чўлпон, Ғулом Зафарий, Ғози Юнус, Элбек, Мирмулло Шермуҳаммад, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннун, Шокир Сулаймон, Боту, Санжар Сиддик, Маннон Рамз, Маннон Уйғур каби кўплаб иқтидорли ўзбек ёшларининг бошини қовуштирди. Фитрат ташкилотнинг ҳар бир аъзосига фан ёки миллий санъатнинг маълум йўналишларида чуқур тадқиқот олиб боришларини тақсимлаб беради. У айниқса, ўзбек тили ва орфографияси масаласига жиддий эътибор қаратиб, бу йўлда Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий ва Элбекдек етук билимдонларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнади. У Мажид оқсоқолнинг ўғли Уйғур учун “Ўғузхон”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари” каби асарларини ёзиб берди. Ғ.Зафарий ҳам Фитратнинг таъсирида қатор саҳна асарларини ёзади. Жумладан, 1919-21 йилларда “Шарифжон”, “Эрк болалари”, “Туйғуной”, “Мозорликда”, “Чинтемур ботир” асарлари дунё юзини кўрди. Болалар учун “Куён”, “Татибой ота”ларни ёзиб, уларда совет сиёсатининг иккиюзламаликларини кўрсатиб қўйди.

1921 йил Ғулом Зафари Бухоро Маориф халқ комиссари Қори Ёўлдош Пўлодий ва Ташқи ишлар нозири Фитратлар таклифи билан Бухорога келиб, Бухоро мусиқа мактабида директор ўринбосари вазифасида иш олиб борди. 1923 йил ёзида у Тошкентга қайтиб келади

ва музика техникумига мудир лавозимига тайинланади. Ғ.Зафарийнинг бу даврдаги ижодий фаолияти ҳам жуда самарали кечди. У 1927 йил Термизга ўқитувчилар курсига мудир этиб юборилади. Унинг Сурхон воҳасидаги турмуши ниҳоятда оғир бир маиший шароитда кечди. Шунга қарамай бу вақтда Ғ.Зафарий ўзининг “Кетмон чопди”, “Қора кунлар”, “Тилак” каби 5 та достонини яратади. Бирок, улар нашр этилмай қолди.

1927 йилнинг охирида Термизга ташриф буюрган Акмал Икромов Ғ.Зафарийнинг Тошкентга қайтиши ҳақидаги илтимосини бажаради. Лекин, аллақачон Средазбюронинг “қора рўйхатига” киритиб қўйилган Ғ.Зафарий Тошкентда иш топа олмайди. Шундан сўнг у Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Мирзоҳид Мироқиловлар билан Кўқонга театр санъатини ривожлантириш мақсадида йўлланадилар. 1930 йил Ғ.Зафарий Самарқандга келиб, 1928 йил Фитрат ташаббуси билан Самарқандда очилган мусиқа институтда ўқув бўлими мудирлиги сифатида иш бошлайди.

1932 йил Акмал Икромов таклифи асосида Ғ.Зафарий Ўрта Осиё драматурглари кўмитасига киритилди. Бирок, 1932 йилнинг ёзида Ғ.Зафарий айрим кимсаларнинг чакувлари асосида қамокқа олинади ва 1933 йил совет суди томонидан 3 йилга Жанубий Сибирга сургун қилинади. Шуниси кизиқки, сахнада қўйишга арзигулик бошқа асар топилмадими, ҳукумат раҳбарлари Ғ.Зафарийнинг беайб қамалганини тезда озод бўлишини сездиларми, ҳар қалай бу вақтда унинг “Ҳалима” асари сахнада кетаверди. Натижада тушган гонорардан 200-400 сўмгача Ғ.Зафарийга турли йўллар билан юбориб турилди, яна 150 сўмгача пул унинг онасига берилиб, оиласи таъминотдан қийналиб қолмаслигига сабаб бўлди. 1935 йилнинг ёзида адолатсиз сургундан Тошкентга қайтган Ғ.Зафарий яна ижод оламига шўнғийди. Бу вақтда унинг “Пахта хон”, “Янги одам”, “Сайил ва тўй” асарлари ёзилди. Ҳатто, унинг “Сайил ва тўй” асари Комил Яшин номидан нашр этилиб, 1937 йилда Москвада бўлган санъат декадасида сахнага қўйилди.

1937 йил 28 октябрь куни эндигина ўз ҳаётини йўлга қўйиб бошлаган Ғ.Зафарийни қайтадан қамокқа олиш учун қарор чиқарилди. Бу гал ҳам унга етти ухлаб тушига кирмаган айбларни илишади. Унинг ортидан хотини Марямхон ва 8 яшарлик қизи Эркинлар қон йиғлаб кузатиб қолдилар. Эндигина 2 ойлик бўлган ўғли Ботир эса

хали бу дунёнинг даҳшатларини англашдек азобдан анча узокда эди. Шўро жаллодлари Ғ.Зафарийдек улуғ бир мураббийнинг кимлигини англаш бахтидан Мосуво бир тубан кимсалар эди. Маҳкумнинг ўзи эса аллақачон, совет жамиятидаги чиркин муҳитда тирик яшашдан кўра ўлим анча маъқулроқ деган хулосага келиб бўлган эди. Шунинг учун унинг бўҳтонларга имзосини олиш ҳам қийин бўлмади. 1937 йил 2 декабрда Ғ.Зафарий учун “Айблов баённомаси” Леонов томонидан имзоланди ва ЎзССР ИИХК қошидаги машъум “учлик” суди 4 декабрь куни уни отувга ҳукм этди. 1937 йил 28 декабрь куни ноҳақ ҳукм ижро этилди. “Қизил империя” бўйлаб илиқлик шабадаси эсангил кунларда, 1956 йил 17 декабрда аслида жиноят у ёқда турсун гуноҳ ишга ҳеч қачон қўл урмаган покиза инсон Ғулом Зафарий ЎзССР Прокуратураси томонидан оқланди. Бироқ, моҳиятан зулм ва зўронлик устида бунёд этилган СССР ҳеч қачон ўз айбини тан олмади. Буни 1958 йил 15 ноябрда Ғ.Зафарийнинг қизи Сиддиқа опага берилган отасининг оқланганлиги битилган ЗАГС ҳужжати ҳам исботлайди. Унда ёзилишича, Ғ.Зафарий гўёки 10 йилга қамоққа ҳукм этилган ва 1944 йил 4 августда қамоқда жазони ижро этиш даврида вафот этган эмиш.

Дарҳақиқат, юқорида айтганимиздек, Ғ.Зафарий Туркистон Мухториятининг эълон қилинишини Тошкентда катта хурсандчилик билан кутиб олди. У бутун Туркистон халқини мазкур истиқлол учқуни билан қутлаб, ўз мақолалари ва оташин шеърларида барчани истиқлолни ардоқлаш ва бу йўлда керак бўлса молу жонини фидо этишга ташвиқ этди. Мухторият қонга ботирилишидан у ҳаммадан кўп изтироб чекди. Ёшларни, халқни янада мустақкамроқ алоқа боғлаб Ватан озодлиги йўлида ҳаёт мамот курашига чорлади. Ғулом Зафарийнинг кейинги илмий-ижодий фаолияти асосан мусиқа маданият ва театр санъати йўналишида кетди. Аммо, унинг қалбида миллат таназзули ва истибдодига қарши кураш бир лаҳза бўлсин сўнмади. Биз Сизнинг эътиборингизга ҳавола этаётган ахборот эса Ғ.Зафарийнинг қисқагина Туркистон Мухторияти давридаги фаолияти билан боғлиқ ижоди намуналаридир. Шу ҳам Зафарий шахсининг нақадар миллат келажаги учун қайғурган, унинг ёруғ истиқболи ва истиқлоли учун жон куйдирган фидоийлардан бўлганини кўрсатиб турибди.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ МИЛЛИЙ ҚЎШИНИ ТАРИХИ

Ўзбек давлатчилиги тарихида кўплаб давлатлар ва сулолалар ўтган. Тарихан қисқа муддат мавжуд бўлган Туркистон Мухторияти ҳам ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга. Мухторият қисқа муддат мавжуд бўлган бўлса-да бугунги кунда ўз тадқиқотчиларига, изланувчиларига эга.

1917 йил 26-28 ноябрь кунлари Қўқон шаҳрида бутун Туркистон ўлка мусулмонларининг фавкулудда IV қурултойи бўлиб, унда Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди. Мазкур қурултойда қўрилган бир қатор муҳим масалалар қатори Мухторият халқ милициясини вужудга келтириш ҳамда Туркистонда яшовчи миллатлар тинчлигини сақлаш мақсадида миллий қўшин ташкил этиш асосий масалалар қаторидан ўрин олди³¹⁰.

Мухторият таркиби 8 кишидан иборат бўлиб, Мухториятнинг ҳарбий вазири лавозимини мутахассислигига кўра адвокат бўлган Убайдулла Хўжаев (1882-1938) эгаллади. Кейинчалик Убайдулла Хўжаев Қўқонда бўлмаган вақтда уфалик агроном (баъзи манбаларда полковник дейилади³¹¹) Махди Чанишев 1918 йил февралда Туркистон Мухторияти ҳукуматида ҳарбий кенгаш раиси бўлган. Мухторият қўшини қўмондони вазифасини бажарди. Манбаларда келтирилишича, Махди Чанишев Қўқон воқеалари вақтида шаҳардаги тартиб ва интизомни сақлаш учун бутун милицияга бош қўмондон этиб тайинланган³¹².

М.Чанишев большевиклар билан бўлган жанглار вақтида алоҳида жонбозлик кўрсатди³¹³. Мухторият бостирилгандан кейин ҳукуматнинг 15 раҳбари – М.Мираҳмедов, А.Ўрозаев, Я.Агеев, Қушбегиевлар билан биргаликда М.Чанишев ҳам Скобелев (Фарғона)га

³¹⁰Мухтор Бакир. Туркистон мухториятининг барпо бўлишига куч керак // Улуғ Туркистон, 1917 йил, 8 декабрь.

³¹¹Алексеевков П. Кокандская автономия. – Ташкент, Узгиз. 1931. – Ст.26.

³¹²Кичик хабарлар: мухторият аъзолари // Улуғ Туркистон, 1918 йил, 21 март.

³¹³Хабарлар // Улуғ Туркистон, 1918 йил, 28 февраль.

жўнашга мажбур бўлади, аммо шу куннинг ўзида улар қўлга олиниб отиб ташланади.

Мухториятнинг таянчи бўлган харбий қўшин фаолияти “Улуғ Туркистон”нинг бир неча сонларида ҳам атрофлича ёритиб берилган. Жумладан, “Мухторият ҳукуматининг вазифаси”, Мухтор Бакир ўзининг “Туркистон Мухторияти ва туркистонликлар”³¹⁴, “Туркистон Мухториятини барпо бўлишига куч керак”³¹⁵ каби мақолаларида Туркистон Мухторияти ҳукумати олдида турган асосий вазифалар сифатида Мухториятнинг миллий армиясини шакллантириш, аскарий маҳкамалар ва ташкилотлар тузиш лозим деб ҳисобланган. “Мухторият ҳукуматининг вазифаси” номли мақолада “Мустабид чор ҳукумати вақтида Туркистонга четдан нақадар кўп куролли аскар келтурулиб тутил эрди. Мухторият эълон қилинуб идора халқнинг ўз қўлига кўчув ила бу аскарларга эҳтиёж битди. Шуни эътиборга олиб бўлса керак ҳозир Туркистоннинг бошқа шаҳарларида бўлгон аскарлар ҳар қайсиниси ўз ватанларига қайта бошладилар”, – деб ёзса, “Туркистон Мухторияти ва туркистонликлар” номли мақолада эса “Мухторият ва истиқболни эълон қилув мушкул эмас. Лекин они ҳаётга татбиқ қилув ва ижро этув кўп тажриба ва билимни, фидокорликни истади. Мухториятни эълон қилув билан туркистонликлар олдига ғоят улуғ ва оғир бўлувчи ила баробар мукаддас ва масъулиятли хидматлар келуб турмақдадур. Мазкур вазифалар қаторида энг муҳим вазифалардан бири сифатида аскарий маҳкамалар ва ташкилотлар тузиш ва зобития ишларини тартиб этиш эътироф этиб ўтилади”, – деган маълумотларни учратамиз.

“Эл байроғи” газетасининг 1918 йил 26 январдаги сониди Туркистон Мухториятига катта умидлар билан қараган шоир Чўлпоннинг “Тешабой” таҳаллуси остида “Мухторият эълон қилинди” номли даъватнома мақоласи эълон қилиниб, мақолада зўр умидлар билан эришилган Мухториятни Туркистон халқи ҳимоя қилиши керак деган фикрни илгари сурган³¹⁶. Миллий матбуот нашрларидаги Мухторият-

³¹⁴Туркистон Мухторияти ва туркистонликлар // Улуғ Туркистон. 45-сон. 1917 йил 20 декабрь.

³¹⁵Туркистон Мухториятини барпо бўлишига куч керак // Улуғ Туркистон. 48-сон. 1917 йил 24 декабрь.

³¹⁶Тешабой. Мухторият эълон қилинди // Эл байроғи. 18 сон. 1918 йил 26 январ

ни ҳимоя қилиш ва бу йўлда Мухторият миллий кўшини сафига даъватлар ўз натижасини берган. Фарғоналик Шомансур Алихўжаев³¹⁷ ҳам Мухториятнинг миллий кўшини сафига кирган ҳамда Мухторият кўшини сафида совет ҳокимиятига қарши курашларда қатнашган. Шу сабабли Ш. Алихўжаев 1919 йилда ҳарбий трибунал қарори билан 6 йилга қамалган³¹⁸.

Демак, Мухторият ҳукуматига хайрихоҳ бўлган ва ҳарбий соҳадан хабардор кишиларга Мухторият тарафидан алоҳида эътибор қаратилган. Ҳатто бу жараёнга миллатидан қатъий назар бошқа миллат вакиллари ҳам жалб этилди. Туркистон Мухториятининг раиси Мустафо Чўқайнинг хотираларига кўра, Қўқонда мухторият ҳарбий ишларини йўлга қўйишда уларга поляк миллатига мансуб штаб офицери ёрдам берган. Мустафо Чўқай “Ўша пайтда менинг ёнимда бир польшалик ҳарбий штаб офицери бор эди. Исмини унутиб қўйганман, бу киши аскарий ташкилотимизнинг шўъба мудири эди. Ўша бизнинг миллий ишларимизга юракдан берилган, билармон ва қобилиятли эди”³¹⁹, – дея хотирлайди. Шунингдек, миллий мухторият учун кураш жараёнида мухториятчилар сафида яна бир польшалик офицер Юниша Гзовский ҳам бўлган. Ўз навбатида М.Чўқай ўз хотираларида унга ҳам ташаккурини билдириб ўтган.

Туркистон Мухторияти эълон қилиниши ҳамда ўз миллий кўшинини ташкил эта бошлаши билан Туркистонга чор Россияси даврида келган аскарлар ўз ватанларига қайта бошлаганлар. Туркистондаги 2-Сибир полки аскарлари Мухторият эълон қилиниши билан Туркистондан кетишга қарор қилдилар, бу полк таркибида ўша даврда 1500 аскар бўлган бўлса, 1-Сибир полкида эса 700 га яқин аскар бўлган³²⁰.

³¹⁷Шомансур Алихўжаев – 1887 йилда Фарғонада имом оиласида туғилган. 1917 йилга қадар бир мунча вақт миршаб бўлиб хизмат қилган. 1937 йил 7 апрелда “Иттиҳод ва тараққий” ташкилотига аъзоликда айбланиб қамоққа олинган. Манба: Қор кўйнида лолалар. Масъул муҳаррир. Б.Шарипов. – Тошкент, Академия. 2001. –Б.100.

³¹⁸Каримов Н. Сабоҳат Раҳматова // Қор кўйнида лолалар. Масъул муҳаррир. Б.Шарипов. – Тошкент, Академия. 2001. –Б.100.

³¹⁹Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). – Тошкент, Фафур Фулом. 1992. –Б.50.

³²⁰Иккинчи пўлкнинг қарори // Улуғ Туркистон. 45-сон 1917 йил 20 декабрь.

Мухторият эълон қилинган дастлабки кунларданок ҳукумат миллий армияси ҳамда милициясига рўйхатдан ўтиш бошланган³²¹. 1918 йилнинг 9 январида Туркистон Мухторияти аскарига дастлабки ҳарбий намоиш ўтказилди. Туркистон Мухторияти аскарларини Убайдулла Асадуллаҳўжаев ўзи ва янги ҳукумат номидан табриклар, “Сизлар Туркистон Мухториятининг биринчи қаҳрамонлари бўлдиларингиз, бунга фахрлансангиз арзийди, чунки сизлар Ватанга биринчи марта ўз ихтиёрингиз билан аскар бўлдингиз. Мен сизларни Мухториятли Туркистон ҳукумати аъзолари номидан табриклар коламан”, – дея Туркистон ёшларининг ватанпарварлик ҳиссини уйғотувчи нутқ сўзлади. Шу куни қуролланган кўшин сони 500 кишини, шундан 200 таси отлик аскарни ташкил этган. Бундан ташқари қўрбоши кичик Эргаш кўлида 50 га яқин, шаҳарда эса 150 киши мавжуд бўлган. Қатъий чора-тадбирларнинг кўрилиши натижасида Мухторият кўшинининг сони бир неча мартага кўпайтирилган³²².

Туркистон Мухториятнинг озик-овқат вазири бўлган Обиджон Маҳмудов ўз ваколати доирасига кирган вазифадан ташқари, Мухторият аскарларини қурол-яроғ билан таъминлаш масаласига ҳам катта аҳамият берган³²³.

Мухторият ҳукуматига ўз миллий кўшинини ташкил этишга мураккаб бир вазиятда киришган бўлиб, Туркистон аҳолиси тинчлиги ва мустақамлигини таъминлашнинг таянчи ҳисобланган Мухторият ҳукумати аскарларининг таъминоти қониқарли даражада эмас эди. Таъминотнинг ёмон даражада эканлигининг бош сабаби моддий маблағнинг етишмаганлиги бўлган.

Мухторият аъзоларининг саъй-ҳаракатлари ва маҳаллий сармоядорларнинг ёрдами билан маълум миқдорда маблағ йиғилган бўлса-да, бу маблағлар Мухторият армиясининг эҳтиёжи ҳамда таъминоти учун етарли даражада бўлмаган. Мавжуд қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамасдан, Мухторият раҳбарларининг кўшин тўплаш борасида халқ орасида олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бера бошлади. Туркистон Мухторияти аскарларининг

³²¹ Свободный Туркестан, 1918, 15 февраля.

³²² Мадьярова С. Туркистон мухторияти миллий армияси масаласини ўрганилишига доир // Ўзбекистон тарихи, 2006 йил, 1-сон. –Б.68.

³²³ Каримов Н. Ўзбекнинг биринчи тоғ-кон муҳандиси // <http://n.ziyouz.com/maqolalar/naim-karimov-o-zbekning-birinchi-tog-kon-muhandisi>

иккинчи ҳарбий намоишигача мавжуд бўлган ҳукуматнинг мингтача аскарига яна мингта аскар қўшилиб, январь охирига борганда уларнинг сони икки мингтага етказилган.

“Улуғ Туркистон”нинг 1918 йил 21 январь сонидида “Ушбу январнинг тўққизидида Хўқандда Туркистон Мухториятининг аскарини манёвр ясалган. Бир минг қадар аскар тузилган экан, ҳаммаси мулла Абдураззоқбойнинг боғига йиғилганлар. Ҳукумат нозирларидан ҳарбия нозири Убайдулла Асадуллаҳўжаев ила молия нозири Ислом Шоаҳмедов бориб аскарни табрик қилғонлар. Оташли нутқ сўзлагонлар. Бу манёврдан сўнг, нақ бир мингга яқин аскар йиғилиб, ҳозир муваққат қарамоғида икки минг қадар мунтазам миллий армия бор экан”³²⁴, – деган маълумот келтирилади. Бундан шундай хулоса чиқадими, Мухторият масъул раҳбарлар энди оёққа тураётган давлатнинг таянчи бўла оладиган ва ҳимоя қила оладиган ўз миллий армиясини шакллантириш учун кенг кўламли амалий тайёргарлик ишларини олиб боришган. Бундан ташқари Мухторият етакчилари томонидан ҳарбий тайёргарлиги бор, Туркистон Мухториятига содиқ фуқаролар халқ милициясига инструктор сифатида хизматга таклиф этилди³²⁵.

Буларнинг барчаси совет тарихчиларининг Мухториятчиларнинг аҳоли орасидан ўзининг армиясига ўз ҳошишига кўра “киришга чақирган даъвати пучга чиқди, ҳукуматнинг ҳарбий кўшини 60 кишидан иборат” бўлган, “ҳукумат кўшинига жиноятчи гуруҳлар жалб қилиниб, шундай қароқчилар ёрдамида кўшин сонини 2000 тага етказди”³²⁶, “Мухторият кўшини инструкторлари рус оқ гвардиячилари ва турк офицерларидан иборат эди, улар совет ҳокимиятига қарши курашиш учун бажонидил аскар беришга рози бўлган” деган мутлақо асоссиз хулосаларини йўққа чиқаради.

Баъзи совет адабиётларида ҳукуматнинг 60 кишилиқ армиясининг аксариятини кавказлик ва эронликлар ташкил қилган деган илмий асосланмаган маълумотлар ҳам кўрсатилади³²⁷.

Туркистон Мухторияти кўшинининг етакчилари, унинг миллий

³²⁴ Мухторият ҳукуматининг аскарини // Улуғ Туркистон. 54-сон. 1918 йил 21 январь.

³²⁵ Абдуллаев Р. Туркестан в 1917 году: национальное движение и военный вопрос // Ўзбекистон тарихи, 2002 йил, 1-сон. –С.41.

³²⁶ Иноятов Х. Ш. Октябрьская революция в Узбекистане. – Москва, Госполиздат. 1958. – Ст.264.

³²⁷ Алексеев П. Кокандская автономия. – Ташкент, Узгиз. 1931. – Ст.44.

таркиби, Мухторият кўшини қайси давлатлар кўшини намунаси асосида бўлганлиги, тузилиши ҳақида умуман маълумотлар сақланиб қолмаган. Бир қатор тадқиқотларда ҳукумат томонидан 2000 кишилиқ мунтазам армия ташкил қилингани, Эргаш қўрбошининг большевикларга қарши фаолияти ёритилган ҳолос.

Большевиклар Туркистон Мухториятининг ташкил этилишига тиш-тирноғи билан қарши эди. Аммо Туркистон Мухториятини бутунлай тугатиш учун большевиклар етарли ва қудратли ҳарбий кучга эмас эди. 1918 йил 19 январда қизил гвардия томонидан Оренбургнинг эгалланиши Москва билан алоқани вақтинча яхшилади ва Туркистонга борадиган йўлни очди. Шундан сўнг Тошкент ўзини қурол-яроғ билан таъминлаш имкониятига эга бўлди. Мухториятни тор-мор этиш учун Тошкентдан Қўқонга 300 та милтиқ юборилди. Е.А.Бабушкин Тошкентга бориб, Мухториятга қарши Қўқонга қизил гвардиячилар отрядини юборди.

Қўқонда 9 кишидан иборат Ҳарбий-инкилобий кўмита тузилди. Е.А.Бабушкиннинг илтимосига кўра, Қўқонда милиция ташкил этиш, шунингдек, Қизил армия ишини тегишли даражага кўтариш учун Тошкент Совет Ижроия Комитети бир гуруҳ вакилларни ҳам юборди³²⁸.

Дастлабки жангда Мухториятнинг миллий кўшинидан ташқари қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашди. Асосан болта, чўкич, таёқ кўтарган халойиқнинг сони 10.000 кишига етди. Шунга қарамай, қуролсиз бу кишилар қизил аскарларнинг Қўқон шаҳрига қилган ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтардилар. Шу орада Мухториятчилар сафида парокандалиқ юз берди. 18 февралда уламоларнинг тазйиқи билан Мустафо Чўқай истеъфога чиқди ва баъзи вазирлар сингари Қўқонни тарк этди. Айрим вазирлар (Ҳ.Агаев ва б.) жангда ҳалок бўлди. Ҳукуматнинг бошқа аъзолари (О.Махмудов, Носирхон тўра, С.Герцфельд, У.Асадуллахўжаев, И.Шоаҳмедов) эса кейинчалик большевиклар томонидан қўлга олинди.

Туркистон ХКС 14 февралда Фарғонада ҳарбий ҳолат эълон қилди. Фарғона вилояти ижроқўми томонидан 1918 йил 18 февралда

³²⁸Воскобойников Э.А., Серий Я.М. Ефим Адрианович Бабушкин. –Тошкент, Ўзбекистон. 1962. –Б.38.

18 ёшдан 45 ёшгача бўлган эркак фуқароларни Мухториятга қарши ҳарбий сафарбар этиш тўғрисида махсус қарор чиқарди. Совет ҳокимияти маҳаллий аҳоли вакилларини Мухториятга қарши ҳарбий ҳаракатларга жалб этиш мақсадида уларни ҳарбий таълимга ўргата бошлади. Сафарбар этилганларга ҳар куни икки соатдан ҳарбий таълим берилиб, кечкурунлари шаҳарлардаги патрул хизматида ишлаганлар³²⁹.

Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун умр кўрган бўлса ҳам, у эрксевар халқимизнинг миллий мустақиллик ва истиклол учун курашга даъват этди. Туркистон Мухториятининг ағдарилиши эса совет Россиясининг Туркистонга нисбатан тажовузкор ва мустабид сиёсатининг дастлабки кўриниши эканлигини намоён этди.

Хуллас, Туркистон Мухторияти учун кучли ва профессионал миллий кўшин жуда зарур эди. Келгусида у Мухториятнинг таянчи ва суянчи, ҳимоячиси бўлиши лозим эди. Аммо қисқа фурсатда замонавий курулланган большевикларнинг ҳарбий кучлари: қизил гвардиячилар отрядлари ва арман дашноқлари дружиналарига тенг келадиган ҳарбий кўшин йиғишнинг умуман иложи йўқ эди. Ўз вақтида Т.Рисқулов ҳам ўзининг “Инқилоб ва Туркистоннинг ерли халқлари” китобида “Кўқон ҳукумати ҳарбий кучга муҳтож эди”, – деб ёзган эди. Мавжуд қийинчиликлар, муаммоларга қарамасдан Мухторият аъзолари ўзининг миллий кўшинини ташкил эта олди, аммо уни сифат жиҳатидан юқори даражага кўтара олмади. Аммо шундай бўлса-да, Мухторият миллий кўшини сафига маҳаллий миллат вакилларининг келиб қўшилиши Россия империяси даврида узоқ вақт ҳарб ишига яқинлаштирилмаган бўлса-да, уларда жанговарлик, ватанпарварлик, ҳарбий санътнинг йўқолмаганлигини кўрсатади.

³²⁹Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. –Ташкент,Фан. 1967. – Б.591.

**ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ
ХОРИЖ ОЛИМЛАРИ
ТАЛҚИНИДА**

НЕКОТОРЫЕ МЫСЛИ О ТУРЕЦКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ ПО ИСТОРИИ ТУРКЕСТАНА, ТУРКЕСТАНСКОЙ АВТОНОМИИ И ДЖАДИДИЗМА

Интерес османской интеллигенции к восточным тюркам, появившийся в последний период Османского государства, трансформировался в систематические исследования в Республике Турция, образованной в 1923 году. Основатель республики Мустафа Кемаль Ататюрк и его сподвижники придавали особое значение общетюркской истории. Не останавливаясь на этом, в учебники истории была включена тюркская история до переселения турков в Анатолию. В то время как создание Туркестанской Автономии окончилось поражением, исследования представителей интеллигенции Туркестана, Кавказа, Волго-уральского региона и других тюркских регионов оказали большое влияние на формирование нового взгляда на тюркскую историю.

Во времена Ататюрка турецкие историки пытаются связать древние цивилизации Анатолии с турецкой историей, но в то же время утверждается связь между турками и древними цивилизациями Азии. Таким образом скифы, гунны, Тюркский Каганат, Уйгурский Каганат, Караханиды, Тимуриды и Бабуриды были признаны как тюркские государства и часть турецкой истории, и были включены в образовательную программу начальной школы. Руководство республики поддерживало исследование и переводы, связанные с общетюркской историей. Многочисленные ученые-представители различных тюркских народов, такие как Зеки Велиди Тоган, Садри Максуди Арсал, Юсуф Акчура, Ахмет Агаоглу, Хамит Зюбейр Кошай, Мустафа Чокай, Мехмет Эмин Ресульзаде, Тахир Чагатай, Саадет Чагатай, Абдульвахап Октай, Абдулькадир Инан и многие другие, оказали большое влияние и внесли неопределимый вклад в развитие турецкой историографии и исследований по истории восточных тюрков.

Под воздействием ученых из тюркского мира в Турции сформировался взгляд на тюркскую историю как часть общетюркской

истории и взгляд на различные тюркские народы как на части единой тюркской нации. Не смотря на то, что в период Атаатюрка произошло политическое сближение с СССР и тюркские ученые, ведущие анти-советскую деятельность были вынуждены выехать из Турции, в целом научная деятельность, направленная на освещение колониальной политики царизма и давления в СССР, продолжились. Под воздействием ученых-эмигрантов появление национальных республик понимается как проявление политики разъединения единого Туркестана. Вследствии установления этого взгляда, в последующем, после обретения республиками независимости не смотря на то, что в других гуманитарных дисциплинах (особенно политология, международные отношения) укрепляется понятие региона как Центральной Азии, в турецкой историографии понятие Туркестан продолжает использоваться. Таким образом, до сих пор среди турецких историков популярно понятие Туркестан, как следствие значения слова (страна тюрков), так и под воздействием историографической традиции, установившейся в ранние республиканские годы.

Вместе с распадом СССР и появлением пяти независимых республик Туркестана, восстановились связи между тюрками этого региона и Турцией, которые были прерваны в советский период. Вследствие быстро установившихся взаимосвязей в гуманитарных науках посредством академического обмена, совместных конференций и переводов, современные понятия национальных идентичностей тюркских республик оказали влияние на турецкие исследования по региону. В этот период становятся популярными не исследования по всему региону, а по отдельным республикам. В связи с тем, что были образованы совместные университеты и развилось научное сотрудничество с Казахстаном и Кыргызстаном, количество научных работ, посвященных этим республикам, оказалось в разы больше, чем работ по Узбекистану или Туркменистану. В наши дни многие турецкие исследователи, начиная с лингвистов, специализируются только на одной из стран региона. Вместе с этим параллельно продолжает существовать восприятие единого Туркестана в исследованиях по таким темам как джадидизм, Туркестанская Автономия и другим историческим событиям, связанным с историей всего населения Туркестана. После 1991

года увеличилось число исследователей, занимающихся историей Туркестана. Среди турецких исследователей, изучающих джадидизм и Туркестанскую Автономию можно выделить таких исследователей как Мехмет Сарай, Ахад Андиджан, Ахмет Канлыдере, Сейфеттин Эршахин, Абдульвахап Кара.

В целом, касательно турецких исследований по истории Туркестана можно выделить следующие моменты:

1) В Турции исследования по истории восточных тюрков и центральноазиатских корней турецкого народа были инициированы и поддержаны во времена Ататюрка с целью укрепления национальной идентичности.

2) Турецкий взгляд на джадидизм и историю Туркестана вплотную связан с турецкой историографической традицией, сформировавшейся во времена Ататюрка.

3) Взгляд на регион и новые отношения с независимыми республиками Центральной Азии на первом этапе были основаны на вышеуказанном историографическом наследии.

4) Под воздействием этого наследия укрепилось понимание общей тюркской истории и понятие о Туркестане как о едином регионе. В связи с этим турецкие историки в своих исследованиях продолжили использовать термин Туркестан, тогда как в работах по политологии и международных отношениях в основном получило распространение название Центральная Азия.

5) Среди эмигрантов, приехавших из различных уголков тюркского мира в Турцию в период 1905-1991, особенно туркестанцы и казанские татары оказали большое влияние на научные исследования в Турции.

6) Среди исторических личностей, оказавших влияние на турецкую историографию выделяется Мустафа Чокай. В работах Чокая Туркестан предстает как единый регион туркестанцев. Язык журнала “Йаш Туркестан” был выбран в соответствии с этим взглядом. Так как такое понятие Туркестана было свойственно и турецкой историографии, как сам Чокай, так и его ученики продолжили влияние тюрков эмигрантов на турецкую историографию.

7) Ведущие научную деятельность туркестанцы продолжили борьбу за свободу Туркестана в эмиграции и донесли свое видение Туркестана новым поколениям.

8) Так же как эмигранты из Туркестана в советское время, многочисленные исследователи из региона своими научными работами и переводами продолжают оказывать влияние на турецкую историографию Туркестана.

9) Не смотря на то, что взгляд на Туркестан как единое целое сохранился, с распадом СССР и появлением независимых центрально-азиатских республик, советское наследие стало оказывать влияние на представления о регионе в Турции. С одной стороны это влияние реалий существования отдельных стран в регионе, с другой стороны влияние идеологических сторон советского наследия.

10) После 1991 года наблюдается появление многочисленных исследований по джадидизму. Однако большинство турецких работ по джадидизму посвящены Исмаилу Гаспринскому и джадидам региона Волги и Урала. Таким образом туркестанские джадиды изучены меньше. Среди возможных причин такого положения можно назвать центральную роль Крыма и Казани в джадидском движении, а также недостаточное развитие научных связей с Узбекистаном после обретения независимости.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. *Togan Zeki Velidi (1980), Bugünkü Türkili, Türkistan ve Yakın Tarihi, İstanbul, Enderun Yayınevi.*
2. *Abdülvahap Kara, Hokand Muhtariyeti,*
3. *Kara Abdülvahap (2002), Türkistan Ateşi Mustafa Çokay, İstanbul, Da Yayınları.*
4. *Hıdıraliyev Darhan(2001), Mustafa Çokay, Ankara, Yeni Avrasya Yayınları,*
5. *Çağatay Tahir, Oktay Abdülvahap (1952),Türkistan'a dair bazı cereyanlar hakkında görüşlerimiz, İstanbul, .*
6. *Çağatay Tahir (1962), Kızıl Emperyalizm, Ankara.*
7. *Çağatay Tahir (1959), Türkistan Kurtuluş Hareketi ile ilgili olaylardan Sahneler, Ankara, Yaş Türkistan.*
8. *Kanlıdere Ahmet (2014), Türk Basınında Türkistanlı Ceditçilerin Kültürel Faaliyetleri (1910-1914), Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi, cilt 1, sayı 2, 167-176.*

9. Kanlıdere Ahmet (2004), *Sovyet ve Türk Tarih Yazıcılığında Rusya Müslümanlarının Düşünce Tarihi, Türkiye Araştırmaları Literatür Dergisi*, cilt 2, sayı1, 149-181.

10. Erşahin Seyfettin(2003), “Türkistan’ın „Verilen Bağımsızlıktan“, “Alınan Bağımsızlığa“ Yürüyüşü Üzerine Bazı Değerlendirmeler“, *Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi*, XLIV/1, ss. 313-343.

11. Erşahin Seyfettin (1999), *Buhara’da Ceditcilik-Eğitim Islahatı Tartışmaları ve Abdurrauf Fitrat (XX. Yüzyıl Başları)*, *Dini Araştırmalar*, cilt 1, s. 3, 213-255.

12. Andican Ahat (2003), *Hariçte Türkistan Mücadelesi*, İstanbul. Emre Yayınevi.

13. Kavuncu Ayşe Çolpan(2017), *Social Research About Central Asia in Turkey*, CESS-Bishkek (yayınlanmamış tebliğ)

Хазретали ТУРСУН

*доктор исторических наук, профессор
Международного казахско-турецкого
университета им. Ходжи Ахмеда Ясави.
Республика Казахстан, город Туркестан*

АЛАШ И ТУРКЕСТАН: ТОЧКИ ПРИКОСНОВЕНИЯ

Одним из объектов узловых исследований, с пересмотром устоявшихся позиций и выводов содержания истории, является – история Туркестана. Родственные народы, издревле живущие в тесной социально–экономической взаимосвязи более полувека находясь в составе политико- административной системы Российской колониальной власти под названием Туркестанское генерал-губернаторство, приобрели сложный характер с антагоническим содержанием. Цели и задачи современных научно-исследовательских направлений требуют выявления связи причин и последствий, общности и особенностей этого сложного явления.

Так как история Туркестанского генерал-губернаторства и Туркестанской советской автономной республики является составной частью истории современных независимых государств,

исследование этой проблемы как целостное явление в рамках общих закономерностей имеет свои преимущества. Царская и советская власти в регионе наряду с обновлением традиционного общества проводили политику ограничения свободы национального самосознания, деформирования национальной сущности. Такая политика отражается в противоречиях установления государственных властных структур, формирования национальной элиты в регионе.

